

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 42:494.3:809

ИСМАТОВА ЮЛДУЗ ШУХРАТ ҚИЗИ

**ШЕКСПИРНИНГ “ОТЕЛЛО” ТРАГЕДИЯСИ
АСЛИЯТДАН ТАРЖИМАСИ ТАҲЛИЛИ**
(Жамол Камолов таржималари асосида)

5A120201 – Таржима назарияси ва амалиёти (инглиз тили)

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ



Илмий раҳбар:
катта ўқит. Пошали Усмон

Самарқанд – 2014

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I боб. Машхур инглиз ёзувчиси ва ўзбек таржимонларининг фаолияти	10
1.1. Машхур инглиз ёзувчиси Виллям Шекспир ижоди ва фаолияти	10
1.2. Бетакрор ўзбек ёзувчи ва таржимонлари Жамол Камол ва Гофур Гулом ижоди ва таржимонлик фаолияти	25
I Боб бўйича хулоса.....	41
II боб. Бевосита ва билвосита таржиманинг аҳамияти, шеърӣ таржимада тутган ўрни	43
2.1. Бевосита ва билвосита таржима этимологияси.....	43
2.2. Шеърӣ таржима, унда бевосита ва билвосита таржиманинг берилиши.....	60
II боб бўйича хулоса	67
III БОБ. Бадиий асарларнинг бевосита ва билвосита таҳлили	68
3.1. В.Шекспирнинг “Отелло” асари машхур ўзбек таржимони Жамол Камол талқинида(бевосита таржима асосида)	68
3.2. В.Шекспирнинг “Отелло” асари машхур ўзбек ёзувчиси ва таржимони Гофур Гулом талқинида (рус тилидан билвосита таржима асосида)	77
3.3. Жамол Камол ва Гофур Гулом таржималарининг ўзаро қиёсий таҳлили	88
III боб бўйича хулоса	94
Хулоса	97
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	100

КИРИШ

«Тилимиздаги меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шавқат, қадр-қиммат деган, бир-бирини чуқур маъно-мазмун билан бойитадиган ва тўлдирадиган иборалар бор. Қанчалик галати туюлмасин, бу ибораларни бошқа тилларга айнан таржима қилишининг ўзи мушкул бир муаммо»

Ислом Каримов

Таржима азалдан тил билан бир қаторда мавжуд бўлиб, адабиёт билан узвий боғлиқликда тараққий этган ҳодиса бўлсада, фан сифатида, тил ва адабиётдан анча кейин, дунё миқёсида, таржимашунослик фани ўлароқ XIX аср ва XX асрда шаклланиган, ўзбек таржимашунослигининг эса XX асрнинг 2-ярмида юзага келганлиги маълум.

Бугунги кунда маънавиятимизни юксалтириш, ёшларимизда миллий ва умуминсоний кадриятларга чуқур ҳурмат ҳиссини уйғотиш олий таълим муассасасида фаолият юритаётган ҳар бир педагогнинг зиммасида бўлган масъулиятли вазифалардан бири бўлиб турипти. Ўзбекистонни, ўзбек миллий меросини жаҳонга танитиш, кундан-кун ривожланиб, дунёда тобора мавқеи ортиб бораётган юртимизни, халқимиз ҳаёти ва бадиий тафаккурини адабиёт воситасида, хусусан, бадиий таржима йўли билан кенг ёйиш, тарғиб қилиш кечуиктириб бўлмас вазифалардандир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг қуйидаги сўзларини эсга олиш зарур: “Узоқ йиллар давомида ўзбек адабиётини тўғридан-тўғри она тилимиздан таржима қилиб келган чет эллик таржимонлар билан бирга, мамлакатимиз олий ўқув юртларида таълим олаётган истеъдодли ўғил-қизларимизни мана шу машаққатли, айти пайтда олийжаноб ишга жалб этиш, бу масаланинг ечими билан бевосита боғлиқ бўлган ташкилий-амалий вазифаларни ҳал қилишимиз мақсадга мувофиқ бўлар эди.”[1.426.]

Шуни таъкидлаш керакки, таржимашуносликка оид ўқув адабиётлари, дарслик ва қўлланмалар, илмий-методик мажмуалар,

мақолалар тайёрлашдан ташқари, таржима йўналишида таҳсил олаётган истеъдодли ёшларни бадиий таржима деган сермашаққат ишга жалб этиш, бу масаланинг ечими билан бевосита боғлиқ бўлган ташкилий-амалий вазифаларнинг ҳал қилиниши лозим. “Бир мамлакат тилини бошқа мамлакат тилига аниқ таржима қилиш, уларнинг валюталарини конвертация қилишдек мушкул кечади” дейди Валерий Афонченко [31.576.].

Шу пайтга қадар таржимонларимиз томонидан инглиз, рус, немис, француз, испан, италян, араб, хитой, япон, корейс тилларидан ноёб бадиий асарлар ўзбек тилига ўгирилиб китобхонларга тақдим этилган. Лекин, ўзбек адабиётининг дурдона асарларини чет тилларига таржима қилишда ҳам анча иш қилмоғимиз даркор.

Мустақиллик йилларидан сўнг Ўзбекистоннинг ҳар бир жабҳаларида тараққиёт ифори уфура бошлагани ҳеч кимга сир эмас. Ўз тарихимиз, анъаналаримиз, динимиз ва бошқа қадриятларимизни қадрлаш билан бир қаторда ўзга миллат қадриятлари ва анъаналари билан яқиндан, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, маънавий озуқа олган ҳолда танишиб чиқиш имконияти яралди. Мана шу имкониятларни инобатга олган ҳолда Президентимиз И.Каримов раҳнамолигида навқирон авлодни соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, ёшларимиз замонавий билим ва касб-хунарларни чуқур ўрганиши баробарида чет тилларни пухта ўзлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш масаласига устувор аҳамият бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10-декабр кунги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875 қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларига ўқитишнинг комплекс тизими, яъни уйғун камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантиришга, республиканинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига йўналтирилган тизим яратилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10-декабрда қабул қилинган чет тилларни ўрганиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирларига оид ва 2013 йил 23-майда имзоланган Ўзбекистон давлат жаҳон тиллар университети фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларга доир қарорлари бу борада муҳим дастурил амал бўлмоқда. Мамлакатимизнинг барча таълим муассасаларида ушбу ҳужжатлар ижроси юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилаётир. Яна бир муҳим жиҳат: “Чет тилларини билишнинг умумевропа компетенциясининг ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш (CEFR) тизими”га асосланиб, ўқувчи ва талабаларнинг билимини баҳолашда миллий хусусиятлардан келиб чиқиб иш юритиш кўзда тутилмоқда. Бошқача қилиб айтганда, умумий ўрта таълим тизимида 1-5 синфлар А1, 6-9 синфлар эса А2 даражасини эгаллашлари лозим. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимида бу даража В1, олий таълимнинг бакалавр босқичида эса В2 этиб белгиланган. Чет тилларини билишнинг кейинги даражаси С1 бўлиб, мазкур кўрсаткич олий таълим тизимининг магистратура босқичи талабалари ва катта илмий ходим-изланувчилар учун жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Британия Кенгаши билан ҳамкорликда Олий ва ўрта-махсус таълим муассасаларида инглиз тилидан дарс олиб бораётган мутахассисларнинг малакасини ошириш йўлга қўйилган. [90.26б.]

Бу каби улуғ ишларни амалга оширишнинг замирида таржимашунослик соҳасинигина эмас, таржима илми ва санъатини ҳам юксалтириш машаққатлари мужассам. Таржима адабий алоқа ва ўзаро таъсирнинг энг фаол, энг оммалашган ва энг маҳсулдор формасидир. “Таржима дўстлик илмидир, таржима узоқни яқин қилади, таржима ўзгани биродар, танишни қадрдон, дўстни қариндош қилади”. Айни пайтда таржима- санъат. Санъатнинг оддий турларидан эмас. Таржима сеҳргарлик санъатидир. Таржима ижод аҳли учун дарсхонаси кенг бўлган “адабий таҳсил, маҳорат мактабидир”. Шунинг учун жаҳон адабиёти тархида,

унинг бойиши, янги-янги асарлар эвазига мазмундор бўлишида таржима ва таржимонларнинг улуши бениҳоя салмоқли. [32.466.]

Кўнгиллар аро кўприк вазифасини ўтаётган таржима-адабий алоқа ва ўзаро таъсир тарихида ҳам нурли саҳифаларини ташкил этади. Неча юз йиллар давомида таржима туфайли бир адабиётда пайдо бўлган асар жаҳон кезади, миллион-миллион калбларга шавқу сурур, эстетик завқ бағишлайди, маънавий озиқ беради, ажойиб ва оригинал асарларнинг бунёдга келишига ҳисса қўшади. Ҳофиз ва Саъдий, Жомий ва Навоий шеърляти билан Ғарбни, Шекспир ва Бальзак, Данте ва Гётенинг мўжизакор асарлари билан шарқ китобхонларини ҳам ошни этган, улар қалбида жунбуш уйғотган, бадиий сўз санъатининг қудрат ва қувватини намоиш этган ҳам ана ўша таржимадир.

Таржима соҳаси ривожининг самараси ўлароқ Иван Петрович Белкин қиссалари Ноширдан (Рустам Комилов таржимаси), Ўқ (Миртемир таржимаси), Бўрон (Миртемир таржимаси), Тобутсоз (Уйғун таржимаси), Бекат назоратчиси (Иzzат Султон таржимаси), Қишлоқи ойимқиз (Миртемир таржимаси), Дубровский (Маъруф Ҳаким таржимаси), Қора хотин (Анвар Шер таржимаси), бундан ташқари Капитан қизи (Абдулла Қаҳҳор таржимаси) каби романи ва Сув париси (Ҳамид Олимжон таржимаси), Қизғанчиқ рицарь (Асқад Мухтор таржимаси) каби бир қатор драмматик асарлар таржима вариантлари машҳур ёзувчи-таржимонлар томонидан халқимизга таништириб борилмоқда.

Мавзунинг долзарблиги: Мазкур магистрлик диссертациямиз бевосита ва билвосита амалга оширилган таржималарнинг қиёсий таҳлилини ўрганишга бағишланган бўлиб бугунги кундаги долзарб масалалардан бири бўлган машҳур инглиз драматурги ва трагедиялар қироли Шекспир асарларининг бевосита ва билвосита қилинган таржима натижаларини қиёсий чоғиштириш, таҳлил қилиш ва бу икки таржима йўналишларининг афзаллиг-у, қулайлиги, қолаверса таржимага путур етказадиган жиҳатларини ёритиб беришдан иборатдир.

Мавзунининг ўрганилганлик даражаси: магистрлик ишимизнинг метадологик асоси сифатида таржима назарияси ва амалиёти, инглиз адабиёти, ўзбек таржимашунослиги соҳаларида изланиш олиб борган ва олиб бораётган ўзбек ва чет ел ёзувчи-таржимонларининг ишлари ўрганиб чиқилди. Бир қатор Шекспиршунос олимлар ва таржимонлар фаолиятлари билан танишиб чиқилди. Шекспирнинг ўлмас асарлари Ҳ.Олимжон, Сотти Ҳусайн, Чўлпон, М.Шайхзода, Яшин, Уйғун, Туроб Тўла, Ғ.Ғулом, Қ.Мирмуҳаммедов, Ж.Камол каби бир қатор машҳур ёзувчи-таржимонлар томонидан оммага таништирилган бўлса, Г.Э.Лессинг, К.Маркс, Ф.Энгелс, И.Верцман, Г.М.Козинцев, Дж.М.Мэтьюз, Пушкин, А.Блок, Гегель, В.К.Мюллер, А.А.Смирнов каби олимларнинг назарий маълумотларидан фойдаланилди. Шу кунга қадар “Қирол Лир”, “Ромео ва Жульетта”, “Ҳамлет”, “Отелло”, “Юлий Цезар” ва бошқа буюк шоҳнома асарларнинг билвосита таржима намуналари маълум бўлса, эндиликда машҳур ўзбек ёзувчиси, шоир-таржимон Ж.Камол томонидан Шекспир асарларининг инглиз тилидан бевосита ўзбек тилига қилинган ажойиб таржима намуналари пайдо бўлмоқда. Сўнги йилларда олиб борилган изланиш шуни кўрсатадики, Ж.Камолнинг инглиз тилидан бевосита ўзбек тилига қилган таржима асарлари ўзбек таржимашунослигида буюк инглиз асарларининг қайта яратилишига улкан ҳисса қўшмоқда.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб диссертациямизнинг **мақсадларини** қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- Ўзбекистонда чет эл адабиётларини бевосита ва билвосита таржима қилиш жараёнини тўлиқ ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- Ўзбекистондаги таржима муассаларида таржима асарларнинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб ўтиш;
- Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисидаги 10.12.2012 санасидаги Ўзбекистон республикаси Президенти И.Каримовнинг қарори билан яқиндан таништириш;
- Инглиз асарлари таржималарини қиёсий таҳлил асосида ўрганиш;

- Асарлар таржимасида қиёсий таҳлилларга таянган ҳолда бевосита таржиманинг билвосита таржимадан устунлик жиҳатларини ёритиб бериш.

Бизнинг магистрлик ишимизнинг изланиш **объекти** сифатида инглиз драматурги Виллям Шекспирнинг “Отелло” трагедияси Ж.Камолнинг инглиз тилидан бевосита таржимаси ҳамда ёзувчи ва шоир Ғ.Ғуломнинг билвосита таржима асари асосида олиб борилди.

Ўзбекистонда жаҳон адабиёти дурдоналарининг ўзбек тилига тўғридан-тўғри бевосита таржима жараёнини тақомиллаштириш тадқиқот ишимизнинг **предмети** ҳисобланади.

Диссертация ишимизнинг **янгиллиги**, яъни фарқли жиҳати шундаки, асарнинг изланишлар асосида кўриб чиқилган таржима жараёнлари ўзаро бир тилдан иккинчи бир тилга бевосита, қолаверса иккинчи бир тилдан бошқа яна бир тилга воситачи тил орқали қилинган таржималарни қиёсий таҳлил қилиш асосида ўрганишдан иборат.

Ишдан **кутилаётган натижаларга** тўхталадиган бўлсак, тадқиқот ишимиз асосида мамлакатимиз миқёсида жаҳон адабиёти дурдоналарини китобхонларимизга асарнинг асл моҳиятини сақлаган ҳолда тўғридан-тўғри ҳеч қандай воситачи тиллардан фойдаланмаган ҳолда қайта яратишдан иборат. Бу эса таржимашунослик соҳасида ўзбек таржима фаолиятини янада юксалтиришга, асл таржима сифатини оширишига хизмат қилади.

Ишнинг назарий аҳамияти. Ишимиз давомида кўплаб шекспиршунос олимларимизнинг фикрларини кўздан кечириб чиқдик. Уларнинг тадқиқот ишимизга бевосита боғлиқ жойларини назарий факт сифатида киритдик ва шулардан келиб чиқиб ўзимизнинг гипотезаларимизни яратдик.

Магистрлик иши таркиб жиҳатдан 115 саҳифадан иборат бўлиб, у кириш қисми, уч боб, ҳулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Биринчи боб машхур инглиз ёзувчиси В.Шекспирнинг ижоди ва фаолияти, қолаверса бетакрор ўзбек ёзувчи ва таржимонлари Ж.Камол ва Ғ.Ғуломларнинг ижоди ва таржимонлик фаолиятларидан ташкил топган.

Иккинчи боб иккита режадан ташкил топган бўлиб унда бевосита ва билвосита таржима этимологияси ва шеърӣ таржима, унда бевосита ва билвосита таржиманинг берилиши хусусида сўз боради.

Тадқиқот ишимизнинг учинчи боби В.Шекспирнинг “Отелло” асари машхур ўзбек таржимонлари Ж.Камолнинг бевосита таржимаси ва Ғ.Ғуломнинг билвосита таржималарининг қиёсий таҳлилларига асосланади.

Адабиётлар рўйхатидан ўтган асримизнинг салмоқли назарий китоблари билан биргаликда сўнги йилларда яратилган энг кенг тарқалган назарияларга бой адабиётлар ўрин олган.

I БОБ. МАШҲУР ИНГЛИЗ ЁЗУВЧИСИ ВА ЎЗБЕК ТАРЖИМОНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ

1.1. Машҳур инглиз ёзувчиси Виллям Шекспир ижоди ва фаолияти

В.Шекспир 1564 йил 23 апрелда Стратфордда майда савдогархунарманд оиласида дунёга келган. У 1585 йилдан бошлаб Лондонда яшай бошлаган. 1590 йилдан бошлаб Лондон театри “Глобус”да актёрлик қилади ва шу даврдан пьесалар ёза бошлайди. Шекспир ижоди асосан 3 катта даврга бўлинади.

Шекспир ижодининг биринчи даврида (1591-1601) ёзган “Адашишлар комедияси” (1592), “Вероналик икки йигит” (1594), “Ёз кечасидаги туш” (1595), “Йўқ нарсадан чиққан ғавғо” (1598), “Ўн иккинчи кеча” (1600) ва бошқа пьесаларида Уйғониш даври кишисининг ўзига хос тийнатиини яратди. Тарихий хроникалар деб аталган (“Генрих VI”), (1590-92й), “Ричард III” (1592й), “Ричард II” (1595й), “Генрих IV”, 2 қисмдан иборат, (1597-98й), “Генрих V” (1599 й) ва бошқалар.

Номлари келтирилган асарларда В.Шекспир феодал анархиясига қарши марказлашган ҳокимият учун кураш, давлат ва халқ тақдири билан боғлиқ масалаларни тарғиб этган эди. Ҳаётнинг фожиали томонлари, айниқса, “Ромео ва Жульетта” трагедиясида чуқур акс эттирилган. Унда бир-бирига душман бўлган икки феодал оилада туғилиб вояга етган ва бир-бирларини севиб қолган икки ёшнинг фожиали тақдири, уларнинг эркин севгисига тўғаноқ бўлган феодал тузум иллоти акс этган. “Юлий Цезарь” (1599) трагедиясида Шекспир қадимги Римдаги муҳим сиёсий воқеалар, республикачилар (Брут, Кассий) билан монархия (якка ҳукмронлик) тарафдорлари-цезарчилар (Антоний, Октавий) ўртасидаги курашни ва бу курашда республикачиларнинг фожиали мағлубиятини кўрсатган.

Шекспир ижодининг иккинчи даври (1601-1608) драммуатик фаолиятининг яна ҳам ривожланиши билан характерланади. У туғулиб келаётган капиталистик тартиблар ҳам инсон орзу-истакларига зид эканлигини илғаб, буржуа муносабатларини қаттиқ қоралайдиган, чуқур

гумунистик (инсонпарварлик) ғоялари билан суғорилган трагедиялар яратди. “Ҳамлет, Дания шахзодаси” (1601)да қаҳрамоннинг қирол Клавдийдан ўлдирилган отаси учун қасос олиши унинг бузилган феодал саройидан, зулм ва истибдоддан интиком олиши даражасига ўсиб чиққан ижтимоий зиддиятга айланган эди. Ҳамлет чириган феодал олами кирдикорларини фаш этибгина қолмай, балки издан чиқиб кетган ва бузилган асрни "изга тушириш"ни ўз зиммасидаги бурч деб билади. Ҳамлет уйғониш руҳи билан суғорилган янги типдаги киши-адолат учун курашувчи инсонпарвар киши тимсолидир, чунки унинг кўзига “Дания-зиндон” бўлиб кўринган эди. “Отелло” (1604) трагедиясида Шекспир икки тарихий давр-ўсиб бораётган абсолютизм (якка ҳокимиятчилик, мутлақ ҳокимият) ва туғилиб келаётган буржуа (ҳукмронлик қилаётган бой-бадавлат синф) тузуми шароитида вужудга келаётган янги ахлоқ ва тушунчаларнинг мураккаб жараёни (оқими) ва ўша муҳит ўртасидаги зиддиятларни акс эттирган. Қаҳрамоннинг шахсий фожиаси замоннинг ижтимоий-ахлоқий конфликти даражасига кўтариб ифодалаган. Асарда рашиқ фожиаси алданган ишонч ғояси билан бирикиб кетади. “Қирол Лир” (1605) трагедиясида Шекспир зеб-зийнат ва айш-ишрат ичида дабдабали ҳаёт кечириётган бир тўда ҳукмдорлар билан сон-саноксиз халқ оммасининг азоб-укубатларини кўрсатади. Лир мураккаб шахс. Унинг кучли ва ожиз томонлари бор. Ҳукмронлиги даврида у заиф эди, ҳақни ноҳақдан ажрата олмасди. Гадей холига тушиб қолган Лир турмушнинг аччиқ-чучугини ўз бошидан кечириб, ҳақ ва ноҳақликни фарқлайдиган маънавий куч қасб этади, эзилган халқ аҳволига ачинади. Асарда феодал жамияти одамлар орасидаги табиий, яқин алоқаларнинг бузилиши жараёни катта истеъдод билан кўрсатилган. “Макбет” (1606) трагедиясида Шекспир сиёсий деспотизм (истибдод)нинг тўла инъикоси бўлган золимлар (Макбет ва Леди Макбет) ер юзида яшамаслиги керак деган теран гуманистик (инсонпарварликка хос) фикрни олға суради ва уларга омма манфаатларини ҳимоя қилувчи қаҳрамонлар (Малькольм ва Макдуф)ни

карши кўяди. “Антоний ва Клеопатра” (1607), “Кориолан” (1607), “Афиналик Тимон” (1608), “Рим трагедиялари” туркумига оид асарларида ҳам Шекспир чуқур гуманистик ғояларни илгари сурди, феодализм (деҳқонларни эксплуатация қилишга асосланган ижтимоий тузум) ўрнига келаётган капитал (сармоя, бойлик) ҳукмронлигининг кирдикорларини фош этди.

Шекспир реалистик методининг ўзига хос хусусияти муаллифнинг воқеликни чуқур ўрганиб, мураккаб “воқеалар оқими”нинг асосий маъносини англаб, инсон кучи ва унинг чексиз имкониятларига тўла ишонч билан қараганлигидадир. Бу ҳол Шекспир гуманизмининг ҳаётбахш руҳини белгилайди. Шекспир реализмининг кучи феодал тузуми ҳалокатини, шунингдек, пайдо бўлаётган буржуа жамиятининг одамлар учун фожиавийлигини сезиш, бу жамиятнинг разолат ва қабохатларини ҳаётий тимсоллар билан ҳаққоний гавдалантиришидадир. Даҳо олимлар, шоирлар, ёзувчилар Шекспирнинг реализм ва характер яратишдаги санъаткорлигини алоҳида таъкидлаганлар. Шекспирнинг реалистик санъат ҳақидаги ўз қарашлари Ҳамлетнинг актёрлар билан бўлган суҳбатида аниқ-равшан ифодаланган. Бунда у ортиқча шовқин-сурон кўтармаслик, сунъийликка берилмаслик, “сўзга яраша ҳаракат” қилиш, “ҳаракатга яраша” гапириш ва булар “табiiйлик чегарасидан чиқмаслиги шарт” эканлиги тўғрисида фикр юритган.[83.68б.]

Шекспир трагедияларини юқори босқичга кўтарган олимлар асарлар мавзусининг бойлиги, ғоявий йўналишининг аниқлиги, ҳаётнинг реалистик тасвирланишидир. Шу боисдан унинг драмматик ижоди дунё театрлари репертуарларидан мустаҳкам ўрин эгаллаб, ҳозиргача кишиларни ҳаяжонлантириб келмоқда. Ғарбий Европада Шекспир ижодини ўрганиш XVIII асрнинг ўрталарига тўғри келади. Германияда Гёте ва Лессинг, Францияда Вельтер ва бошқалар Шекспир ҳаёти, фаолияти ҳақида турли хил фикрлар айтган. Россияда ҳам Шекспир асарларига қизиқиш XVIII асрнинг охирларида бошланган. Н.М.Карамзин унинг “Юлий Цезарь”

трагедиясини таржима қилган. А.С.Пушкин Шекспирнинг драммутик ижодига юқори баҳо берган. В.Г.Белинский Шекспирнинг реалистик методини батафсил тахлил қилиб, юксак баҳоланган. М.Горький Шекспирни “Энг улуғ драмматург” деб атаган эди.

Ҳамза номидаги театрда “Ҳамлет” трагедиясининг сахналаштирилиши (1935) ўзбек театр санъати тарихида катта воқеа бўлди. Шекспирнинг “Отелло” (1941), “Ромео ва Жульетта” (1951), “Юлий Цезарь” (1964) трагедиялари, “Вероникалик икки йигит” (1966) комедияси ҳам ўзбек театрларида катта маҳорат билан намоиш қилинди. Унинг Ҳамлет, Отелло, Брут, Дездемона, Яго ва бошқа қаҳрамонларини театрда қайта яратиш ва талқин қилишда А.Хидоятлов, О.Хўжаев, С.Эшонтўраева, Ш.Бурхонов, Н.Раҳимов ва бошқаларнинг актёрлик маҳорати ёрқин намоён бўлди. Шекспирнинг ўзбек тилида нашр этилган “Отелло”, “Қирол Лир” (Ғ.Ғулом), “Ҳамлет”, “Ромео ва Жульетта” (М.Шайхзода), “Юлий Цезарь” (Уйғун), “Қийиқ қизнинг қуйилиши” (Т.Тўла) ва бошқа асарларини ўзбек китобхонлари ҳам севиб ўқимоқдалар.

Айни кунларда ўзбек китобхони Шекспир трагедиялари ва драмаларини, уларни аслиятдан ўгирган Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимасида ўқимоқдалар.

2007-2008 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси “ФНН” нашриётида нашр этилган “Сайланма”дан 12та фожиа ва драмалар ўрин олган. “Сайланма” уч жилддан иборат бўлиб, биринчи бобда “Қирол Лир”, “Ҳамлет” (Дания шаҳзодаси), “Макбет” ва “Афиналик Тимон”, иккинчи жилдда “Ромео ва Жульетта”, “Отелло”, “Кориолан” ва “Юлий Цезарь”, учинчи жилдда “Венеция савдогари”, “Қиш эртаги”, “Қирол Генрих IV” ҳамда “Антоний ва Клеопатра” каби трагедия ва драмалари жамланган. Мазкур асарлар таржималари кўп йиллик меҳнат ва маҳорат маҳсули ҳисобланади. Номлари зикр этилган асарларнинг ҳар бири муайян татқиқотга муносиб объект сифатида хизмат қилади, гап уларни синчиклаб ўқиб мағзини чақишда дейилади.

Буюк инглиз драматурги ва шоири Шекспирдан 11та трагедия, 17та комедия, 10та хроника (бирор воқеа тарихи ёритилган асар), 5та поэма (достон) ҳамда 154та сонетдан иборат жуда бой, бундан ҳам муҳими, жаҳон адабитининг шоҳ асарлари ҳисобланган ижод намуналари қолган.

В.Шекспирнинг бобоси фермер бўлган. Отаси Жон Шекспир 1552 йилда Уорхшир графлиги, Эйвн дарёси соҳилидаги Страдфорд шаҳрига кўчиб келган. Жон Шекспир жуда меҳнатсевар ва тадбиркор бўлиб, қўлқоп ишлаб чиқарувчи ўз корхонасига, 2та уйга эга бўлган. 1568 йилда у хатто Бейлиф (шаҳар ҳокими) вазифасига сайланган, Стратфорднинг бой ва энг ҳурматга сазовор фуқороларидан бири бўлган. У 1557 шу шаҳар яқинида яшовчи кичик дворяннинг қизи Мери Арден билан турмуш қурган. Жоннинг отаси, Шекспирнинг бобоси Англиянинг энг қадимги сулоларидан ҳисобланган. Арденлар ерини ижарага олганлиги сабабли бу оила билан яқиндан таниш бўлган.

Жон ва Мерининг учинчи фарзанди (уларнинг тўнғич икки қизи ёшлигидаёқ вафот этган) Вильям 1564 йилда туғилган. Бунга Страдфорднинг Троица черкови дафтарида:

“Жон Шекспирнинг ўғли Вильям 1564 йилнинг 26 апрелида чўқинтирилди, ” деб қайд қилинганлиги асос бўлган. Ўша даврдаги таомилга кўра христиан динига мансуб оила фарзанди туғилганидан кейин 3 кун ўтгач черковга олиб борилган, яъни Вильям Шекспир 23 апрелда туғилган деб ҳисобланади.

Шаҳарда ҳар йили турли томошалар ўтказиб турилган. Фақат 1576-1587 йиллар, яъни 9 йил давомида бу шаҳарга театрларнинг сайёқ труппалари камида 24 марта келганлиги маълум. Ўша даврдаги одатга кўра, труппа артистлари бейлиф (шаҳар ҳокими) томонидан қабул қилинар, санъаткорлар томошаси шаҳар ҳокимига мўқул тушса, труппа биринчи спектаклини унинг уйида оиласи ва дўстларига намоёиш қилар эди. Демак, Вильям ёшлигиданоқ ўз уйида сахна томошаларини кўриш имконига эга бўлган.

Стратфордда Англиядаги энг нуфузли таълим муассасаларидан ҳисобланган грамматика мактаби (Grammar school) бўлган. Бу мактабда шаҳар раҳбарларининг фарзандлари бепул ўқиган. Грамматика мактабида университет маълумотига эга бўлган ўқитувчилар дарс берган. Ўқувчилар асосан лотин, қисман юнон тилини ўрганганлар. Вильям 7 ёшидан 12 ёшига қадар грамматика мактабига ўқишга кириб, лотин тилидан сабоқ олган, юнон тили билан танишган, антик адабиётларни мутолаа қилган. Хусусан, унинг Овидий ва Плавт каби шоирлар ижоди билан танишгани маълум. В.Шекспир 13 ёшлигида отаси номаълум сабабларга кўра хотини Мери Арденга тегишли ерларни гаровга қўйишга, кейин эса уларни сотишга мажбур бўлган. 1586 йилда у шаҳар маъмурлари сафидан ҳам чиқарилган.

1582 йилда Шекспир ўзидан 8 ёш катта бўлган маҳаллий помещчик (катта ер эгаси)нинг қизи Анна Хатауэй (Anna Hataway)га уйланган. 1583 йилда бу оилада Сюзанна, 1585 йилда эгазак ўғил- Ҳамнет Су (ёшлигида, 1596 йилда вафот этган) ва қиз-Жудит туғилган.

Тахминан 1585-1586 йилларда В.Шекспир Лондонга кўчиб келган. У даставвал бу ерда қайси театрда, қандай лавозимда бўлганлиги номаълум. Аввалига у актёр ёки режиссёр ёрдамчиси бўлган деб ҳисобланади. Фақат 1592 йилдагина унинг Лондондаги Ричард Бербежнинг “Лорднинг камергер хизматкорлари” артистлар труппаси аъзоси бўлганлиги маълум. Умуман, адибнинг Лондондаги 1592 йилгача бўлган фаолиятини татқиқотчилар “ҳайф кетган йиллар” деб ҳам аташади. Чунки унинг ана шу даврдаги ҳаёти билан боғлиқ бирорта ҳужжат сақлақниб қолмаган.

1599 йилда В.Шекспир мазкур труппанинг найчиларидан бири бўлган. Натижада у актёрлик маоши, ёзган пьесалари учун қалам ҳаққидан ташқари труппа даромадидан ҳам ўз улушини олган. В.Шекспирнинг даромади кўпайиши биланоқ ўз оиласи билан бирга ота-онаси, укаларини ҳам маблағ билан таъминлаб турган. 1597 йилда эса Стратфорддаги энг

катта уйларидан бирини сотиб олган, отасига дворянлик унвонини ҳам олиб берган.

Англияда Яков I ҳукмронлиги даврида бу труппа қироллик театри мақомига эга бўлган. В.Шекспир унинг кўп йиллик аъзолари қатори камердинер (шахсий уй хизматкори) унвонига сазовор бўлган. 1612 йилда у номаълум сабабларга кўра истефога чиққан рафиқаси ва қизлари яшаётган Стратфордга қайтиб келган.

В.Шекспир 1616 йил 23 апрелда вафот этган.

В.Шекспир ҳаётига доир маълумотлар жуда кам сақланганлиги боис XVIII аср охирида унинг драмаларига муҳаррирлик қилган Жорж Стивенс шундай ёзган:

“Бизнинг Шекспир ҳақидаги бор-йўқ билганларимиз: у Стратфордда туғилган, уйланган, фарзанд кўрган. Лондонга борган, марказда актёрликни эгаллаган, пьесалар ва шеърлар ёзган. Стратфордга қайтган. Васиятнома қолдирган ва ўлган”. [85,86,87,88,89.]

Шекспир Уйғониш даврининг инглиз театри атоқли арбоби, актёри ва драматурги, мутафаккири, беқиёс истеъдод, бадий маҳорат ва журъат соҳиби эди. У 25 йил ичида жаҳон драматургиясининг ажойиб намуналари ҳисобланган 37та драматик асар яратган. Ўша асарларининг ҳар бирида санъатнинг катта имкониятларини кўрсатган, инсон табиати, тийнати (характери) ва ҳаётини, борликни тўла-тўқис англашга ёрдам берган санъаткор эди. Бир талай шекспиршунос олимларнинг татқиқотлари, изланишларига кўра, Шекспир ўз даври ва муҳитида ижод ёлғиз бўлмаган, балки бир қанча авлоднинг меҳнати унинг ижодига замин тайёрлагани, драматург асарларида беқиёс катта маҳорат билан қўлланган санъатнинг бир қанча воситаларини салаф (ўтмишдош)лари яратгани, ўзи эса ажойиб ақл ва истеъдод эгалари бўлган драматурглар сафида, улар билан ижодий беллашиб асарлар яратгани, ғоявий, бадий муаммоларни ҳал этиш бобидаги тортишувларда фаол иштирок этганининг махсули сифатида “Ҳамлет”, “Отелло”, “Қирол Лир”, “Макбет”, “Юлий Цезарь”, “Ричард III”,

“Венециялик савдогар”, “Қайсар қизнинг қуйилиши”, “Ўн иккинчи кеча” сингари жаҳон драматургияси ҳазинасининг дурдоналари майдонга келгани маълум бўлди. Демак, Шекспир ўз-ўзидан етишиб чиқмаган, балки ўз халқи, ўз даврининг етук вакили, давр яратган маданиятнинг алоҳида тимолидир.

Уйғониш даврида драма асарлари яратган ижодкорлар шоир деб ҳисобланмаган, улар яратган асарлар театрларнинг хусусий мулкига айланган, сахнадан тушиб кетгач, қолиб кетган ёки бошқа муаллифлар томонидан қайта ишланган. Асарларни нашр этиш одат бўлмаган. Фақат спектакль пайтида стенография (матнни шартли белгилар ёрдамида жадаллик билан ёзиб олиш) қилиб олинган ёки бирор актёр сотиб олинган нусхадан кўчириб нашр эттирганлар, бундай нашрлар “ўғирлик”, “қароқчилик” деб аталган. Шунини таъкидлаш керакки, Англияда драматурглар шахси билан ҳеч ким қизиқмаган, улар актёрлар кўланкасида қолиб кетган.

Шекспирнинг вафотидан юз йилча вақт ўтгандан кейингина унинг асарлари ношири (нашр этувчиси) Никла Роу драматург ҳақидаги ҳар хил маълумотлар ва афсоналарни тўплайди. Стратфордга бориб, драматургнинг ҳамшаҳарларидан ва Лондон театрларидан унинг ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни актёр Беттертон тўплайди. Орадан кўп вақт ўтмай Роу ва Беттертон қаторига бошқалар ҳам қўшиладилар.

Буюк инглиз драматургининг ҳаёти, ижоди, яшаган даври ва муҳитини ўрганиш учун турли соҳа олимлари икки ярим асрдан буён синчковлик билан даврга доир барча архив материаллари, черков, давлат ва ҳакамлик, мактаб, сайёҳлар ҳужжатларини қунт билан ўргандилар, натижада Шекспир ҳаёт йўлини, тамоман бўлса-да, аниқлашга муяссар бўлдилар.

Шекспир фамилияси “Shakespeare”-“найзани ларзага келтирувчи” маъносини англатади. Унинг боболари фермер бўлган, отаси Жон Шекспир 1552 йили Эйвн дарёси соҳилидаги Стратфордга кўчиб келган. У

нихоятда меҳнатсевар одам бўлиб, 5 йил ичида қўлқоп ишлаб чиқарувчи корхона, икки уй эгаси ва шаҳарни идора этувчилар қаторига кўтарилган. 1568 йили эса бейлиф (шаҳар ҳокими) лавозимига сайланган.

15 ёшида мактабни тамомлаган Шекспир нима билан шуғулланганлиги номаълум. Баъзилар, Н.Роу афсоналарига кўра, отаси билан қассоблик қилган десалар, баъзилар эса мактаб ўқитувчисига ёрдамчи бўлган дея маълумот беришади. [82,83]Иккинчи тахмин ҳақиқатга яқин, чунки драматургнинг замондоши бўлган актёр Бистон хабарига кўра, “Шекспир лотин тилини анча пухта билган, чунки у ёшлигида қишлоқда ўқитувчилик қилган эди” дейди.

Драматург 1585-1586 йиллар она шаҳрини ташлаб, Лондонга кетади. Шекспир Лондонга келгач қайси театрда, қандай лавозимда хизмат қилгани номаълум. Лекин Шекспир орадан кўп ўтмай драматург сифатида танилди. Шекспир биринчи асарини 1588 йилда ёза бошлаган. Гап шундаки, 1590-1592 йилларда Шекспир асарлари кишилар диққатини ўзига жалб қилади. Чунончи, сатирик ёзувчи Томас Неш 1592 йилда ёзилган “Бир пулсиз Пирс” памфлети (танқидий асар)да “Генрих VI” пьесаси томошабинларда катта таассурот қолдирди деб ёзган эди. Лекин Шекспирнинг номини тилга олмайди. Ўша йилнинг ўзида пьесага салбий тақриз ҳам чиқади. Бу сафар ҳам драматургнинг номи тилга олинмайди. Лекин гап Шекспир ҳақида бораётганига ҳеч қандай шубҳа қолмайди. Драматург, ёзувчи Роберт Грин 1592 йилда вафоти олдидан “Миллион пушаймонга сотиб олинган бир пуллик ақл” памфлетида ўз гуноҳларига пушаймон қилганини изҳор этиш билан ҳамкасб рақибларидан ҳам ўч олади. Ўз дўстлари, “университет ақл эгалари”га мурожаат қилиб, “уларга ишонманглар, чунки улар орасидан бизнинг патларимиз билан безанган бир қарға чиққан. У актёр либосидаги шерюракли одам, у ишнинг кўзини биладиган шахс, холос, лекин шундай бўлса-да, ўзини сизларнинг энг моҳир санъаткорингиз каби оқ шеър (қофиясиз шеър) устаси, мамлакатда сахнани ягона ларзага келтирувчисиман, деб ўйлайди”. Грин кимни

назарда тутганлиги ўз-ўзидан маълум, чунки у айтган “сахнани ларзага келтирувчи”(Shake scene) Шекспир фамилияси (Shakespeare) билан бўлган сўз ўйини эди.

Ижодини 25-26 ёшларида бошлаган драматург 30 ёшида “Генрих VI” трилогияси, “Тит Андроник”, “Ричард III”, “Адашишлар комедияси”, “қайсар қизнинг қуйилиши” каби драмалари 400 йилдан буён жаҳон сахналаридан тушмай келмоқда.

1593 йилда Лондонда вабо касали тарқалиб, театрлар ёпилди, актёрлар вилоятларга кетиб қолишди. Марказда қолган Шекспир драмалар ўрнига шеърят билан шуғуллана бошлади. Ўша йили унинг “Венера ва Адонис”, 1594 йилда “Лукреция” дostonлари босилди. Муаллиф “Венера ва Адонис” дostonини “Ҳаёлотимнинг биринчи маҳсули” деб атаган эди. Ўша даврда драматик асарлар бадий асар ҳисобланмаган, шу туфайли Шекспир ўша дostonни “биринчи маҳсулим” деб атаган бўлса керак.

Ҳар иккала дoston ҳам граф Саутхемртонга бағишланган. Саутхемертон ўша давр аристократиясининг саройга яқин пешқадам вакили, ёзувчи ва олимларнинг ҳомийси бўлган. Шекспир билан ёш граф ўртасида дўстона муносабат бўлмаган, лекин Саутхемертон Шекспирга ҳомийлик қилган.

Шекспир драмалари илк бор 1594 йилда нашр этилган эди. Ношир Жон Дентер “Тит Андроник ҳақидаги ачинарли трагедия” ва “Генрих VI”нинг иккинчи қисмини муаллифнинг номини кўрсатмай, пинҳона чоп эттирган эди.

1594 йилда театрлар Лондонга қайтгач, труппалар таркиби бирмунча ўзгарган эди. Актёрлар иккита йирик жамоа ташкил этишди. Уларнинг бири актёр Эдуард Аллейнга тегишли эди, уни Флипп Хенсло маблағ билан таъминларди. Актёр Бербеж оиласи ўша труппа асосини ташкил этган эди. Бербежнинг ўғли Р.Бербеж Шекспирнинг яқин дўсти, ўша даврнинг истеъдодли актёрларидан эди. Ўша труппа Лорд Камергер

ҳомийлигида бўлиб, актёрлар “лорд камергер хизматкорлари” деб аталган. Шекспирнинг бундан кейинги ижоди шу труппа билан боғлиқ бўлган.

1595 йилда Шекспир Лондон драматурглари ўртасида етакчи ўринни эгаллайди. Унинг ўзидан катта замондошлари К.Марло, Р.Грин, Кидлар оламдан ўтган эди, Ж.Лили ижодий ишдан узоқлашган. Грин айтганидек, Шекспир “сахнани ларзага келтирувчи даҳо бўлиб қолди”. У 5-6 йил ичида 15та пьеса- “Ричард II”, “Қирол Жон”, “Генрих IV”, “Генрих V” хроникалари (бирор воқеа тарихи ёритилган асар)лари, “Вероналик икки йигит”, “Муҳаббатнинг самарасиз уринишлари”, “Бехуда шов-шув”, “Ўн иккинчи кеча” комедиялари, “Ромео ва Жульетта”, “Юлий Цезарь” трагедияларини яратди.

1599 йилда Бербеж труппаси ўзи қурган янги театр биноси “Глобус” учун янги пьесаларга зарурат туғилади, бу ишга Шекспир астойдил киришади. Унинг сўнги қувноқ комедиялари “Бехуда шов-шув”, “Бу сизга маъқулми”, “Ўн иккинчи кеча” шоҳ трагедиялари ва умуман бундан кейинги ҳамма асарлари шу театрда қўйилган.

Ўша даврда Шекспир илгаригига қараганда камроқ ёзади, бир йилда учта пьеса ўрнига битта пьеса ёзади: “Ҳамлет”, “Троил ва Кресеида”, “Яхшилик билан тугаган иш яхши”, “Ўчга ўч”, “Отелло”, “Қирол Лир”, “Макбет”, “Антоний ва Клеопатра”, “Кориолан” ва “Афиналик Тимон” пьесаларини ўн йил ичида ёзган эди.

Шекспир драматург сифатида ижод қилиш билан чегараланмай, актёр сифатида ҳам ўзини кўрсатган етук шахс эди. XVI асрнинг кейинги йилларида вужудга кела бошлаган ижтимоий-сиёсий қарама-қаршиликлар XVII аср бошларида айниқса кескинлашди. Қиролича Елизавета 1603 йилнинг 24 мартада вафот этади. Унинг фарзанди бўлмаган, инглиз тахтига Елизавета қатл эттирган Шотландия қироличаси Мария Стюартнинг ўғли Яков I ўтиради. Янги қирол театрларни ўз ҳомийлигига олади: театрлар энди “Қирол олий хазратлари хизматкорлари”, “Қиролича олий хазратлари хизматкорлари” ва “Шаҳзода хазратларининг

хизматкорлари”га айланади. Бербей труппаси энг яхши труппа сифатида, энг олий шарафга муяссар бўлади-қирол труппаси номига молик бўлади. 1608 йилдан эътиборан Бербей театри “Глобус”да ҳам, сахнаси анча яхши жиҳозланган Блек Фрайерсда ҳам спектакллар кўяди. Ўша дварларда Шекспир романтик рухдаги трагик-комедиялар “Перикл”, “Цимбелин” ва “Бўрон”ни яратади.

Шундан кейин шекспир она шахри Стратфордга қайтади, драматург хаётининг сўнги йилларини ёр-биродарлари орасида ўтказди. Айрим тахминларга кўра она шахрига қайтишининг сабаби саломатлигининг ёмонлашганидир. У 1616 йилнинг 23 апрелида вафот этади. Унинг жасади Стратфорддаги Троица черковидаги меҳробга қўйилган.

Шекспир васиятнома қолдирган. Васиятнома уч варақдан иборат бўлиб, охири саҳифада драматургнинг имзоси қўйилган. Шекспирнинг қизларидан тарқалган авлоди XVIII аср ўрталаригача яшаган.

Драматург вафотидан сўнг ёш шоирлар унга атаб қасидалар ёзадилар, улар орасида ёш Милтон ҳам бор эди. У Шекспирга монумент ҳайкал керак эмас, “Сен ўзинга бузилмас ҳайкал ўрнатдинг” дейди. Драматург вафотига бағишлаб ёзилган асарлар орасида 1623 тўпламига ёзилган Б.Жонсон шеърӣ шаклда битилган сўз боши айниқса диққатга сазовордир. Жонсон Шекспирни “Даврнинг юраги” деб атаган эди. “Бизнинг Лили, жасур Кид, Марлонинг улуғвор шеърӣяти унинг кўланкасида қолиб кетди” дейди. Мереz айтганидек, Жонсон ҳам Шекспир “шон-шавкатли Греция ва мағрур Рим бизга қолдирган асарлардан ҳам юқори турган” асарлар яратди деб ҳисоблайди. [11.72б.]

“Бизнинг Шекспир ҳақида” деб аталган иккинчи хотирасида Жонсон Шекспирга янада юқори баҳо беради: “.....мен уни инсон сифатида севар эдим, муҳлислари қаторида туриб, улар билан биргаликда унга ҳурмат бажо келтириб, таъзим қиламан. У виждонли, кўнгли очиқ ва хуштабиат, бой фантазияга, ўткир мулоҳаза ва қаламга эга бўлган одам ади, шунинг учун ниҳоятда тез ва осон ёза олган.... У чуқур ва ўткир ақл эгаси эди,

лекин баъзан ўзини ўзи назорат қила олмаган, шу боис айрим хатоларга ҳам йўл қўяр эди. Аммо унинг яхшилик жиҳатлари камчиликларидан устун турарди” дейди. “Ҳақиқатдан ҳам, Шекспир асарларида онда-сонда шошма-шошарликлар учрайди” [74.77б.] деб ёзади шекспиршунос проф. Ф.Сулаймонова.

Шекспир ҳаёти ва ижодини ўрганишда дастлабки маълумотларни Мереж ва Жонсон каби замондошлари берган бўлсалар, мана драматург вафотига уч ярим асрдан кўп вақт ўтди, унинг ҳақида фикр билдиришлар ҳамон давом этмоқда. Шекспир ҳақида турли хил уйдирмалар ҳам пайдо бўлган эди.

Шекспир ҳаммага маълум бўлган 37та пьесадан ташқари “Эдуард III”, “Карденно”, “Икки олийжанов қариндош”, ва “Томас Мор” драмаларининг яратилишида ҳам иштирок этган. Шекспир асарлари хронологияси (замон жараёнидаги тарихий воқеаларнинг изчиллиги) масаласи ҳам диққатга сазовордир. На Шекспир, на унинг бирорта замондоши драматик асарларнинг нашр этилишини ҳаёлларига келтирмаган, пьесаларни чоп этиш учун мўлжалламаганлар, уларни саҳнада кўрсатишган, холос.

Шекспир фақатгина иккита достонини ўз ихтиёри билан нашрга топширган, қолганларининг ҳаммаси муаллифнинг қаршилиқ кўрсатишига қарамай босиб чиқарилган. Шекспирнинг қуйидаги драмалари: “Тит Андроник”, “Генрих VI” (2- ва 3-қисмлари), “Ричард II”, “Муҳаббатнинг самарасиз уринишлари”, “Венециялик савдогар”, “Генрих V”, “Беҳуда шов-шув”, “Ёз кечасидаги туш”, “Виндзориялик ҳазилкашлар”, “Ҳамлет”, “Қирол Лир”, “Троил ва Крессида” ва “Перикл” ҳаётлигида чоп этилган. “Адашишлар комедияси”, “Қайсар қизнинг қуйилиши”, “Вероналик икки йигит”, “Қирол Жон”, “Бу сизга маъкулми?”, “Ўн иккинчи кеча”, “Юлий Цезарь”, “Яхшилик билан тугаган иш яхши”, “Ўчга ўч”, “Афиналик Тимон”, “Макбет”, “Антоний ва Клеопатра”, “Кориолан”, “Цимбелин”, “Қиш эртаги” ва “Бўрон” кейин нашр этилган.

Шекспир вафотидан етти йил ўтгандан сўнг Ж.Хеминг ва Г.Кондел Жонсон иштироки ва раҳбарлигида драматург асарларини тўплаб, нашрга тайёрлаган эдилар. Қисман ноширларнинг хусусий мулкига айланган, актёрлар кўлида тарқалиб кетган пьесалар қўлёзмаларини тўплаш, уларнинг матнини тиклаш, таҳрир қилиш каби мушкул ишни драматургнинг дўстлари амалга оширишди. 1623 йилда 998 саҳифадан иборат, катта ҳажмда фолио (катта ҳажмдаги китоб), Вильям Шекспирнинг комедия, хроника (йилнома) ва трагедиялари, аслият ва аниқ нусхадан босилган” номи остида босилган. Мазкур нашрнинг бизгача етиб келган икки юзга яқин нусхасининг 14таси тўлиқ ҳолда мавжуд.

Тўплам одатга кўра бирор лорд (Англияда зодагонларнинг авлоддан авлодга келадиган олий унвон ва шу унвонга эга бўлган киши), амалдорга бағишланиши керак эди. Ҳемен ва Кондел фолиони икки граф-Пембрук ва Монтгомериға бағишлайдилар, бағишлашда камтаринлик билан “Биз фақат вафот этган муаллифға хизмат қилиб, унинг етимлари (асарлари назарда тутилмоқда) ғамхўрлик қилдик, пьесаларини тўплادик, биз шахсий манфаатдорлик ва шуҳратға интилганимиз йўқ, балки буюк шуҳратға муносиб бўлган дўстимиз Шекспир хотирасини абадийлаштиришға уриндик, холос”[78.386.].

Шекспир асарлари хронологиясини аниқлаш масаласи билан олимлар XVIII асрдан бошлаб қизиқиб келмоқдалар, инглиз олими Э.К.Чемберс ҳақиқатға энг яқин бўлган хронологияни аниқлади. Мана 1930 йилда Чемберс томонидан тузилган 37та пьесанинг хронологияси:

1590-1591-“Генрих VI” (2-қисм)

“Генрих VI” (3-қисм)

1591-1592-“Генрих VI” (1-қисм)

1592-1593-“Ричард III”, “Адашишлар комедияси”

1593-1594-“Тит Андроник”, “Қайсар қизнинг қуйилиши”

1594-1595-“Вероналик икки йигит”, “Муҳаббатнинг самарасиз уринишлари”, “Ромео ва Жульетта”

1595-1596-“Ричард II”, “Ёз кечасидаги туш”
1596-1597-“Қирол Жон”, “Венециялик савдогар”
1597-1598-“Генрих IV” (1-қисм), “Генрих IV” (2-қисм)
1598-1599-“Беҳуда шов-шув”, “Генрих IV”
1599-1600-“Юлий Цезарь”, “Бу сизга маъқулми”, “Ўн иккинчи кеча”
1600-1601-“Ҳамлет”, “Виндзориялик ҳакилдошлар”
1601-1602-“Троил ва Крессида”
1603-1604-“Яхшилик билан тугаган иш яхши”
1604-1605-“Ўчга ўч”, “Отелло”
1605-1606-“Қирол Лир”, “Макбет”
1606-1607-“Антоний ва Клеопатра”
1607-1608-“Кориолан”, “Афиналик Тимон”
1608-1609-“Перикл”
1609-1610-“Цимбелин”
1610-1611-“Қиш эртаги”
1611-1612-“Бўрон”
1612-1613-“Генрих VII”

Демак, Шекспирнинг адабий мероси 37та пьеса, иккита достон ва сонетлар тўпламидан иборат.

Шекспир ижодини баъзи олимлар уч даврга, баъзилари эса тўрт даврга ва бу тўрт давр ичида тагин турлар, жанрларга ажратадилар. Шекспирникидек бой, турли жанр ва ғоявий йўналишдаги адабий мероснинг ўрганилишини осонлаштириш учун даврларга ажратиш зарур, аммо қанчалик даврларга ажратилмасин, шартли бўлиши аниқ. Масалан, “Юлий Цезарь” трагедияси 1599 йилда ёзилганлиги маълум, бироқ бу трагедия ҳам ғоя, ҳам шакл жиҳатдан шу йилларда яратилган асарларидан анча фарқ қилади ва 1600 йилдан сўнги трагедияларга яқин туради. 1600 йилда ёзилган “Ўн иккинчи кеча” комедияси эса, аксинча, биринчи даврда яратилган оптимистик трагедияларига яқин ва 1601 йилдаги “Ҳамлет”дан бутунлай фарқ қилади. Демак, Шекспир асарларини яратилиш пайтига

қараб эмас, балки уларни характери ғоявий йўналишига қараб ажратиш мақсадга мувофиқдир.

1.2. Бетакрор ўзбек ёзувчи ва таржимонлари Жамол Камол ва Ғофур Ғулом ижоди ва таржимонлик фаолияти

Шоир Жамол Камол 1938 йили Бухоро вилоятининг Шофрикон туманидаги Чикарон қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. Ота-онадан эрта айрилган Жамол тоғаси қўлида тарбияланди. Ўрта мактабни тугатиб, Бухоро педагогика институтининг филология факултетида ўқиди. Сўнг шу ерда муаллимлик қилди.

Жамол Камол 1965-1969 йилларда «Бухоро ҳақиқати» рўзномаси муҳарририятида ишлади. А. С. Пушкин номи Тил ва адабиёт институти аспирантурасида ўқиди ва «Лирик шеъриятда композиция» деган мавзуда номзодлик илмий ишини ҳимоя қилди. Шоир 1970-1972 йилларда Ёзувчилар уюшмасининг Бухоро бўлимида масъул котиб вазифасини бажарди. 1972 йилдан эса А.С.Пушкин номи Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Жамол Камолнинг «Олам кирар юрагимга» (1968), «Чўққиларга ёғилди» (1971), «Тош туғён» (1973), «Ҳасан ва ой», (1974), «Суёш чашмаси» (1975), «Достонлар» (1978), «Тафаккур» (1979), «Сувайдо» (1983) «Умидли дунё» (1988) ва бошқа бир қатор шеърӣ тўпламлари нашр қилинган.

Жамол Камол мумтоз шеърӣ анъаналар билан замонавий шеърӣят тизимини уйғунлаштирган истеъдодли шоирдир. Айни чоғда унинг қўшиқлари ҳам классик мусиқа оҳанглари билан уйғунлашиб, оламжаҳон тароват баҳш етиб келади. У бир тарихий шеърнинг ҳам муаллифидир. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси мустақил деб еълон (1991, 1 сентябр) қилингандан буён жаҳоннинг 121 мамлакати уни тан олди.

Олтмишдан ортиқ мамлакат эса биз билан ваколатхона даражасида битим тузди. Айни чоғда мустақил Ўзбекистонимиз Бирлашган Миллатлар

Ташкилотига аъзо ҳам этиб қабул қилинди. Худди ана шу тарихий кунга шоир Жамол Камол гувоҳ бўлган. Бинобарин, худди шу ерда, шу дақиқада ўзининг «Аввал Ватан, кейин жон» шеърини битиб, ўқиб ҳам берган эди. Унда:

Киприк кетар, кўз қолар,

Қолар Ватан жонажон.

Жамолдан шу сўз қолар:

Аввал Ватан, кейин жон!—

каби юксак туйғулар ўз ифодасини топади.

Жамол Камолнинг публицист сифатида энг сўнгги асари «Маккайи мукаррама, Мадинайи муннавара» (1992) асарларидир. Унда ҳаж баҳонасида маънавиятимизни қайта баҳолайди, камоли инсон орзуси билан майдонга чиқади.

Жамол Камол таржима билан ҳам шуғулланади. У француз мумтоз адабиётининг намояндаси Буалонинг «Шеърый санъат» асарини, озарбайжон шоири Бахтиёр Ваҳобзоданинг Муҳаммад Фузулий ҳақида «Шабихижрон» достонини ўзбек тилига таржима қилган.

Жамол Камол 1986 йилда Шекспир трагедияларини инглиз тилидан бевосита ўзбек тилига муваффақиятли ўтиргани учун С.Бородин номидаги мукофотга сазовор бўлган. Яна унга Ўзбекистон халқ шоири (1992) деган юксак фахрий унвон ҳам берилган.

Жамол Камол ўз ижодий фаолиятини шеърлар яратиш билан бошлаган бўлса-да, ўз навбатида ибратли ҳикматлар таржимаси билан ҳам жиддий машғул бўлиб келган.

Беадаб танҳо на худро доит бад,

Балки оташ дар ҳама офоқ зад.

Мазмуни: “Одобсиз нафақат ўзига ёмон қилди, балки бутун борлиққа (офоқ – уфқлар, дунё мамлакатлари, осмонлар, дунё, жаҳон) ўт сочи (балою офат ёғдирди)”.

Мазкур байт таржимасига киришган Жамол Камол вазн ва услуб тақозосига кўра, аслиятнинг биринчи мисрасидаги “беадаб” сўзини иккинчи мисра аввалига кўчиришни мақул кўрган. Бу эса биринчи мисра аввалида қўлланган, аммо аслиятда бўлмаган “йўқ” таъкидининг ўз ўрнини топишига замин яратган. Таъкидлаш жоизки, Жамол Камол таржима жараёнида румиёна руҳни сақлашга ва даҳо шоир кайфиятининг байт яратилиш жараёнидаги ҳолатини ифода этишга ҳаракат қилган:

Йўқ, фақат етмас ўзига ул ёмон,

Беадаб ургай жаҳонга ўт ҳамон.

Эргаш Очилов эса “беадаб” ўрнида “ёмон” сўзини қўллашни мақул кўрган. Зеро, “беадаб” сўзи “ёмон” сўзига айнан манодош бўлмаса – да, беадаб одамнинг ёмон еканлигига шубҳа йўқ. Шунга кўра, таржимоннинг одобсизликни умумий тарзда ёмонлик дея талқин қилиши ўзини оқлайди:

Ёмон бир ўзига қилмас ёмонлик,

Бутун дунё ундан топмас омонлик.

Кўринадики, Жамол Камол таржимани аслиятдаги сўзларнинг ўзбекча эквивалентларини қўллаш орқали амалга оширган бўлса, Эргаш Очилов байт таржимаси жараёнида ижодийлик тамойили асосида иш кўришга ҳаракат қилган. Бундай ҳолат қуйидаги ҳикматнинг ўзбекча ўғирмалари мисолида ҳам яққол кўзга ташланади:

Орзу меҳоҳ, лек андоза хоҳ,

Барнатобад кўхро як барги хоҳ.

Мазмуни: “Орзу қилар екансан, ҳаддингни билиб қил. Чунки сомоннинг бир чўпи тоғни ағдара олмайди”.

Жамол Камол байтни ўзбекчага ўғирар екан, аслиятдаги ҳар бир сўзнинг муқобилини топиш ва ўрнига қўйишга алоҳида диққат қаратади. Бинобарин, таржима байтда сўзлар – “орзу – орзй, меҳоҳ (хоҳлайсанми) сўзи – “орзу қил”, лек – лекин, андоза – бир оз ҳаддингни, хоҳ – бил” тарзида келтирилган ҳамда аслиятдаги шакл ва мазмун мутаносиблигининг сақланиб қолишига еришилган. Бу фикр иккинчи мисрадаги сўз ва

бирикмалар таржимасига ҳам дахлдор. Айниқса, “як барги коҳ” бирикмасининг “бир сомон чўп” тарзида ўгирилиши байтга алоҳида жозиба бахш етган:

Орзу қил, лекин бир оз ҳаддингни бил,

Бир сомон чўп бирла тоғни йиқмагил.

Эргаш Очилов таржимаси еса оддий ўқувчи диди ва савиясига мос, содда ва равон чиққан. Бу соддалик ва равонлиқнинг таминланишига бармоқ вазни имкониятлари алоҳида ўрин тутганлигига шубҳа йўқ:

Меёрида бўлсин орзую хавас,

Тоғни қўзгатолмас ўрнидан ҳеч хас.

Байт ҳар бир нарсада меёрга амал қилишга дават етиши билан муҳим марифий аҳамият касб этади. “Маснавий” аслиятига алоҳида кўрк бағишлаган мана бу байтда ҳам шундай улуғ ҳикмат мужассамдир:

Чун диҳад қози ба дил ришват қарор,

Кай шиносод золим аз мазлуми зор.

Мазмуни: “Агар қози пора олишга қўнгил қўйса, золим ва мазлумнинг фарқига қандай боради?”

Байт биринчи мисрасининг аслият ва Жамол Камол таржимасидаги сўзлари миқдори еттитани ташкил этади. Бу миқдор иккинчи мисрада ҳам айнан сақланган. Бундай равон ва мукаммал ўғирмани таржимон – шоирнинг бу соҳадаги кўп йиллик тажрибаси маҳсули дейиш мумкин. Бу фазилат аслиятдаги қадимийлик бўёғига эга: “қози”, “ришват”, “золим”, “мазлум”, сўзларининг айнан келтирилиши мисолида ҳам яққол намоён бўлади:

Не билурул қози гар ришвацҳиор,

Ким эрур золиму ким мазлуми зор.

Эргаш Очилов таржимасида бу ҳолатни кўрмаймиз. Таржимон, аксинча, бармоқ вазни имконийтларидан фойдаланган ҳолда соддароқ бўғин ва туроқланиш тартибига эга мисра тузилишидан фойдаланишни маъқул кўрган. Чунончи, аслиятда ҳар бир мисрада еттитадан сўз бўлса,

Ўғирма мисралар таржимаси бештадан сўз қўллаш натижасида амалга ошган. Энг муҳим, таржимон “Маснавий” байти моҳиятига жо бўлган ҳақиқатни тўғри англаган ва содда мисралар ёрдамида ўқувчини бу ҳақиқатдан огоҳ этишга эришган:

Қози тама қилиб, олдами пора,
Золимни мазлумдан фарқламас сира.

Мавлоно Румийнинг доно ҳикмати шундаки, дарҳақиқат, пора олувчи ғафлатда қолади. Унинг қалбини қоронғулик, кўзини парда тўсади. Натижада ҳақ ва ноҳақнинг фарқига боролмайдиган гумроҳга айланади. Мавлоно даҳосининг чексиз қудратини ўзида мужассам этган қуйидаги байт ҳам бири кам дунёнинг шундай камларидан бири ҳақида.

Он яке ҳар дошт, полонаш набуд,
Ёфт полон, гург харро даррабуд.

Мазмуни: “Бировнинг ешаги бор эди, аммо тўқими йўқ эди. Тўқимни топган эди, эшагини бўриб олиб кетди”.

Жамол Камол “полон”ни “жабдук” тарзида ўгириб, сўзни ўз ўрнида қўллаган, шу тариқа байтда мумтоз руҳ ва оҳанг сақланиб қолишига эришган:

Эшаги бор эрса, жабдук йўқ эди,
Топди жабдук, ешагин бўри эди.

Эргаш Очилов еса “тўқим” сўзидан фойдаланган. Чунки жабдук ҳам, тўқим ҳам от ёки эшак абзали маъносида келади. Таржима байтдаги соддалик ва таъсирчанлик китобхон диққатини тортмай қўймайди:

Эшаги бор-у, тўқими йўқ эди,
Тўқим топса, эшакни бўри эди.

Байтнинг ҳикмати шундаки, инсон бирор нарсани ендигина қўлга киритдим деганда, иккинчи муҳим нарсани қўлдан бой бериб қўйиши мумкин: инсон боласининг мол — дунё деб — бахтидан, бахти деб — яқинларидан, касб тақозосига кўра — дўстларидан Мосуво бўлиши ҳеч гап

емас. Мавлоно Румий диққатини тортган бу адабий ҳақиқат ўқувчини ҳам бефарқ қолдирмайди, дунё ҳақидаги адоқсиз ўйлар толдиради.

Ўзбекистон халқ шоири, серқирра ва сермахсул таржимон Жамол камолнинг хизматлари беқиёс. У бир неча таржимон умри бўйи қила олиши мушкул бўлган кенг кўлам ва катта миқёсдаги таржималарни бир ўзи амалга оширди – 30 га яқин алоҳида асар ва 20 дан ортиқ шоир шеърларини ўзбекчалаштирди.

Албатта, Жамол Камол серқирра истеъдод соҳиби – у элимиз ардоғидаги ҳассос шоир, у – нуктадон адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди, у – кенг камровли ва сермахсул таржимон. У бу соҳаларнинг барчасида ҳам етиборга сазовор ютуқларга еришган. Лекин салмоғи ва аҳамиятига кўра таржима унинг ижодий фаолиятида етакчи ўрин тутди.

Жамол Камол бадиий ижодда фақат лирик турда ижод қилган – шеър дostonлар, ғазалу рубоийлар ёзган шоир бўлса, таржимада унинг янгидан – янги қирралари намоён бўлиб, ҳам шоир, ҳам носир, ҳам драматург сифатида шеърый, насрий ва драматик асарларни бирдай маҳорат билан таржима қилиб келмоқда.

Таржимонлар бор – фақат бир тилдан таржима қилади.[78.226.]

Таржимонлар бор – фақат бир адабиёт таржимасига ихтисослашган.[78.236.]

Таржимонлар бор – бир тур ёки жанрдаги асарлар таржимаси билан шуғулланади.[78.246.]

Таржимонлар бор – фақат ўзига яқин услубдаги адиблар асарларини ўгиради.[78.246.]

Жамол камол эса бир неча тилдан – рус, инглиз, форс, тожик, турк, озарбайжон тилларидан таржима қилади.

Рус тилидан – А.С.пушкиннинг “Мосарт ва Салери” кичик фожиаси, Радий Фишнинг “Жалолиддин Румий” тарихий - биографик романи, француз классисизмининг йирик намояндаси Буалонинг “шеърый санъат”

асари, латиш шоири Ян Райниснинг “Оқ тулпор” драматик эртаги, немис адиби Бертолд Брехтнинг “Сичуандан чиққан меҳрибон” драмаси, Шандор Патефи (венгер), Леся Украинка (украин), Максим Танк (белорус), Николай Грибачев (рус), Фридон Холваши (грузин) шеърларини ўзбекчалаштирди.

Озарбайжончадан Бахтиёр Ваҳобзоданинг “Фарёд” тўплами ва “Шаби хижрон” достони, Халил Ризонинг “Самарқандим” шеърини, турк тилидан Ҳазрат Алининг девонини, тожик тилидан Сотим Улуғ зоданинг “Фирдавсий” романи, Ғаффор Мирзонинг “Давлат тожи” лирик достонидан “Ошиқ дил рози” номли каттагина парчани ўгирди.

Инглиз тилидан – буюк инглиз драматурги Вилиям Шекспирнинг жаҳон драматургиясининг гултожлари бўлмиш “Қирол Лир”, “Ҳамлет”, “Макбет”, “Афиналик Тимон”, “Ромео ва Жулетта”, “Отелло”, “Кориолан”, “Юлий Цезар”, “Венесия савдогари”, “”Қиш эртаги”, “Қирол Генрих VII”, “Антоний ва Клеопатра” каби 12 та драмасини, шунингдек, Билқиз Аладиннинг Будда, Мусо, Исо ва Муҳаммад сингари пайғамбарларга бағишланган қиссаларини, “Акбар ва Бирбал” ҳикоятларини маҳорат билан тилимизда жаранглатди. Яқинда Шекспир сонетлари таржимасини ниҳоясига етказди.

Форс тилидан – Абу али ибн Сино, Умар Хайём, абдуллоҳ Ансорий, Ҳаким Саной, Адиб Собир Термизий, Мавлоно Жалолиддин Румий, Шайх Нажмиддин Кубро, Амир Хусрав Дехлавий, Мирзо Абдулқодир Бедил рубоийлари, Мавлоно Жалолиддин Румийнинг олти китобдан иборат муаззам “Маснавийи маънавий”си, Шайх Фаридуддин Атторнинг “Мантиқ ут - тайр”, “Илоҳийнома”, “Асрорнома” достонлари, Абдурахмон Жомий ғазалларини ўзининг арузий вазни билан ўзбек тилида янграта олди.

У Шарқ сўз санъати дурдоналарини ҳам, Ғарб адабиёти баркамол намуналарини ҳам қиёмига етказиб таржима қилиб келаяпти – рус, инглиз,

француз, латиш, форс, тожик, турк, араб, озарбайжон адабиётидан қилган таржималари бунинг ёрқин далилидир.

Жамол Камол таржималари жанр жиҳатидан ҳам чегараланмаган – у роман, қисса, ҳикоят, драма, достон, ғазал, рубоий, сонет, эртак, ривоят каби кўплаб жанрдаги асарлар таржимасида қаламини синаб кўриб, уларнинг барчасида муваффақиятга эришган.

Услуб жиҳатидан ҳам таржимоннинг ижодий қуввати чексиз бўлиб, мумтоз, замонавий, халқона, содда ва мураккаб – барча услубдаги асарлар таржимасига қўл урган ва ҳамиша муаллиф услубини таржимада қайта ярата олган. “Услублар яқин келиб қолганда яхши таржима ато этиш – бир қобилият, бироқ турфа характерли услублар ҳам калит топиб, яхши таржималар бунёд этиш – яна бошқа маҳорат, табир жоиз бўлса, таржимавий маҳоратнинг олий даражаси”.

Дарҳақиқат, Жамол Камол Шекспир ва Пушкиннинг оқ шеърда ёзилган фожиаларини ҳам, Ибн Сино, Умар Хайём ва Мирзо Бедилларнинг теран фалсафа ва юксак бадиият омухта пурмано рубоийларини ҳам, Румий ва Атторларнинг исломий ғоялар, тасаввуфий қарашлар ҳассослик билан назм риштасига терилган ирфоний достонларини ҳам, Буалонинг “Шеърӣ санъат” номли адабиёт назариясига оид шеърӣ асарини ҳам, Ян Райниснинг болаларга бағишланган “Оқ тулпор” номли шеърӣ драматик эртагини ҳам, радий Фиш ва Сотим Улуғзодаларнинг тарихий романларини ҳам уларнинг руҳига кириб, услубига калит топиб, мувофиқ шаклда аслиятга муносиб таржима қилишнинг уддасидан чиққан.

Шу тариқа, у “рус, турк, озарбайжон, форс – тожик ва ингилиз тилларини пухта ўзлаштирган, нафосатини теран ҳис қила биладиган полиглот таржимон сифатида нафақат ўз она – Ватанида, балки Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Россия, Озарбайжон ва Тожикистон сингари мамлакатларда танилдики, буни унинг мазкур таржималари учун Туркия жумҳурияси Маданият вазирлигининг Жалолиддин Румий олтин медал

хамда Эрон Ислом Республикаси давлат мукофоти билан тақтирланганлиги”дан ҳам билса бўлади.

Ҳеч муболағасиз, Жамол Камол бир неча тиллар, ҳар хил адабиётлар, турли жанрлар, ранг – баранг услублардаги маҳорат билан амалга оширилган “кўп ва ҳўб” таржималари билан ўзига ўлмас ҳайкал қўйиб улгурди.

Жамол Камол таржималарининг ютуғи унинг сиймосида шоирлик, ёзувчилик, олимлик, таржимонлик каби бир неча истеъдоднинг ўзаро омукта бўлиб кетгани, ҳар томонлама кенг ва чуқур билимга эгаллиги, бир неча тилни билиши, Шарқу Ғарб, мумтоз ва замонавий адабиётнинг асосий услублари, ўзига хос хусусиятларидан хабардорлиги, ўзбек тилини бутун мано товланишлари билан ишга солиши каби омиллар билан белгиланади.

Афсуски, кўп ҳолларда таржимага таржима деб қаралади. Муносабатга қараб, таржима ҳам ўзига яраша бўлади. Бундай таржималарда фикр мавҳумлашиб, маъно охиригача очилмай қолади, услуб ғализ ва тўқмоғ сўзлар ўз ўрнига тушмаган – ўқиганда ҳар қадамда қоқиласиз. Буюкдан – буюк адибларнинг асарлари нўноқдан – нўноқ ҳаваскор қаламкашнинг машқларидай таассурот уйғотади. Абдулла Қаҳҳор таъбирини сал ўзгартириб айтилса, бу тилда ёзиб бўлмайди, фақат таржима қилиш мумкин.

Жамол Камол таржималарини эса ўқувчи худди етук ўзбек адибининг баркамол асаридай сира қоқилмай ўқийди, унинг таржималигини ҳам баъзида унитиб қўяди. У таржима қилган Радий Фишнинг “Жалолиддин Румий” тарихий – биографик романининг адабий – манавий ҳаётимизда қанчалик воқеа бўлганини есланг. Атоқли шоира Зулфия: ”Буни Радий Фишнинг ўзи ўзбекча ёзган!” – деб бежиз лутф этмаган эди.

Жамол Камол сўзни, унинг нозик товланишларини чуқур ҳис этади. Моҳир заргар сингари сўзларни танлаб, уларни узукка кўз қўйган каби жойлаштириб чиқади. Жумладан, А.С.Пушкиннинг “Моцарт ва Салъери”

фожиаси таржимасида синонимларга бой ўзбек тилининг кенг имкониятларидан фойдаланиш мутаржимга муваффақият келтирган. Чунончи, қуйидаги мисолларда “угостит” – “меҳмон қилмоқ” сўзини икки жойда мазмун тақозасига кўра икки хил – “сийламоқ” ва “таътиб кўрмоқ” тарзида талкин қилади, “нежданной” – “кутилмаган” сўзини унга контекстда тўла муқобил бўлган “антиқа” лафзи билан алмаштирадики, бу калимада услубий бўёқ кучлироқ:

... мне хотелось

Тебя нежданной шуткой угостить.

... мен сени, дўстим,

Антиқа бир ҳазил билан сийламоқчиман.

Чтоб угостит тебя его искусством.

Унинг санъатидан бир оз татиб кўр девдим.

Тўрт қўшиқ ва илова – Расинга етгинчи мактубдан иборат 1207 мисра ҳажмидаги Буалонинг “Шеърый санъат” асари таржимасида ҳам у оҳорли сўзлар, жарангдор қофиялар, гўзал радифлар топишга, бадий санатлардан фойдаланишга ҳаракат қилади. Хусусан, мутаржимнинг радифсиз сатрларни радиф билан таржима қилиши диққатга сазовор. Чунончи:

Пуст будет слог у вас в повествоване сжат,

А в описаниях и пишен и богат .

Қуйма, ихчам бўлсин сизнинг ҳикоя,

Бой ва кўркам бўлсин сизнинг ҳикоя.

Радиф шунчаки сўзлар такрори эмас. У шеърнинг жарангдорлигини ошириб, оҳангдошлигини қуюқлаштирибгина қолмай, маънони ҳам кўчайтиришга хизмат қилади, чунки шоир нимага урғу бермоқчи бўлса, ўшани радифга олади – да.

Жамол Камолнинг барча таржималари – рубоийлардан тортиб “Маснавийи манавий”гача адабий ҳаётда воқеа бўлган. Жумладан у 9 нафар форс – тожик сўз санаткорининг 333 та рубоийсини маромига

етказиб таржима қилган. Мумтоз адабиётни, рубоийнавислик анъаналарини чуқур билиши бу борада унга ниҳоятда қўл келган. Мазкур таржималарда форсий ва туркий рубоийнавислик руҳи билан бирга, замонавий шерият оҳангини ҳам дарак этамиз, нафақат муаллиф, балки мутаржим услубини ҳам ҳис қиламиз – улар ўзаро уйғунлашиб кетган, бир – бирини тўлдирган. Жамол Камол бу рубоийларни нафақат арузда, балки рубоийнинг ўз вазнида ўзбекчалаштирган.

Маълумки, рубоийнинг бошқа лирик жанрлардан алоҳида ажралиб турадиган хусусиятни унинг фақат ҳазаж баҳрининг ахрам ва ахраб вазнларида – уларнинг 24 тармоғида ёзилишидир. Чунончи, Адиб Собир Термизийнинг қуйидаги рубоийси ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи мажбуб (мавъувлу мафўйилу мафўйилу фаул) вазнида яратилган бўлиб, Жамол Камол уни айни вазннинг ўзи билан таржима қилган:

Бул кеча умид тошига тошимни қўяй,
То лабингга лаб, қошингга қошимни қўяй.
Сен ёшли кўзимга қўл оёғингни, санам,
Ман эрсам эшик тубига бошимни қўяй.

Бу – таржима эмас, балки Адиб Собир Термизийнинг ўзи ўзбекча ёзган, деб ўйлайсиз. Ҳолбуки, бу – Адиб Собир сатрларининг Жамол Камол қалами шарофати билан қайта жаранглаган ўзбекча ифодаси. Мана, рубоийнинг асли:

Дорам сари он, ки имшаб оям ба барат,
То лаб ба лабат барниҳаму бар ба барат.
Ту пой ниҳи зи ноз бар чашми тарам,
Ман сар ниҳам аз ниёз бар хоки дарат.

Кўриниб турибдики, аслиятда радиф йўқ. Лекин биринчи кўшмисранинг қофиялари тажния асосига қурилган (“ба барат” ибораси биринчи мисрада ёнингга, иккинчи мисрада эса кўксингга маъносини ифодалаб келаяпти). Таржимада бу санъат акс этмаган. Бироқ, ўзбекча рубоий қофияларнинг пишиқлигию жарангдор радифга эгаллиги билан

бадий гўзаллик касб етган. Бундай ҳодисаларга илмда аслиятдан ўтказиб таржима қилиш дейилади.

Маълумки, ҳар қандай асар фақат ғоявий мазмундан эмас, балки эстетик маънодан ҳам иборат бўлади. Ғоявий мазмун унда тасвирланган воқеа – ҳодиса, илгари сурилган фикр бўлса, эстетик маъно унинг “ўқувчида қолдирадиган таъсири, нашъу намоси, кайфияти, завқу сафоси воситасида туғдириладиган ғоя”дир. Шундай экан, “шеърый таржима ҳақида гапирганда, мазмуннинг қандай сақланганига эмас, балки эстетик маъно қай даражада қайта яратилганига қараб баҳо бериш лозим”. Жамол Камол таржималарида ғоявий мазмун тўлақонли акс этибгина қолмай, айти пайтда, эстетик маъно ҳам ҳамиша аслиятга қойилмақом ҳолда қайта яратилади. Чунки у фақат мазмунни қайта яратиш билангина кифояланиб қолмай, шаклни ҳам, бадий тасвир воситаларини ҳам ҳамиша сақлаб қолишга интилади.

Албатта, таржимон таржимада аслият мазмуни ва ғоясини беришни бирламчи вазифа деб ҳисоблайди ва шунга ҳаракат қилади. Лекин шу ғоя ва мазмун қандай ифодаланган – муаллифнинг услуби, бадий тасвир воситалари, асарнинг композицион қурилиши, жумлаларнинг тузилиши, сўз танлаш, турли приёмлардан фойдаланиш – буларнинг бари асарнинг таъсирчанлигини оширадиган шаклий воситаларга киради. Масалан, Шоислом Шомухамедов Умар Хайём рубоийларининг фалсафий мазмунини ўзбекчада аслиятга мувофиқ таржима қила олди, лекин уларнинг вазнини сақлаб қолмади – аруз таржимада бармоққа айланди. Демак, бу таржималарни мазмун ва шакл жиҳатидан аслиятга мос деб бўлмайди, улар фақат мазмун жиҳатдан мувофиқ. Шунинг учун ҳам Ғайбулла Саломов уларни Жамол Камолнинг арузда амалга оширган таржималари билан қиёслар экан, кейинги таржималар аввалгисидан “муסיқаси, жаранглаши, таровати билан фарқ” қилиши, бинобарин, бу таржималарнинг қиммати уларнинг “кўпроқ шеърый маънога эга”лигида эканлигини таъкидлаган эдики, бу айти эстетик маъно деганидир. Мазкур

фикрларнинг далили сифатида Мирзо Камол ва Шоислом Шомухамедов таржимасидаги намуналарини кўриб чиқайлик:

Ҳар дида, ки ибрате нагирад кўр аст,
Ҳар нукл, ки лаззате набахшад шўр аст.
Рахте, ки тағйир напазирад – кафан аст,

Он хона, ки табдил наёбад – гўр аст!

Жамол Камол таржимаси:

Ҳар кўзи, агар олмаса ибрат, кўрдир,
Ҳар луқма, агар бермаса лаззат, шўрдир.
Ҳар тўн, агар ўзгармаса, тўнмас, у – кафон,
Ҳар хонаки, бирдек тураверса, гўрдир.

Албатта, рубоийнинг инжиқликлари, нозикликлари билан бир каторда, ўз имкониятлари, қулайликлари ҳам бор. Чунончи, бир неча вазн бир рубоийда ўрин алмашиб келиши мумкин. Ҳатто ҳам ахрам, ҳам ахраб вазнларида битилган рубоийлар мавжуд. Бу мазмунга таъсир қилмайдиган эмас, балки бир мусиқий оҳанг, бир шеърий руҳ доирасида айлангани учун ритмни ҳам айтарли ўзгартирмайди. Бу имкониятдан унумли фойдаланган Жамол Камол таржималарида аксарият икки ёки уч вазн иштирок этади.

Жалолиддин Румий асарлари, хусусан, “Маснавийи маънавий”си асрлар давомида ўзбек халқи орасида ҳам машҳур бўлиб, юртимизда маснавийхонлик кенг тарқалган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида “Маснавийи маънавий”нинг “юзга яқин қўлёзма ва босма нусхаларининг мавжудлиги” бунинг исботидир. “Маснавийи маънавий” Жамол Камол таржимонлик фаолиятининг чўққисигина эмас, айти пайтда, ўзбек таржима адабиётининг улкан ютуғи ҳамдир. Бу муаззам асарнинг фақатгина таърифини эшитиб келган ўзбек ўқувчилари уни она тилларида ўқиб, буюк маънавият уммонидан баҳраманд бўлиш бахтига эришдилар.

25685 байт (51370 мисра)дан иборат “Маснавийи маънавий”да Қуръони каримнинг 70 фоиз маъноси ўз аксини топган, 690 та ҳадисага шарҳ

берилган, 270 та турли мавзудаги ҳикоя ўрин олган. Унинг форсий Қуръон, Маънавият денгизи, Тасаввуф қомуси, Дунёнинг китоби деб улуғланиши шундан. Чунки у Қуръон, Ҳадис, тасаввуф ва ҳаётни, инсон қалби ва феъл – атворини тушуниш учун ўзига хос очкичдир. “Маснавийи маънавий” да халқ мақоллари даражасидаги мазмунан теран ва бадиий юксак ҳикматли мисра ва байтлар шунчалик кўпки, уларни бир ерга йиғиб, мавзусига кўра жойлаштириб чиқса, инсонга Оллоҳни ва ўзини танитадиган, олам ва одам моҳиятини англатадиган, яшаш сир – синоатларини ўргатиб, уни камолот касб этишга ёллайдиган ўзига хос “Ҳикмат китоби” дунёга келади. Бу ҳикматлар Қуръони карим ва Ҳадиси шариф отлиқ мўътабар чашмалардан сув ичгани, қомусий билим ва катта ҳаётий тажриба асосида яратилган, кундалик турмуш воқеалари асосига қурилгани, халқона соддалик, самимиятга йўғрилгани, юксак бадиияти, ҳассос руҳи, равонлиги, жарангдорлиги ва таъсирчанлиги билан бутун дунё илму адаб аҳлини ҳайратга солиб келаяпти. Бу ҳикматли мисра ва байтларнинг кўпи ўзбек тилида ҳам аслиятдагидай жаранглаб чиққан. Чунончи:

Вақти сикҳат жумла ёранду ҳариф,
Вақти дарду ғам ба жуз Ҳақ ку алиф.
Соғ эканда барча дўсту ошно,
Хасталик етганда дўстинг бир Худо.

“Маснавийи маънавий” рамали мусаддаси мақсур (махзуф) вазнида яратилган бўлиб, таржимон уни айна вазнинингўзи билан аслига мувофиқ таржима қилган.

Жамол Камол машҳур мутасаввиф шоир ва авлиё Фаридуддин Атторнинг уч муаззам асари – “Мантиқ ут – тайр”, “Илоҳийнома”, “Асрорнома”ларни ўз арузий вазнида аслиятга мувофиқ таржима қилиб, Аттор асарлари таржимасини бошлаб беради, ўзбек ўқувчиларини илк бор бу буюк илоҳий ишқу маърифат куйчиси асарлари билан таништиради, Аттор деган беқиёс оламга йўл очди. Бундай дейишимизнинг сабаби шўро даврида Аттор мистик шоир сифатида қораланиб, унинг бир мисра шеъри

хам таржима қилинмаган, у ҳақида бирор – бир тадқиқот ҳам олиб борилмаган. Айни жиҳатдан Жамол Камол Атторнинг ўзбек адабиётидаги кашшофи бўлди, десак, муболаға қилмаган бўламиз. Чунки биз Аттор деган забардаст бир сўз санъаткори борлигини, ўзидан кейинги Шарқ, жумладан, ўзбек адабиётига кучли таъсир ўтказганини, Алишер Навоийнинг шеърятдаги устозларидан бири, маънавий раҳнамолари каторидаги буюк зот еканлигини билсак-да, кўплаб мумтоз шоирларимизга илҳом берган адабий сарчашмалардан биридан мутлақо беҳабар эдик. Айтайлик, “Лисон ут-тайр”ни мутолаа қилар, тадқиқ этар эдиғу унинг пайдо бўлишига сабаб бўлган “Мантиқ ут-тайр”ни билмасдик. Адабиётимиздаги ана шу улкан бўшлиқни Жамол Камол тўлдирди.

Аттор асарларини ҳам шоир – таржимон қиёмига етказиб таржима қилган. “Аттор сўзларининг руҳи, фикрларининг ёлқини, тасвирдаги таъсирчанлик ўзбекчада ҳам сусаймаган”. Жумладан, “Мантиқ ут-тайр” рамали мусаддаси мақсур (махзуф) вазнида ёзилган бўлиб, таржимон уни айни вазнининг ўзи билан таржима қилиш орқали таржимада шакл ва мазмун бирлигини сақлай олган. Чунончи:

То чу бар ту айби ту ояд гарон,
Набудат парвои айби дигарон.
Кўз очиб, кўрсайдинг айбингни агар,
Оъзгалар айбига солмасдинг назар.

Таржимада биргина “гарон” сўзининг маъноси акс этмаган (бу сўзнинг маъно доираси кенг бўлиб, бу ерда у кўп, катта, зиёда, фаровон маъноларида келган). Лекин у таржиманинг сифатига деярли дахл қилмаган. Чунки “айбинг кўплигини кўрсайдинг” билан “айбингни кўрсайдинг” жумлалари ўртасида кескин атфовут йўқ. Сабаби бу ерда кўзда тутилган асосий мақсад инсоннинг ўз айбини кўриши бўлиб, кўп, ортиқ маънолари бор – йўғи фикрни бир оз кучайтиришга хизмат қиляпти, холос. Яъни биргина сўзнинг таржимада акс этмагани билан унинг қиммати заррача пасаймаган.

Бадиий таржимада ҳар бир сўзнинг акс этган – этмаганлиги эмас, балки маънонинг аслиятга қанчалик мувофиқ ҳолда қайта яратилганлиги ҳисобга олинади ва бунда баъзи сўзларнинг ўзгаришига учраши, алмаштирилиши ва ҳаттоки тушиб қолишига ҳам табиий ҳодиса сифатида қаралади.

“Илоҳийнома” ва “Асрорнома” дostonлари эса ҳазажи мусаддаси маҳзуф (максур) вазнида ёзилган бўлиб, Жамол Камол уларни ҳам ўз вазни билан аслиятга мувофиқ таржима қилган. Чунончи, “Асрорнома”да ўқиймиз:

Чу себеро, ки андар хулд бишкофт,
Тавони, дар миёнаш хури айн ёфт.

Мазмуни: “Агар жаннатда олмани ёра олсанг, унинг ичидан қора кўзли ҳар топасан”.

Биҳиштда олмани ёрсанг мабодо,
Кўзинг ўнгида хур бўлгуси пайдо.

Айтиш мумкинки, бу таржима ҳар жиҳатдан аслиятга қойилмақом. Тўғри, “бишкофт тавони” – “ёра олсанг” ибораси “ёрсанг” феълига айланган, лекин “мабодо” боғловчисининг қўшилиши тушиб қолган “олсанг”нинг ўрнини босган. Чунки “ёра олсанг” сўз бирикмасида айнан шарт маъноси мавжуд бўлиб, “мабодо” шарт майли боғловчиси уни қопланган.

Жамол Камолнинг аксарият таржималари ана шундай юксак савия ва гўзал даражада бўлиб, улар аллақачон ўзбек халқининг маънавий мулкига айланиб улгурган, миллий адабиётимизнинг олтин фондидан жой олган. Ҳозирги ўзбек адабиётини Жамол Камол таржималарисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ғафур Ғулом 1903 йил 10 майда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон халқ шоири (1963). Тошкент шаҳрида Кўрғонтеги маҳалласидаги эски мактаб ва мадрасада, рус-тузем (1916) ва «Ҳаёт» мактабларида (1918) таҳсил олган. «Динамо», «Йигит», «Эгалари

эгаллаганда», «Хитойдан лавҳалар» (1931), «Тирик кўшиқлар» (1932), «Кўкан» (1934), «Сизга» (1935), «Чашма» (1939), «Янги шеърлар», «Шеърлар» (1946), «Ўзбек елининг ғурури» (1949), «Шараф кўлёмаси» (1950), «Танланган асарлар» (1956—59, 4 жилдли) шеърый тўплам ва дostonлари, «Жўрабўза» ҳикоялар тўплами, «Мухбир суди» (1929) песаси ҳамда «Нетай» (1932), «Тирилган мурда» (1935), «Ёдгор», «Шум бола» (1938) каби қиссалар муаллифи. Асарлари асосида театр спектакллари ва кинофилмлар яратилган («Шум бола» ва бошқа). «Отелло», «Қирол Лир» сингари жаҳон ва рус адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига таржима қилган. 1966 йил 10 июлда Тошкентда вафот етган. Вафотидан сўнг «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган (2000).

I боб бўйича хулоса

Маълумки, Шекспир ижод қилган даврда мустақиллик, миллатлар, умуман халқларни эксплуатация (бировлар кучидан, меҳнатидан фойдаланиш) ҳали расм бўлмаган эди, ирқий камситиш муаммолари ҳам кўтарилмаган, кўтарилишига тарихий сабаблари ҳам йўқ эди. Лекин Элизабетта даврида инглизлар Африка халқлари, айниқса араблар билан савдо алоқалари анчадан буён йўлга қўйилган эди, XVI асрнинг охирида Испания билан Англия ўртасида ҳарбий зиддиятларда ҳам инглизлар, испан араблари билан тўқнашган. Уларни испанлардан ҳимоя қилганлар. Ўша даврдаги инглизлар тасаввурида қора танли одамлар қаҳр-ғазабли ва айни замонда олийжаноб саналганлар.

Лекин оила қуриш бобида ҳали ўрта аср тушунчаларидан холи бўла олмаган европаликлар учун улардан мутлақо узоқ бўлган ирқ вакили билан оила қуриш муаммоси ўз-ўзидан осонликча ҳал этилмаган, албатта. Қора танли одамларни кўрмаган Шекспир томошабинлари учун оқ танли Дездемона Отеллони севиши ғайритабиий туйилган. Агар ўшандай бўлмаганда Брабанционинг ғазабини қандай тушунса бўлади. Отеллонинг жамиятдаги ўрни униқидан кам эмас. Бундан ташқари қарийб барча персонажлар алалхусус Яго Отеллони “хабаш”, “қора” дейди.

“Отелло” трагедиясида қарама-қарши характерлар бир-бирига ҳийла яқин қўйилган, улар бир-бирлари билан ҳамкорлик қилишади, фожиа юз бергандан сўнг ҳақиқат рўёбга чиқади ва икки қарама-қарши куч намоён бўлади. Отелло билан Яго ўртасидаги зиддият ҳақиқат ва адолатпарвар онг ва туйғу талабларини уйғун тарзда мужассамлаштирган виждонли инсон билан ана шу ҳислатлардан йироқ бўлган, шахсиятпарастлик ўртасидаги зиддият эди. Трагедия воқеаси шахсий муносабатларни тасвирлашига қарамай, ғояси ниҳоятда терандир, ўша даврдаги ижтимоий муносабатларни характерлайди. Ғалаба Отелло фойдасига ҳам, жамият фойдасига ҳам ҳал бўлмади. Халқпарвар кишиларнинг орзусидаги одамлар ҳали етук эмас эди, Отелло ҳам ўша етук бўлмаган одамлар сирасига мансуб эди.

II БОБ. БЕВОСИТА ВА БИЛВОСИТА ТАРЖИМАНИНГ АҲАМИЯТИ, ШЕЪРИЙ ТАРЖИМАДА ТУТГАН ЎРНИ

2.1. Бевосита ва билвосита таржима этимологияси

Бу ерда таржиманинг турлари, тўлақонли таржима яратиш йўлида кадимги замонлардан ҳозиргача бўлган уринишлар, бевосита ва билвосита таржималар, ўқув мақсадларида амалга оширилаётган таржималар ҳақида гап боради.

Жаҳон цивилизацияси тарихида XX аср таржима асри деган ном олди. Минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек таржимачилиги ҳам ўтган асрда катта натижаларга эришди, жаҳон адабиётининг шоҳ асарлари билан халқимизни таништирди. Чўлпоннинг Шекспирдан (“Ҳамлет”), Усмон Носирнинг Лермонтовдан (“Демон”), Ойбекнинг Пушкиндан (“Евгений Онегин”), Эркин Воҳидовнинг Гётедан (“Фауст”), Абдулла Ориповнинг Дантедан (“Дўзах”), Қодир Мирмуҳамедовнинг Ҳомердан (“Илиада”) қилган таржималари адабиётимиз тарихида муҳим воқеалар бўлди.

Мустақиллик бадий ижоднинг барча жабҳалари каби таржимага ҳам кенг йўл очди, таржимонларимиз учун жаҳонга чиқиш имконияти яратилди. Ўтган ўн олти йил ичида ижоднинг тасвирий санъат, мусиқа ва кўшиқ турлари бўйича жаҳон майдонига чиқдигу, бадий ва таржима асарлари яратиш борасида жаҳон адабий жараёнида ҳали ўрнимизни тополганимиз йўқ.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг (адибнинг “Рамаёна” достони, Р.Бёрнс ва Байрон ижодидан қилган таржималари китобхонлар ёдида) “Биз ҳам режали равишда ўзбек адабиётининг хорижий тилларга таржима этилиши мумкин бўлган асарлари рўйхатини тузиб, Ёзувчилар уюшмасида муҳокамадан ўтказиб, уларнинг хорижий тилларга таржимасини моддий қўллаб-қувватлашни сўраб ҳукуматимизга мурожаат қилишимиз лозим”, деган таклифи ўринлидир. Дарҳақиқат, Франция, Олмония, Англия, АҚШ, Ҳиндистон элчихоналари ўз фаолиятларини бошлаган дастлабки йилларданок юртида машҳур бўлган адиблар

асарларини ўзбек тилига таржима қилдириш, ўзбек мактаблари учун инглиз, немис, француз тилларидан дарслик ва луғатлар яратиш ташаббуси билан чиққандилар. Айниқса, бу борада Олмония элчихонаси қошидаги Гёте институти, Франция элчихонаси ҳузуридаги Марказий Осиё тадқиқотлари институти ва Виктор Гюго марказларининг ташаббускорлик фаолиятини олқишламоқ керак. Масалан, Тошкентдаги Франция элчихонасининг қўллаб-қувватлови билан ўтган йиллар ичида машҳур француз адибларидан Волтернинг “Задиг”, Ф. Мориакнинг “Илонлар чангалида”, Монтескёнинг “Форс номалари”, Ле Клезсионинг “Мондо ва бошқа ҳикоялар” ва Шарл Перронинг “Эртақлар” китоблари ўзбек тилига таржима қилинди; ўрта мактаблар учун “Француз тили” дарсликлари яратилди. Айниқса, сўнгги йиллари таниқли француз тилшуноси Руми Дор раҳбарлигида яратилган “Ўзбекча-французча луғат” ва “Французча-ўзбекча луғат” муҳим воқеа бўлди.

Эдгар Понинг “Буюк Темур”(Tamerlan,1827) поэмаси рус шоири Валерий Брюсов таржимасида қуйидагича жаранглайди:

Заката сладкая услада!

Отец! я не могу признать,

Чтоб власть земная — разрешать

Могла от первой казни ада.

Куда пойду за гордость я

Что спорить нам: слова пустые!

Миразиз Аъзам таржима қилади:

Таскин, жон таслимин енгиллатолмас.

Отахон, шу топда юпатиш нега?

Сизнинг бу, Ердаги сўзлар келмас бас

Жаҳаннамнинг одил жазоларига.

Биламан, дўзахбоп такаббурлигим,

Қўйинг, ўгит берманг, мени кўп қийнаб.

Жорж Байроннинг “Ўттиз олти ёшга тўлган таваллуд кунимда” (On this Day complete my Thirty-sixth year, 1824) шеъри З. Морозкина таржимасида бундай жаранглайди.

Других не властный волновать,
Я сам бесстрастен должен быть
Но и без отклика, опять
Хочу любить.

Таржимон Абдул Ҳамид юқоридаги сатрларни қуйидагича ўғирган:

Кундан-кунга яқин интиҳо,
Эсар фасли хазон еллари
Қаро қабр кутар оч, юҳо,
Бағримда тек армон унлари.

Шоир Миразиз Аъзам таржимани рус тилидан қилган. Бироқ Абдул Ҳамид шеърни қайси тилдан ўғирганини айтмаган. Ҳар иккала таржима ҳам асл нусха ўрнидаги русча матндан нақадар узоқлашиб кетгани кўриниб турибди. Биз, балки Абдул Ҳамид ўз таржималарини аслиятдан қилганмикан, деган фикрга бориб юқоридаги тўртликни инглиз тилидаги матн билан солиштирдик. Бироқ унинг инглизча матндан ҳам йироқлиги яққол кўринади. Инглизча матнда ҳам шеър худди русча таржимадаги мазмун ва кўринишга эга:

“This time this heart
should be unmoved,
Since others it hath
ceased to move:
Yet, though cannot be beloved,
Still let me love!

Бевосита таржима. Бу – тўғридан-тўғри аслий матн билан ишлаш натижасида юзага келадиган таржима. Бевосита таржима жараёнида мутаржимнинг аслият тилини билгувчи, зуллисонайн бўлиши талаб қилинади. Бу ҳақда адабиётда кўп гапирилган. Н.А.Добролюбовнинг

«Энеида» ҳақидаги мақоласини эслайлик. Унда буюк танқидчи таржима қилувчи киши, биринчи навбатда, шоир бўлиши (1) керак, деган эди. Унинг бадиий диди юксак бўлиши (2), айна асарни ёзган шоирнинг ички дунёсини билмоғи (3), унинг ижодини тўлиқ ҳис қилмоғи (4) керак. Бугина эмас, классик асарларни таржима қилувчи киши олим ҳам бўлиши (5) зарур. У ўша халқнинг қадимий турмуш шароитларини (6), ўша даврлардаги урф-одатларини (7), хусусан, уларнинг тилини (8) мукамал билмоғи даркор. Ҳар бир сўзнинг энг нозик маъноларини (9), ҳатто кўз илғамас бир кўмакчининг маъносини (10) ҳам яхши билиши керак. Хусусан, у асарни қайси тилга таржима қилаётган бўлса, ўша тилни жуда яхши билиши (11) зарур. У зўрма-зўракилик билан таржима қилмаслик (12), ўз тилининг бутун бойлигидан тўла фойдалана олиш (13), биронта ҳам сунъий жумлага, ғализ иборага йўл қўймаслик (14), асарда тасвирланган фикрни мумкин қадар тўлароқ акс эттириш учун ўз тилида тўғри ва чиройлигина эмас, балки енгил ва эркин ёза билмоғи (15) лозим («Энеида» ҳақидаги мақоладан)[98.54б.]

А.С.Пушкин томонидан таржима даҳоси деб аталган В.А.Жуковский таржима назариясига доир қимматли фикрларида шеърӣ асарни таржима қилганда грамматикадан хабардор бўлиш, асар қандай тилдан қайси тилга таржима қилинаётган бўлса, ҳар икки тилни ҳам билиш зарур; бундан ташқари, таржимон шеър ёзиш заковатиға ҳам эға бўлиши лозим. Бинобарин, таржимоннинг истеъдоди шоирнинг бадиий камолот даражасига қанчалик яқин бўлса, шунча яхши. Сотти Ҳусайн, Санжар Сиддиқ каби таржимашуносларимиз ҳам бундан 70 йил аввал шундай фикрларни билдирганлар.

Бавосита, билвосита ёки воситали таржимада мутаржим аслият (А) тилидан иккинчи (Б) тилга ўгирилган матн асосида ўзининг (В) тилига ағдаради – таржимадан таржима юзага келади. Натижада тагламадан Б тилдаги таржимаға ўтган ҳамда унинг ўзида юз берган қусурлар В тилга ўтиши оқибатида таржима сифатсизланаверади. Шунинг учун бевосита

таржима энг муҳим сифат мезони ҳисобланади. Жаҳон адабиётида бунга мисол кўп.

Цицерон (м.а. I аср) Эсхин ва Демосфен нутқларини юнон тилидан, Симмах (м.а. II аср) Тавротни иврит (иброний) тилидан юнон тилига, Иероним (IV аср) уни лотин тилига, анча кейин, XV асрда, Г. Штейнхфель - Эзоп ва Боккаччони, А. фон Эйб - Плавтни немис тилига, И. дю Беллэ - Овидийни француз тилига бевосита таржима қилдилар.

«Қирол Лир»ни грузин тилига ўгириш учун И. Чавчавадзе инглиз тилини махсус ўрганган. Француз, немис ва инглиз тиллари устаси И. Мачабели 1873 йили «Қирол Лир»ни бевосита Шекспир тилидан таржима қилди.

Юқори тараққиёт босқичида турган халқларнинг сўз усталари Шекспир асарларининг восита тиллар орқали таржима қилинишини ўзлари учун иснод деб билганлар. Шу туфайли доимо буюк адибни бевосита инглиз тилидан таржима қилиш учун курашдилар. Ҳозир руслар, украинлар, грузинлар, арманлар, Болтиқ бўйиликлар драматург асарларини инглиз тилидан таржима қиладилар. М. Лозинский, Б. Пастернак, С. Маршак Шекспир асарларини тўғридан-тўғри XVII аср инглиз тилидан, С.Н. Иванов Алишер Навоий асарларини XVI аср эски ўзбек тилидан қойил мақом қилиб ўгирганлар.

Бизда йирик асарларни бевосита Ғарбий Европа тилларидан таржима қилиш иши энди тажриба тариқасида йўлга қўйилмоқда. Жамол Камол (Шекспирдан), Янглиш Эгамова ва Садриддин Салимов (Гётедан) ва бошқаларнинг бевосита таржималари бу соҳадаги илк тажрибадир.

Маълумки, ўзбек ўқувчилари жаҳон адабиётининг дурдона асарлари билан рус тили орқали ўгирилган таржималар туфайли танишмоқдалар. Ғарбий Европа адибларининг рус тили орқали ўзбек тилига ўгирилган асарларини таҳлил қилган тадқиқотчи-лар, аксарият, оригинал тилини билиш зарур эканлиги, таржимадан қилинган таржима кутилган натижани бермас-лигини, таржимада қусурлар сони ошиб кетишини

кайдэта-дилар. Масалан, С. Саидов немис адибаси Анна Зегерснинг «Барҳаёт ўликлар» романининг 1962 йили рус тилидан А.Абдуллаев ва Ҳ.Рўзиматов томонидан қилинган таржимасини асл нусха билан чоғиштириб, 308 та хато мавжуд эканлигини аниқлайди. Бу хатоларнинг 109 таси ёки учдан бир қисми, рус таржимони йўл қўйган нуқсон, буларни ўзбек таржимонлари айнан такрорлаш билан бирга ўзлари ҳам 199 та хато қўшганлар. С.Саидов билвосита эмас, балки бсвосита оригинал тили — немис тилидан таржима қилиш лозим, бу — давр тақозосидир, деган хулосага келади . Бу гоятда тўғри, ўрипти талаб. Бироқ шуни ҳам эсда тутиш керакки, фақат оригинал тилидан ўгириш вожиб денилган-да эди, балки биз жаҳон адабиётида вужудга келаётган бебаҳо асарлар билан она тилимизда жуда-жуда кечикиб танишган бўлар эдик.

Рус адабиёти таржимачилик борасида ҳам жаҳонда энг юқори поғонада турувчи адабиётлардан биридир. Рус таржимачилиги жуда кўп халқлар учун мактаб бўла оладиган тарихга эга. Демак, хорижий адибларнинг асарларини бевосита оригинал тилидан таржима қилишга ўтиш масаласини тезроқ ижобий ҳал этиш учун жиддий курашиш билан бир қаторда, рус тили орқали таржима қилиш ишини янада яхшилаш, бундай таржималар сифатини ошириги,уларни асл нусхага яқинлаштиришнинг самарали йўллари ҳам қидириб топиш лозим. Маълумки, И. Гёте, Ф. Шиллер, Г. Гейне, Г. Манн, А. Зегерс, ака-ука Гриммлар, Ф. Вельф, И. Р. Бехер каби қатор немис шоир ва ёзувчиларининг асарлари ҳам русча таржималар туфайли ўзбек китобхонларига етиб келди.

«Немис Шекспири» Фридрих Шиллер ҳам адабиётда мафкуравий курашлар давом этаётган бир пайтда—20-йилларда ўзбек адабиётига кириб келди. Унинг «Қароқчилар» драмаси 1920 йили, «Макр ва муҳаббат» эса 1921 йили шоир Хуршид (Шамсиддин Шарафуддинов) томонидан таржима қилинди . «Макр ва муҳаббат» фожиасини 1936 йили Аъзам Аюб , 1938 йили эса Комил Яшин билан Маъруф Ҳаким ўзбекчалаштирди.

Шиллернинг «Қароқчилар» драмаси 1955 йили Асқад Мухтор томонидан қайта таржима қилинди . Буюк немис адибининг «Вильгельм Телль» драмасини 1939 йили Маби Валихонов «эркин» таржима қилган бўлса , 1955 йили унинг икки кўринишини — асар ечимини Ғ. Ғулом ўзбекчалаштирди. 1966 йили шоирнинг «Асоратдаги Пегас» номли шеъри Муҳаммад Али таржимасида эълон қилинган бўлса, 1971 йили унинг яна бир асари—«Мария Стюарт» тарихий трагедияси Туроб Тўла таржимасида ўзбек ўқувчилари эътиборига ҳавола қилинди.

Кўрамизки, Шиллер асарлари рус тили орқали ўтирилган таржималар туфайли, мана, 60-йиллардан бери ўзбек адабиётида муносиб ўрин тутиб келмоқда.

Ҳар бир таржима давр маҳсулидир. Шиллер асарларининг илк ўзбекча таржималари бугунги кун талабларига жавоб бера олмаса-да, ўз даврида ўйнаган роли билан аҳамиятга моликдир. Шиллер асарларининг кейиқги таржималари ҳам камчиликлардан холи эмас. Таржималардаги қисқартиришлар,

Тарихий ва миллий колоритни, автор услубини таржимада бериш, оригиналдаги образларни қайта яратишда бир қатор нуқсонларга йўл қўйганлар. Бу қусурларнинг бир қисми рус таржимонларининг айби билан содир бўлган бўлса-да, барибир асосий нуқсонларга ўзбек таржимонлари томонидан йўл қўйилган.

Хўш, Шиллер асарларини рус тилидан ўзбек тилига таржима қилишда нималарга эътибор қилинса қусурлар камайиши, таржималар оригиналга яқинлашиши мумкин?

Шекспир, Шиллер, Гёте каби классик адибларнинг асарлари асрлар давомида рус тилига бир неча ўн мартабалаб таржима қилинган. Уларнинг асарлари таржималари мисолида бутун рус таржимачилиги эволюциясини яққол кўриш мумкин. Шиллернинг асарлари ҳам 10—15 мартабадан таржима қилинган. Масалан, Шиллер ижодининг чўққиси

ҳисобланган «Вильгельм Телль» драмаси рус тилига 15 бор таржима қилинган.

Республикамизда анча машҳур «Макр ва муҳаббат» трагедияси эса рус тилига етти бор таржима қилинган.

Шиллер асарларининг барча русча таржималари ҳам бугунги кун талабига жавоб бера олмайди, албатта. Худди ана шу кўп таржималилик оқибати ўлароқ, Ғарбий Европа классиклари асарларини русчадан ўзбек тилига таржима қилишнинг бир масаласи келиб чиқади.

Хўш, ўзбек таржимони рус тилидаги бунчалик кўп таржималардан қайси бирини оригинал сифатида танлаб олиши даркор? Бунда асарнинг ким томонидан ўгирилганлигига, у қандай шахс эканлигига, таржиманинг мутахассислар томонидан қанчалик ўрганилганлиги ва уларнинг бугунги ҳулосалари қандай эканлигига диққат қилиш лозим бўлади.

Бу масалаларни ечиш, русча таржималар орасидан энг мукаммалини оригинал сифатида танлаб олнш имкониятини беради ва бу, ўз навбатида, шубҳасиз, ўзбекча таржима сифатини кескин яхшилайд.

Маълумки, русча таржималар орасида узок йиллар давомида қайта-қайта нашр қилинганлари кўплаб топилади. Улар таржимон ҳаётлик даврида ҳам, кейинчалик ҳам, эски алфавитда ҳам, янгисида ҳам, турлича ноширлар томонидан турлича қарашдаги муҳаррирлар таҳририда чоп этилган. Булар, албатта, таржима матнига таъсир этмай колмаган.

Хўш, асарнинг энг сўнгги таржимасини оригинал сифатида танлаб олиш ўзбекча адекват таржима яратиш учун кифоями? Энг янги таржима энг мукамал таржима бўладими?

Рус тилидан ўзбекчага таржима қилиш ишини яхшилашга хизмат қилувчи бу масала ҳақида кенгроқ тўхталайлик.

Шиллер асарларининг рус тилига қидинган таржималари ҳақида сўз юритганда, «таржима даҳоси» В. Г. Жуковскийнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Шиллер шеърларининг қарийб ярми ва унинг романтик трагедияси—«Орлеан қизи» ана шу улкан таржимон томонидан рус тилига

ўғирилган. В. Г. Жуковский нафақат Россияда, балки бутун жаҳонда энг иқтидорли, ноёб талантга эга бўлган таржимон саналади. У таржимачилиги-мизда ҳамон ёрқин юлдуз бўлиб чакнаб турибди, унинг таржималари бугунги кунда ҳам идеал таржималар сифатида қайта-қайта нашр қилинмоқда.

Романтизмга мойиллик В. Г. Жуковскийни Фридрих Шиллер билан бир умрга боғладики, бунинг натижасида Шиллер «унинг таржималари туфайли бизнинг шоир бўлиб қолди».[88.1026.]

Фридрих Шиллернинг шоҳ асари «Вильгельм Телль» драмаси эса узок йиллар давомида турли таржимонлар томонидан, турли методлар билан, турлича савияда таржима қилинган. Бу таржималарни диққат билан таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, улар орасида асл нусхага энг яқини, энг мукаммали Н. А. Славятинский таржимасидир[72.346.] Таржимон автор гоёсига жуда чуқур кириб борган ва рус тилининг кенг имкониятларидан моҳирона фойдаланиб, бу асарнинг адекват таржимасини ярата олган. Асарнинг бадиий камолотини сақлаган ҳолда гоётда аниқлик билан қилинган бу таржима, мана, бугунга қадар қайта-қайта нашр қилинмоқда ва театр репертуарларидан тушмай келмоқда. Гарчи Н. Славятинский таржимасида жузъий камчи,шқлар учра-са-да, у асарнинг бош гоёсини — озодлиқ ва мустақиллик учун кураш гоёсини тўла сақлаб қолган. Айниқса, драманинг бош қаҳрамони Вильгельм Телль образи ўқувчини худди оригиналдагидек ўзига мафтун этади, Унинг сўзларидаги самимият, эрққа бўлган оташ муҳаббат, қуллик-тенгсизликка, жабр-зулмга нисбатан кучли нафрат таржимада ҳам мукамал акс этган.

Ҳассос шоир ва таржимон, Ленин мукофоти лауреати Ғафур Ғулом Фридрих Шиллер юбилейи муносабати билан унинг «Вильгельм Телль» асаридан парча таржима қилар экан, худди шу Н. Славятинский таржимасидан фойдаланиб оқилона йўл тутган. Натижада таржима жуда аниқ ва нафис чиққан. Ғ. Ғулом фақат асарнинг ечимини таржима қилган бўлса-да, Шиллер оламига жуда чуқур кириб борганлиги, автор услубини

анча мукаммал ўзлаштириб олганлиги яққол сезилиб туради. Айниқса, Вильгельм Телль монологи таржимасида қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, унинг нутқий характеристикаси, қалби ниҳоятда нафис, шоирона теранлик билан акс эттирилган. Сабр косаси тўлган Телль, ниҳоят, золим фохт Геслерни ўлдиришга қарор қиларкан, сўзлари қатъият билан жаранглайди, дилининг тубидан отилиб чиққан хайқириқ ўзбекча таржимада ҳам садо беради:

А. Славятинский таржимаси:

Кончай скорей расчеты с небом, Фохт!

Ты должен умереть, твой час уже пробил. (149).

Ғ. Ғулом таржимаси:

Тангри ҳақ-ҳисобин тахт қилгил, Фохт; Сен ўласан, етди сенинг ажалинг! (223).

«Вильгельм Телль» драмаси ўзининг бадий баркамоллиги билангина эмас, балки фалсафий маънодорлиги, мушоҳаданинг чуқурлиги, ниссон психологиясининг моҳирона тасвири билан ҳам Шиллер ижодида алоҳида ўрин тутди. Фридрих Шиллер ижоди немис тилини 1216 та «қанотли сўз ва ибора» билан бойитган, шулардан 430 таси бугунги кунда ҳам кенг қўламда қўлланилмоқда[90.228б.]. Адибнинг «Вильгельм Телль» драмасида ҳам бундай иборалар кўплаб топилади. Теллнинг қуйидаги сўзлари таржимада ҳам оригиналдаги каби афоризмдек жаранглайди:

Ёвуз кишини ёқтирмагай ҳар киши

Тинч яшолмас, канча ювош бўлса ҳам. (228)

Бу ерда тўй, балки ушла мотамдир. (227). Бадқовок, меҳмон учун тўй-ҳашам бўлган ерда ўрин йўқ. (227).

Ожизга ҳам тир бермишдир табиат. (228).

Ғ. Ғулом «Вильгельм Телль» таржимасида эскирган, бироқ замондош ўқувчи учун тушунарли бўлган «мутавалли», «валиаҳд», «даста» каби сўзларни моҳирона, ўрнини топиб қўллай билганки, улар тарихий колоритни акс этти-ришда қойилмақом бўлиб тушган. «Вильгельм Телль»

драмасининг Ғ. Ғулом таржимаси шуни кўрсатадики, Шиллер асарларини рус тилидан ўзбекчаштирувчи таржимон энг яхши ва мукамал русча таржима текстини оригинал сифатида танлаб ола билгандагина, унинг таржимаси талаб даражасида бўлиши мумкин. Бунинг учун шубҳасиз, Шиллер асарларининг русча таржималари тарихи, рус таржимонларининг методлари билан чуқур танишиб чиқиш лозим бўлади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, Фридрих Шиллернинг «Макр ва муҳаббат» трагедиясч М. Л. Михайлов, П. Славятинский, Н. Любимов таржималарида, «Қароқчилар» Н. Славятинский ва Н. Май «Мария Стюарт» Н. Вильмонт ва Б. "Пастернак, «Орлеан қизи» романтик фожиаси В. Г. Жуковский, «Вильгельм Телль» драмаси, Славятинский, «Генуяда Фиесконинг фитнаси» асари В. Розанов, «Дон Карлос» драмаси В. Левик таржимасида Шиллер эпиграммалари М. Л. Михайлов, балладалари В. Г. Жуковский ва В. Левик таржималарида оригиналга анча яқин, нисбатан мукамалдир. Бинобарин, ўзбек таржимонлари улардан асл нусха ўрнида фойдалансалар, оригиналнинг ғоявий ва бадиий камолотини ўзбекча таржимада ҳам анча тўла сақлаб қолишга эришиш мумкин.

Садриддин Айнийнинг тўрт китобдан ташкил топган «Эсдаликлар» асари ўзбек ва тожик халқларининг XIX аср охири, XX аср бошларидаги ҳаётини кенг ва ҳаққоний акс эттирган ноёб бадиий дурдоналардан ҳисобланади. Уни қамраган реал тарихий фактлари кўлами жиҳатидан, Ўрта Осиё халқлари ҳаётининг асрлик қомуси, деб аташ мумкин.

«Эсдаликлар» адабиётимизда персонажлари ниҳоятда кўплиги жиҳатидан ҳам ажралиб туради. Ушбу асарнинг немисча таржимасини ўрганар эканмиз, ундаги персонажлар номини, шунингдек, лақаблар, тахаллусларни аниқ ифодалаш ҳам таржимачилик ишида жиддий қийинчиликлар туғдирадиган, баҳсталаб масалалардан бири эканлигини кўрсатади.

Бир қараганда номлар таржимасини алоҳида масала қилиб ўрганиш арзимас мавзудек туюлади. Аслида эса С. Айний каби йирик ёзувчилар

асарларида арзимас нарса бўлмайди ҳисоб. Қаламга олинган ҳар бир сўз, белги, персонажларга берилган ному лақабу тахаллус ўйлаб, муайян мақсадни кўзлаб ишлатилганки, булар асар бош ғоясини ифодалашда муҳим вазифани бажаради. Шундай экан, бу хусусият таржимада ҳам акс этиши шарт.

Таржимада персонажлар номини бериш масаласи юзасидан А. В. Федоров, К. Чуковский, Л. Н. Соболев, С. Влахов, С. Флорин, В. Россельс, Ю. Пўлатов, Р. Файзуллаева каби таржимашунослар муҳим фикрларни баён этганлар. Ҳозирги таржимачиликда персонажлар номини таржимада ифодалашнинг уч асосий усулини учратиш мумкин: транслитерация, транскрипция ва сўзнинг маъносини таржима қилиб келтириш.

Транслитерация — маълумки, бирор ёзув ҳарфларини бошқа ёзув ҳарфларида ифодалаш. Бу усулда ҳаммавақт ҳам киши номлари ўзининг тўлиқ ифодасини топавермайди. Бир тилда мавжуд ҳарфлар системаси иккинчи тилдаги ҳарфлар ифодалаган товушларни аниқ бера олиш имкония-тига эга бўлавермаслиги, бир тилдаги товушни ифодаловчи ҳарфнинг иккинчи тилда мавжуд бўлмаслиги ёки ҳар иккала тилда мавжуд бўлган ҳарф турли ҳолатларда турлича талаффузга эга бўлиши мумкин. Адекват таржима талаби эса халқнинг миллий бедгиларининг бир бўлаги ҳи-собланмиш киши номларини талаффузга мос равишда ёзишни тақозо этади.

Чунки исм ва фамилиялар ҳам халқнинг маълум миллий белгиларини ўзида акс эттирган бўлади, яъни кишиларнинг исми ёки фамилиясига қараб, уларнинг қайси миллатга мансуб эканлигини тахминлаш мумкин. Масалан, ўзбек тилидаги Ёдгор номини немис тилига транслитерация усулида кўчиришнинг иложи йўқ. Чунки «Ё» ҳарфини бера оладиган ягона ҳарф немис тили алфавитида йўқ. Ёки немис химик олими Hahn ОШэни ўзбек тилига ҳарфма-ҳарф кўчиришнинг имконияти бор: Ҳахн Отто. Бироқ бу номнинг ёзув шакли ўзбекча имлода ўз аксини топгани билан, немис тили нутқидаги талаффуз нормасидан анча

узоқлашган. Halm таркибидаги биринчи «h» ўзбек тилидаги «х» харфига мос келади. Иккинчи «х» эса чўзиқлик белгиси бўлиб, талаффуз этилмайди. У ўзидан олдин келган унлини чўзиқ талаффуз этиш учун хизмат қилади, холос. Ана шундай ҳолларда транскрипция усулидан фойдаланилади. Персонажларнинг номларини аслидаги талаффузга мослаб ёзиш қулай усуллардан бири. Бунда ўзбекча Ёдгор ҳам, немисча Halm Otto ҳам таржимада аслиятдаги ҳолатни қисман тиклайди. Ёдгорни немис тилида lodgor. Hahn Otto ни ўзбек тилида Ҳан Отто шаклида ифодалаш мумкин. Барибир, транскрипцияда ҳам қисман йўқотиш бўлади. Бироқ таржимондан иложи борица тилнинг ички имкониятларидан тўла фойдаланган ҳолда персонажлар номлари таржимасида аслиятдаги оҳангга мосроқ муқобил танлаш талаб этилади.

Персонажларнинг номларини транскрипцияда бериш ҳам ҳаммавақт қўл келвермайди. Контекст тақозосига қўра, баъзан уларни таржима қилиш керак. Айрим персонажларга берилган ном, лақаб, тахаллус маълум семантик маънога эга бўлади ва уларнинг характер-хусусиятларини очиқ беришга хизмат қилади. Масалан, Н. В. Гоголнинг «Уйланиш» комедиясидаги Яичница фамилиясини Абдулла Қаҳҳор Қуймоқов деб ўгирмай, айнан қолдирганида, асл нусхадаги Яичница ва Жевакин орасидаги кулгили ҳолатни, сўз ўйинини бера олмаган ва хатоликка йўл қўйган бўлар эди[91.141 б.]. Яна бир мисол: «Сиз ўзингизни тупроқ билан тенглаштирмакчи бўлсангиз, лекин мен ҳозир Кумушга ҳам қаноатланмай Олтинбиби деб атамоқ фикрига тушдим...» (А. Қодирий. «Ўтган кунлар», Т., 1974, 181-бет). Бу мисолда ҳам Кумуш ва Олтин маъноларини таржима китобхонига тушунтирмай туриб, унга Отабекнинг мактубидаги маъно гўзаллигини, Кумушга берилган қиёсий баҳони тўлиқ етказиб бўлмайди.

«Эсдаликлар»да персонаж бўлиб келган шахслардан бири — машҳур адиб ва олим Аҳмад Дониш С. Линий у ҳақда ёзади: «У ажойиб одамнинг номи Аҳмад Махдум, унинг адабий тахаллуси Дониш, илмий тахаллуси

му-ҳандислик (ҳандасадон) ва мунажжимлик (юлдузшунослик) экан. У одамнинг боши ҳаддан ортиқ катта бўлганидан унга «Калла» деган лақаб берган эканлар»[65. 204-205бб.]. Мазкур парча русчага шундай ўгирилган: «Это был замечательный математик, геометр и астроном Ахмад — Махдум Дониш, которого за его большую умную голову прозвали Ахмад Головастый, или по таджикски — Ахмади Калла»[65. 208б.]. Рус таржимони «Калла» лақабини китобхонга етказиш мақсадида уни ўгириб тўғри йўл тутган. Аммо «Калла» лақабини шарҳлашда хатоликка йўл қўйган. Дастлаб Ахмад Калланинг русча таржимаси Ахмад Головастый берилиб кейин «или» боғловчиси орқали оригинал нусхасининг қўчирилиши текст маъносини тўла англаб етишда чалкашлик туғдиради. Юқоридаги русча шарҳдан Ахмад Донишнинг Ахмад Головастый ёки Ахмад Калла лақаблари бўлиб, улар мувозий равишда қўлланилади, деган маъно англашилади. Ушбу асарни русчадан немис тилига ўгирган Ҳанс Брушвит юқоридаги шарҳдан худди шундай хулоса чиқариб, бу абзацни сўзма-сўз ўгириб, транскрипция орқали ҳар иккала вариантни, яъни Ахмад Головастыйни ҳам, Ахмад Каллани ҳам немисча матнга ўтказган: *Er war berühmte. Mathematiker, Ceomeler und Astronem Achmad Machdum Donisch, den man wegen seines groBen Kopfes» Achmad Colow-astij (das heifit den CroBkopfigen) oder auf ladshikisch Ach-madi Kalla nannte.*

Демак, немисчада бу лақаб ҳам «Калла», ҳам «Головастый» ва ҳам *der Grofikopfig* бўлиб кетган. Рус таржимони С. Бородин бутун бир боб давомида «Ахмад Калла» ўрнига «Ахмад Головастый» деб кетаверган. Бу ҳол немис таржимонини Ахмад Донишнинг русча лақаби Ахмад Головастый таржима маҳсули бўлмай, балки мувозий равишда қўлланиладиган муқобил бўлса керак, деган нотўғри хулосага олиб келган ва у барча ўринларда Ахмад Голо-вастыйни немисча транскрипцияси *Achmad Golowaslil* ни ишлатади. Оқибатда Ахмад Дониш немисча таржимада русча киёфага кирган. Бизнингча, рус таржимони «Калла» лақабини сатр остида ёки китоб охиридаги изоҳли сўзлар билан бирга

таржима қилиб берганида ёки текст ичида бир маротаба шарҳлагандан кейинги барча ўринларда унинг аслини берса маъқул бўлар эди. Чунки «Калла» лақаби семантик маънога эга бўлгани билан матнда ҳеч қандай экзекрессив роль ўйнамайди. Шу жиҳатдан уни бутун боб давомида таржима қилиб ифодалаш билан бирон муддао ҳосил бўлмаганидек, транскрипцияда бериш билан ҳам ҳеч нарса йўқотилмайди.

Русчада кўпинча жойларда аслиятдаги Аҳмад Махдум, Дониш, Аҳмад Дониш, Аҳмади Калла ўринларида қисқартириб Аҳмад деб мурожаат этилади. Бу хато немисча таржимада ҳам такрорланади. Бироқ Айний бирор ўринда на муаллиф, на персонажлар тилидан бу олимни таҳаллуссиз ёки лақабсиз Аҳмад деб атамайди. Айний Аҳмад Донишни болалик йиллари эмас, балки унинг ёши олтмишлардан ошиб, адабий ва илмий муҳитда катта шуҳрат қозонган даври ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Шу сабабдан таржимада унга ёш боладек Аҳмад деб мурожаат этиш асарга сохта, ноўхшов оҳанг бағишлаган ва тарихий шахсни ватани, даври, миллатидан узоқлаштирган. Ўрта Осиё халқлари учун улугъ шахслар номини тўлиқ айтиш унга нисбатан ҳурматни ҳам ифодалайди.

Яна бир мисолни кўриб ўтайлик: «Шамсия»нинг муаллифи XIII асрда яшаган Нажмиддин Умар Қазвиний донишманд киши эди». [71.154б.]

Рус таржимони бу тарихий шахс номини русчалаштириб Наджмуддин Омар Казвинский деб берган.

Қазвиний таҳаллуси Нажмиддин Умар Қазвин шахрида яшаганлигидан далолат беради.

Қазвинийни Казвинский деб русчалаштириш ярамайди, албатта. Чунки Александр Невскийни биз Александр Неваий деб ўзбекчалаштирганимизда қандай сохталик юз берса, Қазвинийни Казвинский деб аташ ҳам шунчалик эриш туюлади.

Ҳанс Брушвитц бу номнинг иккинчи компоненти «Умарни аслиятдаги қаби Umar шаклида тўғри транслитерация қилган. Биринчи компонент

«Нажмиддин» эса Nushmeddin деб нотўғри кўчирилган. Учинчи компонент эса яна русчадагидек Kaswinski (Қазвинский) деб транскрипция қилинган. Қиёсланг, оригиналда: Нажмиддин Умари Қазвиний, русчада: Наджмиддин Омар Казвинский, немисчада: Nushmeddin Vmari Kaswinski. Казвиний тахаллуси шаклан бу шахснинг Шарқ халқларидан бирига мансуб эканлигини кўрсатувчи «миллий либос» ҳисобланади. Демак, тарихий шахсларнинг номларини ўзгартириб, уларга бошқа миллат либосини кийгизиш ярамайди.

Тожиқча оригиналдан фойдаланган рус таржимони Соиб Исфакхонини Саид Исфаканец, Мавлоно Шарифи Бухороини Шариф Бухарец деб ифодалаган. Булар ҳам немисчага шундайича ўтган: Said Isaganez, Scharif Bncharez. Тўғри, таржима асари аслият ёзилган тил китобхони учун эмас, бошқа тилда сўзлашувчи китобхонларга мўлжалланади. Бирок, бундан тарихий шахсларнинг номларини ҳам таржима тилида мавжуд шакл билан ўзгартириб бериш мумкин деган хулоса келиб чиқмайди. Ҳар бир таржимон тарихий шахслар номларини ўзи таржима қилаётган тилдаги қонун-қоидаларга мослаштираверса, бундай шахслар тарих саҳифаларида аралашиб, ўз юртидан, миллатидан «узоқлашиб» кетмайдими?!

«Эсдаликлар»нинг А. Розенфельд таржимасида бу шахслар номлари транскрипцияда, яъни ўз оҳангини сақлаган ҳолда берилган ва тўғри қилинган. Мавлоно Шарифи Бухорои, Наджмиддин Умари Казвини, Соиб Исфакхони. [71.1526.]

Демак, тарихий шахслар номлари таржимасида бундан олдин шу тарихий шахс асар таржима қилинаётган халқ орасида танишми йўқлигини ёки қайси ном билан машҳурлигини инобатга олиш керак. Айтайлик, Абу Али Ибн Синони Авиценна номи билан машҳур бўлган юртда аслиятдаги шаклини тиклайман, деб уриниш ҳам Китобхонни чалғитади. Бунда ўқувчи Ибн Сино билан Авиценна бошқа-бошқа шахслар бўлса керак, "деб ўйлаши мумкин. Тарихий шахс қайси номда кўпроқ таниш "бўлса, шу

вариантидан фойдаланиш лозим. Агар тарихий шахс бундан олдинги бир-икки таржима китоби орқалигина таниш ва бу таржималарда аслиятдан узоқлашилган бўлса, янги таржимада уни тузатиш, оригинал— аслига мос шаклда ифодалаш керак.

Немис таржимонининг аслият тилини билмаслиги натижасида номларни ифодалашда яна қатор хатоликларга йўл қўйилган. Баъзан номларга қўшилиб келган рус тили келишиқ қўшимчаларини фарқламаган таржимон номлар билан бирга таржимага кучирган:

«Акам билан уришиб биздан ажралиб кетган Сайид Акбар у вақтларда Бухоро аълами бўлган Орифхон деган кишига «кавушбардор» бўлиб, унинг уйида ўрнашиб олган экан».[64.205б.]

«Всемогущий ходжа Сайд Акбар, бежавший от нас, поступил в услужение к ахунду Бухары Арифхану»[64.207б.].

“Der”Alimachtige Chods » Said Akbar trat, als tins be, lassen hatte, in den Dienst dem Achund Bticharasr Ariffchanu»

Рус тилидаги «-у» дательный падеж қўшимчаси ҳам немис тилига ном билан бирга кўчган.

Яна- бир мисол: «Бизнинг қишлоғимиз — Бозорчада Насим деган эшакли бор эди»[66.152б.] „In unserem Dorfe wohnte Basartscha Nassim, ein Eselfreiber".

Кўриниб турибдики, «Бозорча» қишлоғи «Бозорча Насим» иши бўлиб кетган. Шунингдек, Мулло Бозор «Мулла Вазар»га айланган.

Хуллас, текстда экспрессив маънода ёки сўз ўйинида ишлатилмаган тарихий шахс лақаб ва тахаллусларни транскрипция йўли билан кўчириш ва уларнинг маъносини сатр остида баён қилиш мумкин.

Тарихий шахсларнинг номларига қўшилиб, уларнинг яшаб ижод этган жойи ҳақида маълумот берувчи Қазвиний, Бухорий, Исфаҳоний каби тахаллусларни таржима тилида мавжуд қолипга солмай (яъни Казвинский каби), транскрипция орқали бериш миллийликни акс эттирувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Таржимадан таржима қилинаётганда тарихий шахс номларини, лақаб ва тахаллусларни асар таржима қилинган тил талаффузига қараб эмас, аслиятдаги талаффузга мослаб тиклаш талаб этилади. Акс ҳолда, олдинги таржима тили қонуниятларига бўйсундирилган номлар янги тилга ҳам ўтади ва аслидан икки қарра узоқлашиб кетади.

2.2. Шеърӣ таржима, унда бевосита ва билвосита таржиманинг берилиши

Таржимашуносликда шеър таржимачилиги ҳақида икки хил фикр мавжуд. Биринчи гуруҳ тарафдорлари, шеърни таржима қилса бўлади, деб айтадилар; иккинчи гуруҳ тарафдорлари эса тамоман зид фикрни, яъни шеърни таржима қилиб бўлмайди, дейдилар. Бу хусусда дунё адабистининг кўплаб дурдоналарини рус халқининг маънавий мулкига айлантирган машҳур рус шоири ва таржимони Самуил Маршак бундай ёзади: "Мен сиртдан қараганда, бир-бирига зид, лекин моҳиятан тўғри икки фикрни ўртага ташламоқчиман. 1. Шеърни таржима қилиш мумкин эмас. 2. Ҳар сафар бунга истисно сифатида қаралиши лозим." [89.156.]

С.Маршакнинг фикрларидан шундай хулоса чиқариш мумкин, яъни таржимон ҳар доим ҳам аслиятнинг муқобили бўларлик шеърӣ таржима яратишга қодир эмас. Бунинг учун таржимонга тилни билишдан ташқари ижодий руҳий ҳолат, шеърӣ кайфият, ботиний гўзал ҳис-туйғу, ўта нозик дид, таржима қилинаётган халқнинг урф-одатлари, удумлари, табиати, менталитети, дунёқараши ва, албатта, Оллоҳ томонидан берилган истеъдод зарур. Шу нуқтаи назардан қараганда, машҳур таржимоннинг иккинчи фикри диққатга сазовордир. Ҳа, шеърни таржима қилиб бўлмайди, лекин ҳар сафар бу жараёнга истисно сифатида қаралиши керак. Ана шу "истасно"ни биз асарни бошқа талда қайтадан яратилшии (таъкидлар бизники - В-Ҳ-) деб тушунамиз. Натижада, қайта яратиш(тиклаш) санъати вужудга келади. Илмий муомалада у таржима деб аталаверади. Қайта яраттш санъати деганда, назм таржимасининг пухта кечган эволюциясини, ритмий аниқлик, мусиқавий-интонацион(оҳанг

монандлигини), лисоний тафовутларни, вазн ва қофия муаммоларини, индивидуал услуб ва миллий ўзига хосликнинг берилишини, шакл ва мазмуннинг яхлитликда, диалектик боғлиқликда намоён бўлишини, уларнинг диалектик тарзда бир-бири билан узвий алоқасини назарда тутамиз.

Бевосита таржиманинг муҳим масалаларидан яна бири аслият тилидаги бадий компонентларни, топилдикларни таржима қилинаётган тилда қайта яратишдир. Ҳар бир халқнинг урф-одати, турмуш тарзи, анъаналари, маданияти-. маънавияти, иқлим ва географик жойлашувидан келиб чиқиб, унинг қарашлари, муқояса қилиши ва ўхшатишлари ҳам турлича бўлади. Мана шу "турличалик" ҳар сафар ҳам таржимон олдиға мураккаб муаммоларни қўяди, ундан масалаға ижодий ёндашишни, матнга бўлган муносабатда хушёрликни талаб этади. Масалан, буюк шотланд шоири Роберт Бёрнснинг "John Anderson" деган шеъри бор. Шеър шоирнинг болаликдага дўстига бағишланган. Шоир дўстининг сочини таърифлар экан, ранги қоралигини "зоғ"га ўхшатади: "Your locks were like the raven" деб. Raven — зоғ(қора қарға). Шотланд ўқувчиси учун сочининг қоралигини зоғ(қора қарға)га қиёслаш табиий хол. Чунки шоир туғилган юрт шимолий ўлка бўлиб, йилнинг деярли ҳамма фаслида кишилар эмин-эркин учиб юрган зоғларни учратадилар, уларни беозор жонивор сифатида яхши кўрадилар. Аммо таржима қилинаётган тилда бундай ўхшатиш жоиз эмас, айниқса, ўзбек тилида. Бундай ҳолларда таржимон ўз миллий адабиётидаги анъаналарга суяниб, таржима асарини ўқийдиган китобхоннинг қабул қилиш имкониятини, дидини, менталитетини назарда тутмоғи, аслият мазмунига мос тушадиган сўз орқали ифода этмоғи шарт. Бу соҳада айрим таржимонларнинг тажрибаларини кузатиш жуда мароқли.

Юқоридаги "John Anderson" шеъри аслиятидан бир бандни келтирсак:

John Anderson my jo, John.

When we were first acquaint.

Your locks were like the raven.

Your bonie brow was brent.

Мазмуни: "Қадрдоним, менинг дўсттинам Жон Андерсон, биринчи бор сен билан кўришганимизда, сочларинг зоғ(қарға) рангига ўхшар(яъни коп-қора эди. ёш эдинг), барқ уриб дўнг пешонангни безаб турарди..." Инглиз тилида агар соч қарғага ўхшатилса, инглиз ўқувчиси факат қарға(зоғ)нинг ўзини эмас, балки унинг раигини тушунади. Қани, бу ўхшатишни бошқа тилларга ағдарилганда, таржимонлар қандай йўлдан боришди экан, кузатайлик-чи. Аслиятдаги мисрани тўла банди билан унинг рус, қозоқ тилларидаги ва бсвосита ўзбек тилига таржималарини қиёслаб кўрамиз.

Машхур рус таржимони Самуэл Маршак, бандни рус тилига бундай ўгиради:

Лжон Анлерсон мой старый друг.

Подумайка, лапноль.

Густой, крутой твой локон

Был черен, точно смоль.

Рус таржимони, инглиз тилида "қарға"га қиёсланган сочни "мум"(сақич)га ўхшатмоқда. Қарға билан мум эса мутлақо бошқа-бошқа нарсалар эканлиги аён.

Энди қозоқ таржимони Қувондиқ Шанғитбоевнинг бу хусусдаги тажрибасига мурожаат қиламиз. Қувондиқ Шанғитбоевнинг қозоқ тилига амалга оширган таржимаси куйидагича:

Джон Андерсон. Джон досым, Мынауна жол босын, Самай шашын тогилген қара эканғой комирден.

Қозоқ таржимони учун С.Маршакнинг русча таржимаси аслият бўлиб хизмат қилганлигини таъкидлаш жоиз. Жон Андерсоннинг (русчадаги) "мум"(сақич)дай сочи қозоқчада энди "кўмирдан ҳам қора"га айланган.

"Your locks were like the raven, Your bonie brow was brent" —мисрасини С. Маршак:

"Густой, крутой твой локон, Был черен, точно смоль, —

Яъни, куюк тўлқинли сочларинг худди сақичдай қора эди, деб ўгирган бўлса, қозоқ таржимони Қ. Шанғибаев:

"Самай шашьга тогилген кара едигой комирден." —

деб қозоқчалаштиради ва буни биз аслият тилига муқобил ўхшатиш, таржима қилинаётган тиллардаги қайта яратиш деб айта оламиз, чунки уларда аслиятдаги асосий мазмун аниқ акс этган.

Шу ўринда эътирозимиз ҳам йўқ эмас, негаки, аслият тилидаги "Your bonie brow was brent" мисрасида жо бўлган, "Дўнг пешонанг безалганди, қора сочинг дўнг пешонангда барқ урарди" деган мазмун ҳар иккала — рус ва қозоқ тилларидаги таржималарда қайта акс этмай, тушириб қолдирилган. Ваҳоланки, худди мана шу мисра шоир табиатини, унинг шеъряти ўзига хослигини кўрсатарди, шоир айна дўстининг "дўнг пешона" эканлигини, уни беаб турган қора сочларининг гўзаллигини таъкидамоқчи эди.

Таржимадан тушиб қолган ўша мисрани аслият тилидан биз бевосита ўзбек тилига ўгиришга уриниб кўрдик:

Жон Андерсон, кадрдон дўстим, Бизлар илк бор танишган онда. Тундай қаро куюк сочларинг Барқ урарди дўнг пешонангда.

Қизиқ манзара юзага келди: Жон Андерсоннинг қора сочи — инглиз тилида — зоғ(қарға)га, рус тилида — "мум"га, қозоқ тилида "кўмир"га, ўзбек тилида — "тун"га қиёс қилинади. Зоғ-мум — кўмир - тун... Ўзбекчада "тун" деб беришга мажбурмиз, чунки сочни биз на қарғага, на мумга, на кўмирга, яъни уларнинг рангларига ўхшата оламиз. Тўрт тилда ҳам, сочга ўхшатиш учун кўз кўрса бўладиган предметлар олинган, лекин ҳаммасида ҳам ўқувчи кўз олдида предмет эмас, балки унинг ранги келади: инглиз ўқувчиси — қарғани, рус ўқувчиси — сақич(мум)ни, қозоқ ўқувчиси - кўмирни, ўзбек ўқувчиси - туннинг ўзини тушунмайди.

Русларда эса "смола" — "сақич" ёки "мум" қадимдан бебахр курилиш хом-ашёси сифатида юксак кадрланган ва соч рангини, фақат соч эмас, умуман рангнинг қоралиғининг мумга қиёсланиши руслар учун одатий ҳол ҳисобланади.

Қозоқларда эса кўмирга инсонни совукдан асровчи бехисоб энергия манбаи деб қаралади. Ҳар қадамда қаётӣй эҳтиёжга айланган бойлик, ижобӣй тимсол сифатида кадрланади. Уни ҳатто олтинга тенглаштириб "қора олтин" деб атайдилар.

Ўзбек халқида, мумтоз адабиётимизда анъанага биноан соч рангининг қоралиғи тунга қиёсланади. "Зоғ" ўзбекларда совук, булутли кунларни олиб келувчи парранда ёки ёвузлик рамзини англатувчи жонзод сифатида тушунилади. Зоғ — салбий тимсол. Тун эса кун бўйи толиққан вужудларга ором берувчи бебаҳо дамлар ва шунинг билан бирга табиатдаги барча ёмонликларни ўзининг сиёҳ пардаси билан яшириб турувчи ҳамда ошиқларнинг сирли лаҳзаларини ёт кўзлардан асрагувчи хилқат маъносида англашилади. Ундан ташқари, туннинг қоралиғи ниҳоятда майин, жозибалидир.

Роберт Бёрнснӣн "John Anderson " шеъри таржимаси мисолида гарчи соч рангини турли тилларда зог — мум ~ кўмир — тун... деб олинган бўлса ҳам, таржимонларнинг ўз ишларига ижодий изланишлар билан ёндашганлари кўриниб турибди. Ўшбу аслиятга муқобил - эквивалент таржималарда умум адабий-эстетик жараён кечганлигининг гувоҳи бўламиз. Демак, таржимада эквивалентлик, яъни таржиманинги фақат шаклий томондангина муносиб бўлиши етарли эмас, балки асарнинг тағматнидаги маънодорлик, мақсад ҳам ўз ифодасини топган бўлиши талаб этилади.

Ўзбек таржимашунос олимлари Ғайбулла Саломов ва Нажмиддин Комиловлар шеърий таржимага юқори баҳо бериб, жумладан, шундай ёзишган эди: "Бадиий таржиманинги бошқа турларига қараганда шеърий таржима таъбир жоиз бўлса "кўпроқ "санъатдир- Шеърий таржима бадиий

таржиманинг олий нави (таъкидлар бизники — Б.Ҳ.) деса бўлади" Атоқли олимларимиз шеърий таржимага бежиз бундай юқори баҳо бермаганлар. Чунки шеърий таржима жараёни бизнинг назаримизда, худди туғрик жараёнига ўхшайди, негаки бу ҳолда аёл дарду тўлғоқлар чекиб, ўз вужудидан Оллоҳнинг қудрати ила табиатнинг олий маҳсули бўлган инсонни дунёга келтирса, шоир-таржимон ҳам, умуман олганда, ижодкор, бундан кам бўлмаган дарду тўлғоқлар билан фарзанддек азиз бўлган ижод таржима маҳсулини дунёга келтиради. Мана шундай машаққатлар билан халқ мулкига айланадиган таржима асарлар, олимларимиз эътироф этган "кўпроқ санъат" билан барпо этилади.

Баъзан таржимонлар "дарддан" осон қутулиш йўлини қидирадилар ва ўз таржималарида ўринли, айрим ҳолларда ўринсиз тушириб қолдиришларга, ўзгартиришлар киритишга жазм этадилар. Таржимада бунга иложининг бориचा йўл қўймаслик керак. Фикримизни далили сифатида Роберт Бёрнснинг "Green grow the rushes" ("Дарё узра зумрад қамиш...") шеъри ва "John Barleycorn" ("Жон Арпа Дони") балладаси таржимасидаги сукут ва ўзгартиришларни мисол тариқасида кўриб чиқамиз:

For you sae douce ye sneer at this;
Ye're nought but senseless asses, o;
The wisest man the war!' e'er saw,
He dearly lov'd the lasses, o.

Бу банднинг маъноси қуйидагича: "Сиз ўзингизча устимдан куласиз, Сиз ҳеч ким эмассиз, фақат ҳиссиз эшаксиз. Ахир дунёнинг энг оқил кишиси ҳам Санамларни жондан севган-ку". Аммо банднинг мазмуни унинг рус, ўзбек ва қозоқ тилларидаги таржималарида бироз ўзгарган ва бу таржимада ғализликни юзага келтирган. Таржималарни кўриб чиқамиз.

Русчаси (Самуил Маршак таржимаси):

Пускай я буду осужден
Судьей в ослиной коже.

Но старый, мудрый Соломон
любил девчонок тоже!

Ўзбекчаси (Муҳаммад Али таржимаси):

Эшак мия еган қози
Қилмай қўйсин менга караш:
Қизларжонни гапнинг рости,
Суйган ахир Сулаймон ҳам.

Қозоқчаси (Қувондиқ Шанғитбоев таржимаси);

Есек сот алжип
ешейген кулата берсин кузжарды.
Хезреп қері Сулеймен Суерди о да қиздарди.

Шоир "wisest man" сўзларини — чинакам одам, оқил одам, чин инсон, одамларнинг одами маъноларида ишлатмоқда. Самуил Маршак таржимасида эса, аслиятда йўқ Сулаймон (пайғамбар) номи келтирилади. Натижада, ўзбек ва қозоқ таржимонлари ҳам "Сулаймон" номини тилга оладилар. Бу эса баҳсли масаладир. Чунки, Сулаймон деганда, ўқувчи, юқорида таъкидлаганимиздек, чин одам маъносини тушунмайди, балки даставвал "Довуд алайҳиссаломнинг ўғли, 13 ёшида тахтга ўтирган, етук билимли, жамики инсу жинс, ҳайвонлар ва паррандалар оламига подшоҳик қилган, қушлар тилини тушунган... Куръонда тилга олинган пайғамбарлардан бири" сифатида билади. Агар рус таржимони Сулаймон пайғамбарни узлатда юргувчи зоҳиду тақводор сифатида олиб, ҳаттоки шундай зот ҳам аёлларни яхши кўрган-ку, демоқчи бўлса, бу ҳам ҳақиқатдан йироқ: Сулаймон пайғамбар узлатнишин бўлган эмас. Энг муҳими, Роберт Бёрнс ўз шеърида асло Сулаймон (Соломон) пайғамбарни назарда тутмаган эди!

Юқорида келтирилган мисоллар, Самуил Маршакнинг "Ҳар сафар бу (бадий таржима назарда тутилмоқда - Б.Ҳ.) истисно сифатида қаралиши лозим" деган фикрини исботлаб турибди. Демак, бевосита таржима — мукамал таржиманинг асл мезони бўлиб қолаверади.

II боб бўйича хулоса

Хулоса ўрнида тадқиқотчи Бегойим Холбекова “Шерий таржима мезони” сарлавҳали таҳлилий мақоласини ёллон қилди (“ЖА 2009, 11-сон). Кейинг 10 йил ичида шерий таржималар ҳақида ёллон қилинган ноёб чиқишлардан бири. Тадқиқотчи ўз муҳокамаларида машҳур таржимон ва болалар шоири Самуил Маршакнинг бир замонлар айтгам “...шеърни таржима қилиш мумкин эмас. Ҳар сафар шеърини таржимага истисно сифатида қаралиши лозим”, деган фикрига суянади. Маршак шундай кутилмаган баҳсли фикрларни кўп айтган. Лекин бу шоирона фикрлар алсо илмийликка даъво қилмайди. Ҳар қандай шерий асарни таржима қилиш мумкин. Таржима қилиб бўлмайдиган текст йўқ. Фақат ҳамма вақт ўта кунт, юрак кўри, зўр ҳафсала ва предметга муҳаббат керак. Биз шундай хусусиятлардан туғилган бениҳоя гўзал шеърини таржималарни биламиз. Бегойим мақолада жуда қизиқ шерий мисолларни таҳлил қилади. Шотландиялик шоир Бернс ўз навқирон дўсти Роберт Абдерсонга бағишланган ўткир бир шеърда дўстининг сочларини зоғдай қоп-қора деб ўхшатган экан. Маршак бошқа бир таржимасида шеър матнига Бернсда мутлақо бўлмаган Сулаймон пайғамбар образини киритиб юборади. Бу эса, шотланд шоири асарида ўта қовушмаган бир ҳолатни вужудга келтиради. Ўзбошимчалик таржимада оғир хатоларга олиб боради. Бу эса аниқлик талаб қилмасликнинг натижаси.

Аниқлик талабига риоя қилинмаса, таржимада масъулиятсизлик юзага чиқади. Таржималардаги тил ғарибликлари ҳам ана шу масъулиятсизликдан. Албатта, таржима назарияси принциплари “темир қонун” эмас. Назария нисбий, шартли қоидаларни баён этади. Уларга ижодий қарамоқ жоиз. Уларни билмоқ ва ижодий ёндошмоқ таржимонни турли масъулиятсизликлардан, хом-хатала ишларни таржима, деб аташдан сақлайди.

III БОБ. БАДИЙ АСАРЛАРНИНГ БЕВОСИТА ВА БИЛВОСИТА ТАҲЛИЛИ

3.1. В.Шекспирнинг “Отелло” асари машҳур ўзбек таржимони Жамол Камол талқинида(бевосита таржима асосида)

Шекспир ўзи яратган образларининг тилини қай даражада ва қандай лисоний воситалар ёрдамида индивидуаллаштиргани ҳалигача тилшунослар тамонидан атрофлича ўрганилмаган масалалардан биридир. Шекспир қаҳромонларининг тили образлиги, қаҳрамонлар характерининг ўзаро бир-бирига ўхшамаслиги, персонажларнинг ички дунёсини, маънавий қиёфасинининг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериши таржимонлар, адабиётшунос ва тилшунослар учун бой фактик материаллар берадиган ҳам назарий ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган муаммодир.

Шекспир асарлари яратилганига бир неча асрлар ўтган бўлса-да ҳар қандай китобхон матнни ўқиш жараёнида Гамлетнинг гапириш усули Офелеяникига, Отеллоники Ягоникига ва бошқа персонажларникига ўхшамаслигини даров пайқаб олади.

Маълумки драматик асарларда персонажлар одатда нафақат муайян бир шахсга мансуб бўлган гапириш усулида балки, муаллиф яратаётган образ тилидан гапирадилар. Муаллиф персонажлар қиёфасини таърифламаса ҳам биз уларнинг гапириш тарзидан, уларнинг маънавий қиёфаларини аниқ тасаввур қилиб тургандек сезамиз. Персонажлар тилининг индивидуаллаштирилганлиги, бир-бирига ўхшамаслиги, уларнинг лексик, стилистик жиҳатдан фарқланиб туришлиги бу асар муаллифининг юксак иқтидоридан, образлар яратишдаги маҳоратидан далолат беради.

Шу нуқтаи назардан ушбу мақоламизда буюк инглиз драматурги В.Шекспирнинг «Отелло» трагедиясида персонажлар нутқи уларнинг маънавий- ахлоқий характерларини персонаж нутқидаги метафоралар

мисолидада ва уларнинг Жамол Камол томонидан бевосита ўзбек тилида қайта яратилишини таҳлил қилишни мақсад қилиб қўйдик .

Шекспирнинг «Отелло» ва бошқа асарлари ўзбек тилига таржима қилинмасидан анча олдин театр саҳнаси орқали ҳар қандай ўзбек томошабини қалбидан жой олган буюк асарлар, десак муболаға бўлмас. Ўзбекистон халқ шори Жамол Камол томонидан Шекспир асарларининг ўзбек тилига ўгирилиб чоп қилиниши барча китобхонларни Шекспир ижодини ўзбек тилида ўқиш шарафига муяссар қилган бўлса, таржима муаммолари билан шуғулланувчи тадқиқотчилар олдига Шекспир асарларини аслият ва ўзбекча таржимаси билан қиёслаб ўрганиш имкониятини берди.

Жумладан, драматургнинг «Отелло» трагедиясини ўқиган, томоша қилган ҳар қандай шахс дастлаб асар персонажлари Отелло ва Яго образлари бир- бирига қарама- қарши бўлган икки хил олам вакиллари эканлигини пайқаб олади ва Отелло нутқм Ягоникидан, Гамлетникидан ёки бошқа персонажлар тилидан тубдан фарқ қилишлигини дарҳол пайқаб олади. Шекспирнинг «Отелло» трагедиясида персонажлар нутқи асосида инсон характерини ифодаланиши ўзбек тилшунослигида нисбатан кам ўрганилган, аммо жуда ката ҳажмли тадқиқот ишларини талаб қиладиган масала. Шу сабаб ушбу кичик мақоламизда Отелло нутқидаги образли воситалар унинг характерини очувчи воситалар сифатида ва уларнинг ўзбек тилида берилиши масаласини ўрганиш билан чекланмоқчимиз.

Қора танли Отелло монологларида олийжаноб, инсофли ва диёнатли инсонга хос образли лисоний воситаларни ўқисак, унга қарама- қарши қуйилган, тилёғма, риёкор инсон: адоват ва ҳасад, хиёнат васвасасида типирчилаётган «софдил» инсон Ягонинг маънавий қиёфасини ҳис қиламиз. Биринчи образида тасаввур ва ҳиссиётнинг баланд парози, иккинчи образда унга қарама-қарши қуйилган бетакаллуф «хушёр» кишининг қора ниятларини ҳис қиламиз. Образларнинг лисоний

фикрлашлари жараёнида китобхон кўз ўнгида уларнинг маънавий киёфалари ойдинлаша боради.

Шу жиҳатдан Отелло нуткида дастлаб икки асосий хусусиятни алоҳида таъкидлаш мумкин. Биринчиси кўтаринки руҳдаги инсоний олийжоноблик, иккинчиси севги ва рашк азобида жушқин ҳис туйғуларга йўғрилганлик.

Бундай кўтаринги руҳдаги олийжонобликни дастлаб биз унинг ўзи ҳақидаги мулоҳазаларида ҳис қиламиз. Отелло нуткидаги метафоралар орқали ифодаланган образлилик дастлаб унинг ҳарбий киши эканлигидан далолат беради: бундай тоифадаги кишилар Отеллонинг ўз эътирофига кўра дағал оҳангда гапиришади, уларга лутф-такаллуф бегона:

Rude am I in my speech,
And little bless'd with the
soft phrase of peace.(276)

Таржимада «сўзим дағал» ибораси «мен гапдон эмасман» яъни «мен задогонлар гапирадиган чиройли тилда гапира олмайман» деган маънода аслиятдаги мазмунни аниқ ўғирган. Ўзбек таржимони бу мисрани ўғиришда ҳам мазмунни, ҳам образлиликни қайта тиклашни уддасидан чиққан ва ажойиб, аслиятга монанд метафора ярата олган:

Сўзим дағал, осойишта-тинч давронларнинг
Майин лутфи-такаллуфи менга бегона. (1736)

Отеллонинг ҳарбий киши сифатидаги характер қирралари унинг қуйидаги жумласидаги метафораларда янада образлироқ жаранглайди:

The tyrant custom, most grave senators,
Hath made the flinty and steel couch of war
My thrice-driven bed of down: (336)

Бу жумлада ҳарбий интизом унга одат бўлиб қолганлиги, ҳарбийларнинг тоғу тошларда тунаши ҳам уларга юмшоқ пар ёстикдек туюлиши ўзининг образи ифодасини топган. Жумланинг биринчи мисрасидаги киноя мъносидаги “grave senators”(жиддий сенаторлар)

Ўзбек тилига “азиз жаноблар” дея ўгирилиши айнан шундай киноя сифатида жаранглайди, ҳарбий юришдаги тунги дам олишлар “ҳарбу-зарбнинг тиканакли тош кўрпаси” дея трансформацияли қилиниб образли ўгирилиши, бу тош кўрпа унга партушак мисол юмшоқ туюлиши таржиманинг аслият шакли ва мазмунига тенглаштирган:

Одат ҳукми кўп аёвсиз, азиз жаноблар,
Ҳарбу-зарбнинг тиканакли тош кўрпасини,
Айлантирмиш менинг учун парқув тўшакка.(179б)

Айни пайтда «азиз жаноб»лардан фарқли улароқ Отелло аёлларга нисбатан ишқ- муҳаббат борасида ўта инсоний муносабатда. Буотелло нуткининг, тилининг иккинчи характерловчи жиҳати. Ва Отелло бу йўлдан адашса, ишқ тангриси Купидан номи билан қасам ичиб, ўзи учун энг муқаддас ҳисобланмиш ҳарбий анжومي- «дубилғасини аёллар қозон қилиб ишлатишсин» дейди. Муаллиф томонидан яратилган бундай индивидуаллик, персонажнинг маънавий қиёфсини акс эттирувчи бундай метафорани яратиш,бизнингча фақат Шекспир доҳасига мансуб. Таржимон бундай кўтаринки руҳдаги персонаж нутқини аслият даражасида моҳирона қайта яратишни уддасидан чиққан:

And heaven defend your good souls, that you think
I will your serious and great business scant
For she is with me: no, when light-wing'd toys
Of feather'd Cupid seal with wanton dullness
My speculative and officed instruments,
That my disports corrupt and taint my business,
Let housewives make a skillet of my helm,
And all indign and base adversities
Make head against my estimation! (35-36бб.)
Ишқибозлик айламасман, Худо сақласин.
Ҳа, мабодо ишқ тангриси бўлмиш Купидон
Кўзларимни кўр айласа эҳтирос билан

Ва жанговор бурчимни мен унутиб қуйсам,
Майли, унда дубулғамни уй бекалари
Декча қилиб қайнатишсин , номус оримни,
Уят билан маломатга кўмилсин тамом. (180б.)

Отелло характерининг ўзига хос қирралари унинг Дездемонага нисбатан муҳаббати ва садоқати унинг тилидан теша тегмаган ажойиб метафоралар орқали ифодаланади. Отелло ўз севгилисига шунчалик садоқатлики , бу севгини, бу садоқатни “Excellent wretch!” метафораси билан ифодалайди. Бундай садоқат ва севгини “Perdition catch my soul” деб атайди. Ва бу севги уни гўрга тикса ҳам барибир севишини, агар севгисидан тонса, бу жаҳаннамда ҳам қиёмат қойим содир бўлиши билан баробарлигин таъкидлайди:

Excellent wretch! Perdition catch my soul,
But I do love thee! And when I love thee not,
Chaos is come again. (99б.)

Энди мисраинг аслият билан қандай адекват жаранглашига эътибор берайлик:

Ширин офат! Юрагимга ёпишган бало!
Эвоҳ, мен севаман сени, Агар севмасам,
Бир қиёмат кўпар худди жаҳаннам аро!... (229б.)

Ишқ-муҳаббатни аслиятдагидан фарқли улароқ таржимон Отелло тилидан “ширин офат”га, “юракка ёпишган бир бало”га қиёслайди, айти пайтда аслиятдаги мазмунни шаклига манонд қайта тикланиши таржимоннинг аслият руҳини чуқур англаганидан дарак беради.

Оташин ва олийжаноб муҳаббат соҳиби Отелло Яго тўқиган иғво маломатларга нисбатан ўтакетган ишонувчан ва рашкчи ҳам. Отелло ўзига хос характерини шарқона оҳангларда одатдан ташқари ташбеҳлар билан ифодалайди: У хотинига нисбатан қалбида тўпланаётган шубҳа – гумонларни, “тўлишиб бораётган ойга” қиёслайди. Ва бундай шубҳа гумонларни ҳарбий одамларга хос равишда биратўла “ё у ёқлиқ, ё бу ёқлиқ

килиши”ни ва бу қароридан қайтса, уни “бебурд така” деб аташлари мумкинлигини таъкидлайди Чунки Отелло назарида рашк оловида куйиб, унга бемалол кўникиб юрувчиларнинг ҳаммаси такалардир:

I'd make a lie of jealousy,
To follow still the changes of the moon
With fresh suspicious?
No; to be once in doubt
Is once to be resolved: exchange me for a goat, (1036.)

Отеллонинг Шекспир наздидаги ўз фикрида катий турувчи мустаҳкам иродали киши эканлиги таржимада ҳам аслият мисол гўзал ва образли иборалар орқали берилган:

Умрим рашкда ўтар аста тўлишган ойдек-
Ҳар куни бир янги шубҳа –гумон билан? Йўқ!
Шубҳа туғилдими –ишни тамом қиламан.
Лекин қалбимдаги асл муҳаббатимни
Алмаштирсам сенинг пучак тахминларинга,
Майли , мени така билан алмаштиравер (2346.).

Ниҳоят Ягонинг иғволарига ишонган Отелло ўз қарорини амалга оширишга, масалани “ё у ёқлик, ё бу ёқлик” қилишга киришади. Бунда у ўз севгилисини ўзидан “безиб қолган лочинга ўхшатади” ва уни “қўйиб юборишдан олдин барибир уни кутаётган аччиқ қисматга (яъни ўлимга) йўллашини” маълум қилади:

If I do prove her haggard,
though that her jesses
were my dear heartstrings,
I'd whistle her off and let her down the wind,
To pray at fortune. (1076.)
О, билиб етолсам, исбот етолсам,
Сор лочиним, мендан безиб қолганлигингни,
Тушовингни бўшатардим, ҳаттоки ўша,

Менинг юрак торларимга пайванд бўлса ҳам.

Майли, шамол учган ёққа учавер шу тоб

Ва қисмат буюрган ўлжа-насибангни топ (238б.).

У ўз севгилисини бошқалар билан баҳам кўришидан уни ўлдириб кўяқолишни ва зах зиндонда бақа мисол яшашни афзал кўради. Унинг бу иқрори аслият ва таржимада қуйидагича ҳамоҳанг жаранглайди:

I had rather be a toad, and live upon the vapour

of a dungeon, than keep a corner in the thing

I love (for others' uses. (109б.)

Мен севган нарсамни бошқа бировлар билан

Такдирга тан бериб, бирга баҳам кўргандан-

Зиндон балчиғида бақа бўлганим афзал(239б.)

Ва бу фалак номига ичилган бу қасамини албатта бажариши лозимлигини таъкидлайди:

In the due reverence of a sacred vow

I here engage my words. (119б.)

Эй зангори фалак, сенга қасам ичаман!

Пок тутаман қасамимни, берган сўзимни.

Ва мен бажараман уни! (249б.)

Ниҳоят Ягонинг ғийбатлари ўз кучини кўрсатади. Отелло хотини Дездемонианинг бевафолигига ишонади. Дездемонанинг илтижоли кўз ёшларини муғамбирлик ҳисоблаб, уни йиғлаётган шайтонга қиёслайди, агар барча бевафо аёлларнинг кўз ёшлари бу курраи заминга тўкилаверса, улардан мнглаб муғомбир ,ёлғандакм кўз ёш тукувчи тимсоҳлар туғилажагини айтади.

O devil, devil!

If that the earth could teem with woman's tears,

Each drop she falls would prove a crocodile. (151б.)

Персонаж тилини, характерини ифодаловчи , бирор бир бошқа шоиру, ёзувчи асарларида учрамайдиган бундай образли метафоралар

Ўзбек тилига ҳам айнан ана шундай образли бирликлар орқали ифодаланганлиги уни аслият даражасида адекватлигини таъминлаган:

О , шайтон! О, лаин. О, сен иблис касофат!

Эр-хотинлар кўз ёшидан туға билсайди,

Ҳар қатраси туғиларди бир тимсоҳ бўлиб (278б.)

Отелло хотинининг хиёнаткорлигидан ўкиниб буни ажойиб қиёслашлар орқали баён қилади: I should make very forges of my cheeks, Бундай хиёнатдан унинг фикрича ҳатто осмон бурнини жийиради, ой жирканади, ҳатто дуч келган аёлнинг юзидан ўпиб ўтгувчи шамол ҳам бундай хиёнатни эшитмай деб, ўзини ўнгирларга ўради:.

I should make very forges of my cheeks,

That would to cinders burn up modesty,

Did I but speak thy deeds. What committed!

Heaven stops the nose at it and the moon winks,

The bawdy wind that kisses all it meets

Is hush'd within the hollow mine of earth,

And will not hear it. (159б.)

Бундай эҳтиросли, муболағаларга бой хитоблар Жамол Камол таржимасида ҳам худди аслиятдагидек жаранглайди.

Нима қилдим?! Қилмишингдан агар суйласам,

Темирчининг қўрасидек ловулар юзим.

Кўк бурнини жийиради, ой жирканади,

Дуч келганни қучию-ўпиб юргувчи шамол,

Эшитмай, деб ўнгирларга ўзни уради (285б.)

Ухлаб ётган Дездемонани хиёнаткорлиги учун бўғиб ўлдиришга чоғланган Отеллонинг гапларида унинг характер қирралари янада образлироқ метафораларда ўз аксини топади У Дездемонанинг қордан-да окроқ, қабр тошиданда силлик баданига жароҳат етказишга, унинг қонини тўкишга кўзи қиймайди. Афсус ва надомат билан унга тикилиб, севгилисини шамга қиёслайди ва уни пуфлаб ўчирса, унга қайтадан ҳаёт

бағишловчи Прометей оловини қаердан топишини ўйлаб афсус чекади . У уни гулга қиёслайди ва уни узиб олишдан, сўлишидан олдин охирги бор ҳидлашни истайди. Бундай гўзал аёл яна бошқа эркаклар қалбини ром этиб, уларга ҳам хиёнат қилмаслиги учун уни бўғиб ўлдиришга аҳд қилади:

Yet I'll not shed her blood;
No scar that whiter skin of hers than snow,
And smooth as monumental alabaster.
Yet she must die, else she'll betray more men.
Put out the light:
If I quench thee, thou flaming minister,
I can again thy former light restore,
Should I repent me: but once put out thy light,
Thou cunning'st pattern of excelling nature,
I know not where is that Promethean heat
That can thy light resume.
When I have pluck'd the rose,
cannot give it vital growth again. (1876.)

Шекспир даҳоси билан яратилган Отелло ва унинг характеридаги занжи ошиқларга хос бундай образли иборалар ўзбек тилидаги таржимасида янада образлироқ жаранглайди:

Мен қонини тўкмайман унинг,
Кордан ҳам оқ, қабрдаги мармардан силлиқ
Шу баданга солмагайман яра-жароҳат.
Шамни пуфлай ва учирай чироғимни ҳам.
Билолмасман, оташингни ёндирмоқ учун
Прометей оловини қайдан оламан.
Гулни узиб гул бандидан, унга янгидан
Ҳаёт тароватини мен нечук бағишлай?
У сўлади. Бутоғида бир ҳидлаб олай (3116.)

Ўзбек китобхонлари Шекспир даҳоси билан яратилган ушбу трагедияни Жамол Камол таржимасида худди аслият даражасида яратилган асар сифатида ўқиб баҳра олади. Асар қаҳрамони тили орқали унинг ўзига хос характери англаб олади. Бу ўринда қўлланилган метафораларни ўқиб Отелло қандай киши бўлганлигини англаб етади. Персонаж тилидаги метафораларнинг қиёслаб ўрганилиши эса, биринчидан муаллиф ва таржимон маҳоратини қиёслаб ўрганилишига хизмат қилса, иккинчидан инсон характерининг талқин қилиниш воситаларини чуқурроқ ўрганилишига ёрдам беради. Бу ўринда асарнинг бевосита инглиз тилидан ўтирилиши таржимоннинг инглиз тилини яхши билишлигидан, Шекспир яратган образнинг характерли хусусиятларини яхши англаган ҳолда янада образлироқ қилиб ўзбек тилида аслият даражасида қайта тиклай олганлигини таъкидлаш жоиздир.

3.2. В.Шекспирнинг “Отелло” асари машҳур ўзбек ёзувчиси ва таржимони Ғофур Ғулом талқинида (рус тилидан билвосита таржима асосида)

Ўзбек халқини Ғарбий Европа мумтоз адабиёти дурдоналари билан таништириш борасидаги шарафли ишда буюк инглиз драматурги В.Шекспирнинг ижодий хазинасидан амалга оширилган таржималар алоҳида ўрин эгаллайди. Шекспир ижод қилган давр билан бизнинг замонамиз тўрт аср тафовут бўлса-да, ҳар бир авлод Шекспир даҳоси билан яратилган турли-туман мураккаб характерларни диққат ва эътибор билан ўрганади ва улардан ўз даврининг талаб мақсадларига мувофиқ келадиган янги хусусиятларни кашф этади.

Шекспир ижодида умуминсоний, фалсафий муаммолар, катта давлат масалалари билан бирга, кундалик турмушимизга доир муаммолар ўзини бадиий ифодасини топди. У яратган юксак санъат ҳар қандай вахшийлик ва қалоқлик, зулм ва тор уруғ аймоқчиликка бориб тақаладиган интиқом, ирқий ва табақа бидъатини қоралайди, рад этади.

Шекспир юзлаб характерларни яратди, драматург қандай образ яратмасин-у қиролми, хизматқорми, маликами, шахзодами барибир ўша мисоллар сиймосида ўзимизга таниш ва бизга тушунарли бўлган одамларни кўрамыз.

В.Т.Белинский реалист санъаткор Шекспирни жуда юксак баҳолаб шундай ёзганди: “Ўзининг чексиз жумлайи жаҳонини қамраб олувчи нигоҳи билан инсон хилқатини ва ҳаёт ҳақиқатининг кўтарди, уларнинг мўжизакор юрак тепишини кўра олди ва илғай билди. Ўзининг улкан асарларида у маънавий табиатни, унинг абадий ва муқаддас қонунларини вужудга келтиришди, бу режани қайта тиклади...”[15.42б.]

Ўзбек адиблари дастлабки даврлардаёқ Шекспирга реалист санъаткор деб қараган эди. Маълумки адабиёт аҳли учун насрий таржима шеърӣ таржимага нисбатан осонроқ ва оддий китобхонга тезроқ етиб боради деган фикр ҳукм суларди. Таржимонлар шеърӣ таржима йўли билан ўзбек китобхонларига Шекспир реализмини намойиш қилиш мушкул, мавжуд ўзбекча шеър тузилиши Шекспир трагедияларининг қудрати ва услубини тўлалигича акс эттиролмайдди.

Шуни ҳам айтиш жоизки, Шекспир асарларини бошқа тилларга, жумладан рус тилига қилинган дастлабки таржималари ҳам насрий шаклда бўлган. Бу ҳақида В.Т.Белинский шундай деган эди: “Шекспир шу қадар буюкки, у ношуд насрий таржималардан ҳам чўчимайди, негаки, буларда ҳам унинг даҳосидан бирон нарса қоладику, ахир; аксинча шеър билан ёмон эмас, балки ҳатто ўртача, ҳатто бимунча тузук деб бўлмайдиган шеърӣ йўл билан таржима қилиш Шекспирни ҳалок қилиш билан баробардир. Унда сўзлар қолади-ю, руҳ ғойиб бўлади, энг ёмон насрни ўқиганга қараганда ўрта ёзилган шеърни ўқиш зерикарлироқ бўлади, унинг оғир ботиши ҳақида гапирмаса ҳам бўлади”

Шу пайтгача Ғарбий Европа адабиёти намуналари ўзбек тилига, асосан билвосита уларнинг русча нусхаларидан таржима қилинаётгани ҳаммага равшан. Бу соҳада рус тили воситачилик ролини ўйнайди.

Шекспир, Шиллер, Мопассан каби буюк ижодкорларнинг меросини тарғиб этишда рус тили ҳамиша катта рол ўйнаб келди, бу тажриба ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Ишимизнинг ушбу бобида атоқли ўзбек шоири Ғафур Ғулом ўзбек тилига таржима қилган “Отелло” трагедиясидаги асосий қаҳрамон образнинг қайта яратилиши, унинг ўзбекча талқини билан танишамиз. Драматург яратган барча образлар ўз хусусиятига молик бир-биридан ажралиб турадиган ҳаётий образлардир, лекин булар орасидан Отелло образини танлаб олишимизнинг сабаби шундаки, у ўзбекчада анча мукамал, жонли Аликсей Толстой айтганидек, янада жонлантирилган образ бўлиб чиққан.

Катта истеъдод эгаси бўлган шоир Ғ.Ғулом турли даврларда жуда кўп асрларни таржима қилган бўлсада, катта ўзбек шоирнинг маҳорати ҳозирга қадар атрофлича ўрганилмаган. Ғ.Ғулом бадиий таржимага ижодий ёндашди, асарнинг ғоявий мазмуни, бадиий хусусиятларини, муаллиф фикри, тили ва услуб хусусиятларни акс еттириш “сир”ларини яхши билади таржимон Шекспир яратган ўлмас образларни ўзбек тилида нозик дидли катта санъаткорга хос маҳорат билан қайта тиклаган у 1940-йилда “Отелло”, 1956-йилда еса “Қирол Лир” трагедияларни ўзбек тилига таржима қилди.

Ғ.Ғулом Шекспир асарларига теран ихлос билан қарар, буюк инглиз драматурги уни мураккаб зиддиятли воқеалар ичида мукамал характерлар ярата олиши билан мафтун етар эди. Ғ.Ғулом Шекспирни сахна асари яратиш санъатининг пири деб билар эди. Ғ.Ғулом ўз тажрибасидан инглиз адабининг ўзига хос услубини сақлашга Шекспирни ўзбек тилида «ўз Шекспирлигича» қолишга эришиш учун астойдил ҳаракат қиларди. Ана шу мақсадда Шекспир пьесаларни диққат билан мутолаа қиларди. Унинг асарларини яратилиш тарихи, услуби ва бошқа жиҳатларини пухта ўрганган.

Таржимада муайян асарнинг ўзига хос хусусиятлари хусусида фикр юритганда асл нусхада ўз аксини топган фикр образ ва ҳис-туйғуларининг энг нозик қирраларини бошқа тилда қайта яратишган таржимон меҳнатининг машаққатлари ва мураккаблигини тасаввур қила билишга тўғри келади. Асл нусханинг ўзида гоҳо битта сўзни бошқаси билан алмаштириш мазмунни беришда жидий оқибатга олиб келади. Таржима матнида эса ўзининг тузилиши томонидан тамоман бошқа тизимга мансуб бўлган тилга битта эмас, балки барча сўзларни “ўзгартириб” бериш ҳоллари мавжуд. Шекспир асарларини ўзбек тилига шеърый йўл билан ўгириш жиддий қийинчилик билан боғлиқлигини унутмаслик лозим. Таржимон шеърни шъер билан таржима қилишга киришишдан аввал қандай вазн асл нусха шакли ва руҳига мос келишини обдон ўйлаб олмоғи даркор. Шекспирнинг пьесалари жарангдор ритм(оҳанг), аммо қофиясиз оқ шеър билан ёзилган, фақат айрим ҳоллардагина қофия учрайди. Унда беш бўғинли туроқ олти бўғинли туроқ билан алмашилиб келади бундан ҳам қисқа, масалан тўрт, уч, икки бўғинли туроқлар учрайди. “Отелло”трагедияси ўзбек тилига ўн уч бўғинли бармоқ вазни билан ўгирилган бу жарангдорлик жиҳатидан янги шеър тузилиши (икки бўғинли туроқлардан, урғуси иккинчи бўғинга тушадиган вазни)га яқин туради.

Ғ.Ғулом ушбу сермазмун асарни китобхонга манзур қилиш мақсадида ўз она тилининг барча имкониятларидан тўлиқ фойдаланган. У буюк драматург асарнинг руҳига ва образлар дунёсига чуқурроқ кириб бориш мақсадида трагедиянинг бир нечта русча таржималари билан муфассал танишган, чунки бадиий асарда тасвирланган характерни бадиий таржимада акс эттириш муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Таржимада бош қаҳрамон образни тўғри бера билиш бутун аср таржимасининг тақдирини ҳал қилади.

Ғ.Ғулом Шекспир қаҳрамонлари характерни таржимада тиклашда асосий ютуқни қўлга киритган. Таржимада асл нусхадаги образлар

тўлалигича берилган. Таржимада эришилган тағин бир ютуқ шундаки, трагедияда персонажлар нутқнинг ўзига хослиги ўринли акс этирилган. Шекспир қаҳрамонлари ясама қолипда сохта эмас, балки бир-бирлари билан жонли суҳбат қуришади. Қиёс учун асарнинг асл инглизча нусхаси, М.М.Морозовнинг русча сўзма-сўз таржимаси ва Ғ.Ғуломнинг ўзбек тилига қилган бадий таржимасидан айрим намуналарини диққатингизга хавола этамиз:

Why, how, how, ho! From whence ariseth this?
Are we tuned Turks, and to ourselves do that
Which heaven hath forbid the Ottomites?
For Christian shame, put by this barbarous brawl:
He that stirs next to carve for his own rage
Holds his soul light; be dies upon his motion,
Silence that dreadful bell! It frights the isl
From her propriety-what is the matter, masters?
Honest logo, that look'st dead with gruving,
Speak, who began this? On the love, charge thee [115.566.]

Русча таржимаси:

Эй, вы, что такое? Из-за чего возникла ссора? Или мы превратились в дурак и делаем собой то, что не дало совершить оттоману? Во имя христианской совести прекратите эту варварскую драку. Следующий, кто шевельнётся, чтобы предаться личному своему гневу, дешево ценит жизнь: он умрёт при первом движении. Прекратите звон колокола, наводящий ужас! Он волнует жителей острова. Что случилось, господа! Честный Яго, от огорчений ты выглядишь мертвецом. Скажи, кто это начал? Во имя твоей любви ко мне, приказываю тебе!

Ўзбекча таржимаси:

Хўш Отелло, нима гап, қандай қилиб бу жанжал чиқди?
Биз туркларми, иккита дўст шундай олишса?
Қачон берди кўк тангриси бунга ижозат?

Ваҳший жанжал йўқотилсин! Сиз христиан!

Ким қутирган ғзабини дарров ютмаса

Бу дунёда яшамайди, қимирлаш-ўлим,

Бу даҳшатли кўнғироқни тўхтатинг тезда

Ваҳимага солур бутрун қабри отасин.

Хўш нима гап, нима жанжал?

Сен айт-чи, Яго нима учун мурда қаби бўзариб кетдинг?

Билмоқчиман ким бошлади, бу ишни аввал?

Шекспирнинг шеърий асарлар таржимаси шундай мураккаб санъатки, бу таржимондан фақат тилларни билишнигина эмас, балки, Буюк Британия тарихи, аллолхус, Шекспир даври тарихи, ўша давр иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳамда театрлари хусусиятидан яхши хабардор бўлиши ҳамдир.

Бундан ташқари Шекспир даҳосининг бадиий тафаккур оламга кириб бориши имконини берадиган моҳир шеър соҳиби ва юксак таржимонлик маҳоратига эга бўлишни талаб қилади.

Юқорида келтирилган таржимадан кўриниб турибдики, ўзбек шоири Гафур Ғуломнинг шеърий фаҳми буюк инглиз сўз устаси Шекспирнинг шеърий руҳига яқин ва ҳамоҳангдир.

Маълумки, бош қаҳрамон образи асарида бирмунча бўрттирилади, ўзгача услубда тасвирланади. Таржимон ҳам айнаи замонда ўша асосий образни ёрқин тасвирлай олган.

Насрий асар таржимасига қараганда назмий асарни бир тилдан иккинчи тилга ўғирганда катта қийинчиликга дуч келинади. Зеро насрий асарда бош қаҳрамон ёки ундаги воқеалар муаллифни ўзи ёки бошқа персонажлар тилидан ҳикоя қилиниши мумкин, аммо шеъриятда бундай қилишнинг иложи йўқ.

Ҳаммага равшанки, ҳар қандай бадиий асарда тасвирланаётган воқеалар марказида инсон туради.

Муаллиф муайян образ(тимсол)ни рўёбга чиқаришга интиларкан, ўша образни унинг ўзига хос характери(тийнати) ёки бошқаларникидан фарқ қиладиган хусусиятлари билан яратади. Бинобарин, таржимоннинг вазифаси муаллиф яратган образнинг яхлитлиги ва баркамоллигини, унинг характернинг “жонлилиги”ни мукаммал акс эттиришдан иборат.

Таржимон тасвирланаётган образнинг нутқи, шакли-шамоили, характерини, унинг бошқа персонажлар билан ўзаро муомала ва муносабатларини, у яшаб турган муҳитни ва ўша образга муаллифнинг тўғри акс эттириш воситаси орқали таржимада образнинг бадий жиҳатдан мукамаллигини таъминлай олади.

Таржимон бадий асар муаллифи яратган характернинг белгилари, уларнинг улуғвор ёхуд тубан мақсадларини акс эттирадиган, муққадас ёки жирканч ниятлардан дарак берадими барибир образга хос бўлган барча тафсилотларни тўла тўқис тиклаш шарт.

Бадий образнинг ҳатто бирор “арзимас” хусусиятни ташлаб кетиш ёки йўқотиш унинг нотўғри талқин қилиниши, сохта тасвирланишига сабаб бўлиши мункин.

Таржимон образни уни ўраб турган муҳит ичида олиб қарайди ва ўша муҳит тараннум этилади. Таржимон асарни ўз она тилига ўгиришга киришишдан аввал образларнинг ўзига хос хусусиятларини чуқур ўрганади ва таҳлил қилади.

Ғ.Ғулом ўз таржимасида Шекспир қаҳрамонларининг ҳақиқий баркамоллиги ва бадий мукамаллигини моҳирона қайта тиклай олган, натижада таржимада образлар жонли чиққан, ҳаёт зиддиятларига мувофиқ тарзда кишиларнинг ички дунёсида ўзгаришлар рўй берганлиги яққол кўзга ташланади.

Отелло образини таржимада қайта яратиш шартларидан бири-трагедиянинг умумий манзарасани тўғри акс эттиришдан иборат, бу эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги доимий кураш шаклида амалга оширилган. Трагедияда тасвирланган манфурлик ёвуз Ягонинг инсон ақл

идрокини танг аҳволга соладиган даражада пасткашлик билан қилган иккиюзламачилигида ўз аксини топган.

Шекспир “Отелло” асарида келгинди, бунинг устига, ўз синфий аҳволи билан ҳам бўлган киши билан ёвуз зодагонлар жамиятига мансуб тўда ўртасида шиддатли тўқнашув аниқ-тиниқ кўрсатилган. Шу боисдан мавр(араб қавмига мансуб одам)нинг ранги иркий норозилик белгиси эмас, балки инсоният норозилиги белгиси ҳамдир. “Отелло” трагедиясида акс эттирилган муаммо янада ўткир тус олган, алангаланган.

Ғ.Ғулом таржимасида Отеллони қай аҳволда кўрамиз? Трагедиянинг бошидаёқ Яго Отеллонинг ҳар бир ҳаракатига нафрат билан қарайди, у кишилар онгида Отеллога нисбатан норозилик туғдиришга ҳаракат қилса-да, лекин Отелло кўз ўнгимизда юксак маданиятли, жисман кучли, доно саркарда, мард инсон қиёфасида гавдаланади, ўз севгилиси Дездемонага чексиз садоқатли, вафоли ёр сифатида намоён бўлади.

Отеллога қарши чиқишга қарор қилган бўлса-да, ўз ниятининг нақадар хатарли эканлигини қуйидагича баён этади:

Унга қарши чиқиш қўрқинч, андишали иш,
Бошлиғимга қарши бориш, биламан сенат
Отеллони бўшатишга ботина олмас,
Битта танбех беражакдур, шунинг ўзи бас;
Тез орада бошланажак Қибрис жанги-да,
Кўп жонларнинг соғлиги учун у жуда керак.
Сенатда-чи, бу иш учун тенгдош йўқ,
Шунинг учун тирикликнинг сиқиғи билан
Гарчи менга у жаҳаннам оловича бор,
Лекин билинг фақатгина бу бир ишорат.

Ягонинг ушбу монологидан кўриниб турибдики, гарчи Отеллони кўргани кўзи бўлмаса-да, унинг жасоратли, тенгсиз довюрак, тадбиркор саркарда эканлигини эътироф этишга мажбур.

Отеллонинг фазилатларини Дездемона шундай таърифлайди.

Қалбим билан олқишлайман, зўрлигин, кучин,
Отеллонинг қалби эса мана юз, кўзи;
Тақдиримни, юрагимни бағишлаганман
Унинг шон-у шарафига жасоратига.

Дездемона Отеллога нисбатан ўзининг юрак ҳислари ва оташин севгисини яширмйди, Отеллога бўлган муҳаббати ҳақида гапирар экан, сенат қаршисида у ўша улуғ зот билан никоҳини отаси билан онасининг никоҳига қиёс қилди.

Отажоним,
Қаршимдаги вазифам икки:
Сизга боғлар мени ҳаёт ҳамда тарбиям!
Шу ҳаётнинг, тарбиянинг ўзи ҳам сизга
Чуқур ҳурмат сақламоқни менга ўргатди
Сизга қизмен, демак сизга ҳамиша қарздор
Бироқ ёддан чиқармангки бу менинг эрим,
Онам сизни отасидан ортиқ кўргандай,
Эрим маврни ортиқ кўриш менинг вазифам.

Ўзбекча таржиманинг афзаллиги асарни М.Лозинский рус тилига қилган таржимаси билан таққослаганда ҳам яққол кўзга ташланади. Масалан:

М.Лозинский таржимаси:
Вот мой муж. Как мать моя однажды
Сменила долг перед своим отцом
На долг перед вами, так и я отныне
Паслушна мавру, мужу моему.

Ғ.Ғулом юқоридаги тўрт мисрани ҳақиқий шоир ва таржимон сифатида икки мисра билан тўлиқ бера олган.

Онам сизни отасидан ортиқ кўргандай,
Эрим маврни ортиқ кўриш менинг вазифам.

Ғ.Ғулом таржимаси асл нусхага монандлиги, Шекспирнинг фикри, Дездемона садоқатига ҳос фидойилик тўғри акс эттирилиши жиҳатидан ҳийла устундир.

Асарнинг ўзбекча таржимасида “Отелло” трагедияси образлар ўзларининг Шекспир яратган характери ни тўлиқ сақлаган. Ўзбек таржимони Отеллонинг ички дунёсини очиб беришга муваффақ бўлган, унинг табиатидаги барча хусусиятлар таржимада ишонарли тарзда очиб берилган.

Отелло трагедиясининг бошидаёқ ўзининг ҳақ эканлигига ишончи комил бўлган босиқ, улуғвор киши сифатида намоён бўлди. Шу сабабдан Дездемонанинг отаси Брабанцио Отеллони жиддий айблаганида ҳам у ўзини вазмин ва муносиб тутди. Отеллонинг қуйидаги нутқи буни тўлиқ исботлайди.

Эй мухтарам синъёрлар, олийжаноблар,
Менинг ғоят арзийтурган афандиларим!
Мен бу чолнинг қизин олиб кетганим тўғри
Шу ҳам чинки, аллақачон унга уйландим.
Шу ердадир чолга берган озорларимнинг
Чўққиси ҳам, тамоми ҳам.

Шоир Ғ.Ғулом Шекспир даври тарихини яхши ўрганган, асарни ўзбек тилига ўгиришда унинг шоирлик ва таржимонлик қобилияти, она тилини чуқур билиши унга жуда қўл келган. Ғ.Ғулом трагедиясининг бошидаёқ Отелло нутқининг сокин, бир маромдаги тарзини, шеърый жарангдорлигини пухта акс эттира олганлиги диққатга сазовордир.

Отелло:

Қиз отаси мени севар, чақирар эди.
Ҳаётимдан сўрар эди доим қиссалар
Ҳамма жанг-у жадал, қамал, ҳарбни йилма-йил,
Саргузаштлар сўйлар эдим....
Ёшлигимдан шу дамгача айшу офат

Қилар эдим соатларча унга ҳикоят.
Сўйлар эдим ҳалокатли воқеаларни,
Ерда, сувда кўрган барча укубатларни.
Қандай чиқдим нақ ўлимнинг зўр панжасидан,
Қандай қилиб омонсиз ёв қилолди асир.
Ва қул қилиб сотгандан сўнг қандай қутулдим,
Сўнг айлардим қанча ерни кездим дарбадар.
Рўпарамдан чиққан ғорлар, сувсиз саҳролар,
Кўкни ўтган юксак тоғлар, ваҳший қоялар,
Ҳаммасини сўйлар эдим мен бошдан оёқ.

Юқоридаги монологда ҳикоя, баён қилиниш тарзининг бир меъёردа давом этиши Отеллонинг довюрак, аммо вазмин табиат киши эканлиги, ўз ҳаётида жуда кўп мушкулликларни бошидан кечирганлиги, босиқ табиатли киши бўлганлигидан далолат беради.

Лекин шуни таъкидлаш керакки, гоҳо асарнинг асл нусхаси билан ўзбекча шеърий таржима ўртасида айрим номувофиқликлар, тафовутлар кўзга ташланади, бундай ҳоллар образнинг қиёфасини бирмунча ўзгартириб юборади.

Ҳар бир халқнинг фақат ўзигагина хос миллий хусусиятлари билан боғлиқ шундай тушунчалар борки, уларни таржимада акс эттириш анча қийин.

Отелло бир монологда Дездемонани қандай қилиб ўзига ром этганини ҳикоя қилгани-да, охири quydagi so'zlar bilan yakun yasadi.

She loved me for the J had pass'd
And J loved her that she did pity them.

Борис Постернак шу икки мисрани қуйидагича ўгирган:

Она меня за муки любила,
А я ее за сострадание к ним.

Юқоридаги мисралар рус тилига жуда чиройли таржима қилинган, улар ҳикматли гапга айланиб кетган, аммо ўзбекча таржимаси унча яхши чиқмаган.

Жафоларим ҳурматичун у мени севди,
Мен ҳам севдим унинг меҳру оқибатига.

Асарнинг бош қаҳрамони Отелло образини таржимада бадий жихатдан мукамал тарзда қайта яратиш учун таржимон унинг нутқида хос барча хусусиятларни тўлалигича акс эттириши шарт. Акс ҳолда аслиятда мавжуд бўлган баъзи бир тавсилларни таржимада ташлаб кетиш ёки ўзгартириб бериш образнинг қиёфасини ўзгартириб ёки бутунлай бузиб юбориши табиий.

Асарнинг бошдан маълумки, Отелло ҳаммага ишонадиган, самимий, оққўнгил киши сифатида намоён бўлди. У Яғони ҳам ҳалол, садоқатли ва софдил киши деб билди. Ғ.Ғулом Отелло тилидан Ягога қарата ишлатилган “содиқ” (русчада “честный”) сўзини “азизим” сўзи билан алмаштирган. “Азизим Яго сенга ортиқ топшираман Дездемонани...” Ваҳолангки, Отелло Яғони ҳалол киши деб билгани, бунга имони комил бўлгани учун унга нисбатан “содиқ” ташбеҳини ишлатади, таржимада буни бошқа сўз билан алмаштириш ўринли эмас эди, албатта. Шу боисдан Отелло табиатдаги ишонувчанлик хусусиятига яна бир карра лат (зарар) етказилган.

Ғ.Ғулом моҳир таржимон сифатида жаҳон классик адабиётида такрорланмас образлардан бири ҳисобланган Отеллонинг ёрқин образини катта санъаткорлик билан ўзбек тилида қайта яратишга муваффақ бўлди.

3.3.Жамол Камол ва Ғофур Ғулом таржималарининг ўзаро қиёсий таҳлили

Машҳур ёзувчи, шоир ва таржимонларнинг фаолиятини кузатар эканмиз, беихтиёр уларнинг яратган санъат асарларига тан бермасдан иложимиз йўқ. Икки таржимон ҳам ўз таржима усулига таянган ҳолда адабиётшуносликда мушкул саналувчи шеърини таржимани ўзбекона руҳда

кайта яратишга ҳаракат қилишган ва бунинг уддасидан чиқишган десак мақсадга мувофиқ бўлади. “Наср таржимони аслият қули, шеърият таржимони – рақибидир” деган эди Жуковский. [33.59 б.]

Таржима асарларни қиёсий таҳлил асосида ўрганиш таржимачиликнинг бунданда юксалишига туртки бўлиши сир эмас. Қуйида икки таржимоннинг таржимонлик борасидаги қарашларини солиштириб кўрар эканмиз, бадиий адабиётда бевосита ва билвосита таржиманинг аҳамияти ҳам ўз-ўзидан маълум бўла бошлайди. Шекспирнинг “Отелло” асарида тасвирланган қуйидаги шеърий жумлани олайлик:

Reputation, reputation, reputation! O, I have lost my
reputation! I have lost the immortal part of myself, and what
remains is bestial. My reputation, Iago, my reputation!

—Cassio, act II, scene III

Обрўйим тўкилди, обрўйим! О, мен обрўйимдан жудо бўлдим!
Борлиғимнинг боқий қисми кетиб ҳайвоний қисми қолди, холос.
Обрўйим, Яго, обрўйим!...

-Кассио, II парда, III сахна-214

Ушбу шеърий жумлани Ж.Камол маромига етказиб таржима қилишга эришган. Чунки шеърий таржимада бундай кучли эҳтиросли шеърий ҳиссиётни адекват ҳолатда ифодалашнинг ўзи бўлмайди.

IAGO. Marry, to—Come, captain, will you go? (p.19)

Ушбу парчани икки шоир икки хил усул билан таржима қилган.

Наҳотки, сиз.... жўнадикми, генерал? (Ж.К-166 б.)

Ж.Камол асар мазмунидан, қолаверса Ягонинг тилидан келиб чиққан ҳолда таржима қилишга уринган. Унинг таржимасидан Яго Отеллога ҳамдард эканлиги ва у билан бирга эканлигини англатиб қўймоқчи эканлигини пайқаш қийин эмас.

Онт ичаман....Кетасизми, шонли генерал? (Ғ.Ғ-67 б.)

Ғ.Ғулом таржимасида эса келтирилган асар сюжетиға суянган ҳолда таржима яратилган. Парча тўғридан тўғри таржима қилиниб қатъийлик унинг гапларида мужассам эканлиги маълум. Аммо Ж.Камол таржимаси адекват таржимаға анча яқин. Ғ.Ғуломда сўзнинг қатъийлашиши ва “онт ичаман” каби жумланинг сўзга қўшилиши асарни бевосита эмас воситачи тил орқали амалға оширилганлигидадир.

RODERIGO. Signior, it is the Moor. (p.19)

Мана, ҳозир! (Ж.К-167 б.)

Синъорим, мана араб! (Ғ.Ғ-68 б.)

Ушбу парча таржимасида Ж.Камол таржимаси асл нусхадан сал йироқлашгандек. Уни бошқа парчалар қатори ўқилсагина маъносини англаб етиш мумкин, аммо Ғ.Ғулом таржимани айнан тўғри ифодалашға эришган.

OTHELLO. Keep up your **bright** swords, for the **dew**
will rust them. Good signior, you shall more command with years
Than with your weapons.(p.19)

Ҳой, шу **олмос** қиличларни қинга жойланг,

Тағин **шабнам** қўниб, занглаб қолмасин улар.

Бизга таъсир этадиган қуролингизмас,

Шу табаррук ёшингиздур, мухтарам синъор. (Ж.К-167 б.)

Порлоқ қиличларни яна қинга беркитинг,

Йўқса **шабнам** занглатажак ўткир тиғини

Шонли синъор, шунча қурол-яроғ йиғини

Сизнинг кекса ёшингиздан қимматли эмас. (Ғ.Ғ-68 б.)

Ушбу таржималарда Ж.Камол “**bright** swords” ни олмос қиличлар, Ғ.Ғулом эса порлоқ қиличлар дея таржима қилган. Мазмун жиҳатдан таҳлил қилганда қиличнинг порлоқ бўлиши ҳақиқатға яқин эмас, олмос қилич дейилганда сўз ҳақиқатдан йироқлашган бўлса-да, унинг ялтироқлигини ифодалашға асос бўла олади. Икки шоир ҳам “**dew**” сўзини адекват таржима қилган.

[To BRABANTIO]

And, noble signior,

If virtue no delighted beauty lack,⁸⁸

Your son-in-law is far more fair than black.(p.37)

Менга каранг, мухтарам синъор,

Олийжаноблик белгиси хуснмас мутлоқ,

Куёвингиз қора эмас, **гавҳардек порлоқ** (Ж.К-181 б.)

Шонли синъор,

Жасоратнинг гўзаллигин ҳеч ким ололмас,

Қора эмас-куёвингиз **порлоқ бир олмос**. (Ғ.Ғ-81 б.)

Ушбу парчани таржима қилишда икки шоир-таржимоннинг фикри ҳам бир жойдан чиққан. Фақат Ж.Камол таржимасида бадий шеърятнинг бўйқдорлик ҳисси уфуриб турибди.

DESDEMONA. Be thou assured, good Cassio, I will do

All my abilities in thy behalf. (p.93)

Ҳа, ишонинг, мен **сиз** учун бутун аъмолим

Ва кучимни сарф этаман, азиз Кассио (Ж.К-224 б.)

Ишона бер, бутун кучим, эпчиллигимни

Сенинг учун ишлатаман, азиз Кассио (Ғ.Ғ-82 б.)

Бу парчада Ғ.Ғуломнинг билвосита рус тилидан таржима қилганлигини яққол сезиш мумкин. Ғ.Ғулом таржимага ўзгача ўзбеконалик руҳини сингдирмаган ҳолда таржима қилган. Ж.Камол таржимасида эса бу фикримизнинг аксини кузатиш мумкин. Ўзбек миллатида аёл киши эркак кишига мурожаат этганда беихтиёр “сиз” дея мурожаат қилади. Ж.Камол мана шу руҳиятни ўзбек таржимасида ифодалашга эришган.

CASSIO. Bounteous madam,

Whatever shall become of Michael Cassio,

He's never any thing but your **true servant**. (p.93)

Мунаввар бекам,

Ҳаётда не бўлмасин, Микель Кассио,

Сизга **содик навкар** бўлиб қолади ҳар дам. (Ж.К.-224 б.)

Оҳ, маликам!

Кассионинг ҳаётида не учраса ҳам,

Сизга **содик банда** бўлиб қолур ҳамма вақт. (Ғ.Ғ.-82 б.)

Ушбу таржима вариантларида “**true servant**” сўз бирикмасининг “содик навкар” ва “содик банда” каби муқобиллари билан алмаштирилганини кўришимиз мумкин. “Содик банда” дея таржима қилиши озгина тушунмовчилик келиб чиқишига сабаб бўлган. “Банда” деб келтирилиши Кассионинг Дездемонага сиғиниш даражасига олиб келиб кўяди. Ж.Камол эса давр талабларини инобатга олган ҳолда “навкар” дея таржима қилган. Маълумки, ўша даврда барча аслзода, киборли хонимларнинг аскарлари, кўрикчилари бўлган. Мана шу таржима варианты ҳақиқатга яқинроқдир.

I do believe 'twas he. (p.95)

Ким экан у? (Ж.К.-226 б.)

Келган умиди? (Ғ.Ғ.-85 б.)

Ушбу вазиятда Ж.Камол қилган таржимасида ким келганлигига эътибор бермаган ҳолда сўраш ҳолатини кузатиш мумкин. Аслий таржима билан қиёслаганда таржима озгина узоқлашгандай. Аммо Ғ.Ғулом таржимасидааслият руҳига мос қатъийлик ҳукмрон.

DESDEMONA. Why, your lieutenant, Cassio. Good my

lord, If I have any grace or power to move you,

His present reconciliation take;

For if he be not one that truly loves you,

That errs in ignorance and not in cunning,

I have no judgment in an honest face:

I prithee, call him back. (p.95)

Кассио у, лейтенантингиз.

Қаршингизда эътиборим бори эса зарра,

Ўтинаман, сиз у билан дарҳол ярашинг.

Ё у ўзи сезмай, бирдан янглишиб қўйган-

Аммо сизга садоқати баланд бир кимса;

Ё мен ҳалол кишиларни таниёлмай ман,

Бегим, қайтиб олинг уни вазифасига. (Ж.К.-226 б.)

Келган эди, шундай ғамгин, билсанг азизим.

Ўз қайғусин бир қисмини менга сўйлади,

Кўп ачиндим, қайтар, жоним, вазифасига. (Ғ.Ғ.-85 б.)

Ушбу таржимада Ғ.Ғулом таржимасида Дездемонанинг Отеллога нисбатан мурожаатида буйруқнамолик кучлироқ ифодаланган. Ушбу буюриш оҳанги илтижо, ўтинч каби маъноларни емириб юборган. Ж.Камол таржимасида эса ушбу ёлвориш оҳангидан сўнг Отеллонинг унинг айтгани қилмасдан ўзга иложиси қолмаслигини тушуниш қийин эмас.

OTHELLO. The sooner, sweet, for you.(p.97)

Шу яқин орада, фақат сен учун, жоним. (Ж.К.-227 б.)

Мумкин қадар тезлатаман сиз учун, жоним. (Ғ.Ғ.-86 б.)

Бу ўринда икки таржимон икки хил таржима йўналишини танлаган.

Ж.Камол таржимасида эр ўз рафиқасига муамаласи тасвирланган бўлса, Ғ.Ғулом таржимасида севишганлар, яъни Отелло ўз суюқлисига ҳурмат ила қилаётган мурожаати тасвирланган.

OTHELLO. I will deny thee nothing:

Whereon, I do beseech thee, grant me this,

To leave me but a little to myself. (p.97)

Не истасанг , сўра жоним, йўқ деёлмайман,

Ўтинаман, энди мени бирпас ҳоли қўй. (Ж.К.-229 б.)

Қайтармайман, дедим, ахир, истагингни мен

Энди сен ҳам қайтармагил илтимосимни.

Озгина вақт мени бунда ёлғиз қўйиб тур. (Ғ.Ғ.-87 б.)

Бу ўринда эса Ғ.Ғулом таржимасида Отеллонинг суюқлисига бўлган мурожаати “сиз” ҳолати ўрнини “сен” ҳолати эгаллаганини кўриш мумкин.

III боб бўйича хулоса

Қиёсий таҳлиллар шуни кўрсатадики, таржима вариантларни солиштириб ўрганиш таржимадаги қусур ва камчиликларни бартараф этишга ёрдам беради.

Маданий тафовутлар туфайли муайян шахс табиатига берилаётган айнан бир хил тавсиф муайян тил соҳиблари томонидан ижобий идрок қилинса, бошқа тил соҳиблари томонидан салбий қабул қилинади. Шундай экан, асар сўзма-сўз таржима қилинса, баъзан, муаллифнинг ўз қаҳрамонига бўлган муносабатини бузиб кўрсатиб қўйиш мумкин. Таъбир жоиз бўлса шуни айтишим керакки, мисол учун, рус забон киши муайян фикр юритиб, сўз ёки жумла айтиб (ёзиб, ўқиб) қандай тасаввурга эга бўлса, ушбу фикр, сўз ёки жумланинг ўзбек тилига таржимаси – ўзбек тилида фикр юритувчи шахснинг ҳам худди шундай тасаввурга эга бўлишига олиб келиши шартдир. Бунда сўзни эмас, балки унинг маъносини таржима қилиш керак. Бу борада илоҳиёт намояндаси, Библия таржимони Иероним айтган экан: «Таржимада мен сўзни сўзга эмас, ғояни ғояга олиб ўтаман».[33.60б.]

Умуман маданий тафовутлар бадий адабиёт таржимони олдида ҳал этиш мушкул кечадиган муаммолар қўяди. Расмий меъёр, одат ва удумлар ҳақида умумий тасаввурга эга бўлсак ҳам (айтайлик эркак киши черковга кираётганида бош кийимини, мачитга кираётганида эса оёқ кийимини ечибкиришини ҳаммамиз биламиз), ҳис-туйғу ва ахлоқ-одоб борасидаги тафовутлар ҳақида кўп ҳолларда мулоҳаза ҳам юритмаймиз. Табиатан вазмин саналадиган инглизларнинг ҳаддан ташқари жаҳлини чиқарадиган сўзлар туйғуси туғён урадиган итальянлар учун дўстона тавсифдай кўриниши мумкин. Рус аёлини қувонтирадиган бежамадор хушомад америкалик аёлнинг иззат-нафсига тегиши, Саудия Арабистонида эса аёл кишига бундай сўзларни айтган киши қамоққа олиниши мумкин. Валерий

Афонченконинг: «Бир мамлакат тилини бошқа мамлакат тилига аниқ таржима қилиш, уларнинг валюталарини конвертация қилишдек мушкул кечади», - деб айтган сўзлари беихтиёр ёдга тушади.

Сўкиш ва ҳақоратларни сўзма-сўз таржима қилиш ҳам беҳуда ишдир. Бунда, сўкаётган кишининг ҳис-туйғусини тушуниб етиш ва бошқа тилда қўлланиладиган ўхшаш ифодани топа билиш муҳим.

Пировардида айтиш мумкинки, таржимон учун энг муҳими – икки маданият туташган жойдаги ҳаётдир. Ўз фаолияти давомида турли маданиятларнинг ўзига хос жиҳатлари билан муттасил тўқнаш келар экан, таржимон, ушбу маданиятлардаги тафовутларни аниқ тасаввур этиши, бир маданият вакилларида олинган ахборотни бошқа маданият соҳибларига максимал аниқ етказа олиши шарт. Таржимон касбининг ўзига хос хусусияти ҳам айни шундан иборатдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида қабул қилинган қоидаларга кўра ҳар бир тилга тегишли тил соҳиби таржима қилиши лозим. Яъни хитой тилига – хитой таржимони, француз тилига француз таржимон таржима қилади.

Бу қоидаларни ўйлаб топган киши жиддий асосга эга бўлган. Гап шундаки, чет тилидан она тилига таржима қилиш билан она тилидан чет тилига таржима қилиш ўртасида жуда катта фарқ бор. Чет тилига ўгириш мобайнида чет тилида ўйлашга тўғри келади. Чет тилига таржима қилиш она тилига ўгиришга нисбатан қийин кечишининг сабаблари қуйида санаб ўтилган:

а) чет тилига таржима қилаётган таржимон фақат ўзи биладиган сўзларнинг актив захирасидан, она тилига таржима қилаётганида эса бундан ташқари пассив тил бойлигидан (яъни, ўзи қўлламаса ҳам бегона нутқда таниб, тушуниб оладиган сўзлардан) фойдалана олади. Ҳар қандай кишида актив сўз бойлиги пассив сўз бойлигига нисбатан камроқ бўлади. Шунинг учун у тез-тез луғат варақлашга мажбур бўлади;

б) ўзбек тилининг айнан бир грамматик конструкцияси ёки сўзини чет тилининг бир нечта конструкциялар (сўзлар) варианты билан етказиш мумкин. Она тилига таржима қилинаётганида эса зарурий конструкциялар ёки кўпроқ тўғри келадиган маънодош сўзлар танлови ўзбек таржимони онгида автоматик равишда рўй беради. Таржиманинг яна шундай жиҳати борки, у ҳам бўлса чет тилига таржима қилаётганда маънодошлар ўртасидаги нозик тафовутларни, у ёки бу оборотлар қўлланилишининг чегараларини аниқ билиш шарт. Бунга эса муттасил эришилмайди;

в) аксарият таржимонлар лотин имлосида ёзишга қийналадилар (айниқса французларникига ўхшаш модификация қилинган имло бўлса). Натижада чет тилига таржима нисбатан суст кечади. Бундан ташқари чет тилига 100% адекват таржимани баъзан фақат тил соҳибигина бажара олади холос. Ёхуд, идеал¹⁴ ҳолатни оладиган бўлсак, таржимон кўп йиллар тил соҳиблари билан муттасил ишлаган, тегишли мамлакатда (тил муҳитида) яшаб келган, ўша тилда ўйлайдиган, туш кўрадиган бўлиши лозим, шундагина унинг таржимаси тўла-тўқис адекват деб эътироф этилиши мумкин.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримовнинг миллий мафкура, маънавият ва маданий кадриятларга доир асарлари мазкур илмий ишнинг методологик асосини ташкил қилган ҳолда, матншунослик таржима тарихи ва назариясига оид тадқиқотга назарий манба сифатида асос солинди. Илмий иш А.Д. Швейцер, Д.Дюришин, Р. Белл, Ҳ. Уайлд, Н.В. Владимирова, Ж.Шарипов, И. Султонов, А. Ҳожирахмедов, С. Мирзаев каби чет эл ҳамда ўзбек таржимашунос ва матншунослари Жамол Камол ва Ғофур Ғуломларнинг таржима асарларига суянган ҳолда бажарилди. Ҳофиз Шерозий, В. Шекспир, асарлари бадиий шаклларнинг генетик асослари ва ўзига хос табиатини ўрганишга имкон берди. Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, ишда қиёсий таҳлил методидан фойдаланилди. И ва ИИ бобларни ёзиш жараёнида еса қиёсий таҳлил билан бир қаторда услубий тажриба усули ҳам қўлланилди. Бу усул жаҳон адабёҳшунослигида кенг тарқалган бўлиб, ўзбек таржимашунослигида бир неча марта тадбиқ этилган. Услубий тажриба усули тадқиқотчининг нафақат назариячи, балки амалиётчи ҳам бўлишини, ўз назарий қарашларини амалда синаб текшира олишини тақозо этади, таржима тили имкониятларини қидириш ва очиб беришга кўмаклашади.

Илмий ишда бевосита инглиз мумтоз ёзувчиси В. Шекспирнинг 33 сонети Мақсуд Шайхзода таржимасида инглиз таржималари таҳлил қилинди. Шунингдек, инглиз – ўзбек матн тузилишлари ўртасидаги формал ҳамда функционал мутаносибликларни ўрганиш мақсадида инглиз, америка ва ўзбек ёзувчиларининг қатор асосий матнлари текширилди, ўзаро чоғиштирилди.

Мазкур ишда ўзбек адабиётларидан инглиз тилига бадиий таржима масалаларининг умумназарий ва хусусий жиҳатлари, таржима матнини аслиятга яқинлаштириш имкониятлари, бу соҳадаги ютуқлар ва камчиликлар, уларнинг сабаблари биринчи марта махсус тадқиқ этилди.

Услубий воситаларга бадиий матн бирлиги сифатида янгича ёндашилиб улардаги умумий ўзгаришлар бошқа омиллар қатори матн тузилиши билан ҳам боғлаб тасниф этилди.

XX асрда ўзбек таржимонлари Шарқ адиблари асарлари билан бир қаторда Ғарб ёзувчилари ва шоирлари ижодига ҳам катта еътибор билан қарадилар. Жумладан, инглиззабон халқлар адабиётидан ўзбек тилига таржима қилиш XX асрнинг бошларида бошланиб кейинчалик тез суратлар билан тараққий этди.

Аммо, ўзбек адабиётини инглиз тилидаги ўғирмаларнинг чораги ҳам ҳозиргача таржимашунослик бўйича ёзилган илмий ишларига манба сифатида жалб етилмаган еди. Илмий иш олдига қўйилган мақсад ҳамда вазифаларга кўра, В. Шекспир “Отелло”сининг бевосита янги ва аввалги-бавосита таржималари ўзаро чоғиштирилди, ғоя ва объектив мазмуннинг қаҳрамон характерида мужассамланиши, тасвирий воситалар ҳамда бадиий шаклни таржимада қайта тиклаш масалалари яхлит ҳолда тадқиқ қилинди; қиёсий таҳлил ва услубий тажриба методлари ёрдамида инглиз- америка миллий шериятларигагина хос бўлган турларининг ўзбек тилида қайта яратилиши йўллари қидирилиб , ўзига хос усуллар аниқланди.

Илмий иш мавзусини тўла очиш мақсадида Жамол Камол ва Ғофур Ғуломларнинг “Отелло” асарлари таржималари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва таҳлилимиз шуни кўрсатдики, таржиманинг инглиз тилидаги вариантида асар кўпроқ таъсирчанликка эга.

Таҳлил натижасида шундай хулосага келдикки асарнинг инглиз тилидаги варианты унинг рус ва ўзбек тилидаги нусхасидан фақланади. Жамол Камол тили билан ифодааланган кўпгина сўзларнинг таъсирчанлиги ва шираси инглиз тилидаги вариантига монанд таржима қилинган. Бизнинг фикримизча, навбатма-навбат берилган таржимада Шекспир сўзининг кучи, таъсири ва чиройи яққол кўриниб турибди. Биз Белинскийнинг “таржимон бадииятни юраги билан ҳис қилиши лозим”, деган фикрига қўшилмаймиз. Таржима жараёнида юрак билан бирга тўғри танлаб

олинган айнан ўша сўз жуда муҳимдир. Шундай экан, демак ҳар қандай тилдаги шеърӣ мисраларни ўғирганда маъно кўчиши ёки умуман йўқолишига олиб келар экан.

Илмӣ ишинг хулосалари ва умумлашмалари таржимашуносликнинг инглиз тилидан ўзбек тилига бадий таржима ҳамда қиёсий матншунослик соҳаларини муайян даражада бойитиши, келгусида бу соҳалар бўйича, ёзиладиган кўпгина магистрлик ишларга замин таёрлаши билан белгиланади. Тадқиқот натижалари ва хулосаларидан олий ўқув юртлари филология факултетларида таржимашунослик, услубшунослик, адабиёт назарияси, жаҳон адабиёти фанларини ўқитиш, маърузалар ўқиш ҳамда амалий машғулотлар ўтказишда кенг фойдаланиш мумкин. Ана шуларнинг барчаси илмӣ ишнинг амалий аҳамиятини ташкил этади.

Мазкур илмӣ иш инглиз тили дурдонаси ҳисобланмиш “Отелло” асарининг ўзбек тилига бевосита, тўғридан-тўғри ҳамда бавосита воситачи тил орқали таржима қилинган вариантлари билан қиёслаш, миллий ҳамда ўзлашган сўзларнинг асл маъно-мазмунини ўзбек тилига ўтказиб бериш, таржима қилиш, тушинтириб беришни белгилаб беради. Илмӣ ишнинг мақсади инглиз адабиётиги Шекспирона сўзларни биз яъни ўзбек тилида сўзлашувчилар қандай тушунса, худди шундай маънони изоҳлаш йўли билан етказиб беришдан иборат эди. Ўзлаштира сўзларнинг кириб келиши тилни бойитиб боради. Ўзбек тилидаги миллий атамалар ҳам инглиз тилига кириб у тилни бойитади. Чунки атамалар таржима қилинмасдан, балки изоҳ бериб тушунтирилади. Бу каби бевосита ва билвосита таржималарнинг амалга оширилиши ўзбек адабиётини инглиз адабиёти билан таништирибгина қолмай, тиллар ўртасида мустаҳкам кўприк яратиш, тилни бойитиш масалаларини ҳам олға суради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Президент асарлари:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008. 68 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавиятсиз келажак йўқ. 5-жилд. Тошкент, Ўзбекистон, 1997. 145-150 бб.
3. Каримов И.А. Адолат ва кудрат тимсоли. 5-жилд. Тошкент, Ўзбекистон, 1997. 179-180 бб.
4. Каримов И.А. Амир Темур — фахримиз, ғуруримиз. 5-жилд. Тошкент, Ўзбекистон, 1997. 181-190 бб.
5. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. 7-жилд. Тошкент, Ўзбекистон, 1999. 84-102 бб.
6. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 7-жилд. Тошкент, Ўзбекистон, 1999. 132-154 бб.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият-жамият тараққиётининг асоси. 7-жилд, Тошкент, Ўзбекистон, 1999. 223-235 бб.
8. Каримов И.А. Хушёрликка даъват. 8-жилд. Тошкент, Ўзбекистон, 2000. 18-31 бб.
9. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. 13-жилд. Тошкент, Ўзбекистон, 2005. 133-154 бб.
10. Каримов И.А. Инсон хотираси-муқаддас, инсон қадри - улуғ. 14-жилд, Тошкент, Ўзбекистон, 2006. 213-221 бб.

Асосий адабиётлар:

11. Аникет А. Шекспир. Ремесло драматурга. Москва, Советский писатель, 1974 й. 132-134 бб.
12. Алимов Х.М. Бадиий таржима психологияси. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1987 й. 76 б.
13. Аникет А. Трагедия Шекспира “Гамлет”, М. “Просвещение”, 1966 й. 48-52 бб.

14. Аъзам Аюб таржимаси ҳам нашр қилинмаган.
15. В.Т.Белинский полное собрание сочин. Том1, М, 1953г.
16. Беркнер С.С. Драматургическая проза Шекспира и разговорный язык. – «Теория и практика лингв. Описания разговорной речи», Горький, 1976, Вып. 7. – С. 47-49.
17. Бочоришвили Н.К. О пародировании приемов риторики в речи шекспировских персонажей // Сб. науч. тр. / Ташк. гос. ун-т, 1980, № 620. – С. 98-102.
18. Бочоришвили Н.К. Слово о риторических приемах Шекспира: Автореф. дис. ... канд. филол. наук/ МГУ. – М., 1982. – 16с.
19. Бочоришвили Н.К. Парономация в пьесах Шекспира // Вопросы германского языкознания. – М., 1994. – С. 105-111.
20. Бочоришвили Н.К. Структура и функционирование сложных эпитетов в поэтическом языке Спенсера и Шекспира // Слово о контексте литературной эволюции: Античность – Средние века – Возрождение. – М., 1989. - №1. – С. 54-64.
21. Бродович И.О., Морозова Ю.О. Проблема соотношения разговорного, просторечного и диалектного слова. (На материале лексики пьес Шекспира) // Теория и практика лингвистического описания разговорной речи. – Горький, 1984. – Вып. 15. – С. 3-10.
22. Брылева М.И. Лингвостилистические характеристики клятвенных речений (На материале пьес В.Шекспира): Автореф. дис.... канд. филол. наук / Мин. гос. пед. ин-т иностр. языков. – Минск, 1999. – 24с.
23. Выготский.Д.С. Психология творчества. Москва, «Искусство», 1982 й. 12с.
24. Вильям Шекспир. Сайланма. Уч жилдлик. Иккинчи жилд., Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2008й.,155-334бб.

25. Васильченко О.Ю. Конверсия в языке Шекспира: Автореф....дисс. канд. филол. наук. – Киев: Киев. гос. ун-т им. Т.Г. Шевченко, 1998. – 16с.
26. Вилюман В.Г. О монологе Брута в трагедии Шекспира «Юлий Цезарь» // Экспрессивные средства английского языка. – Л., 1975. – С. 20-29.
27. Вилюман В.Г. Речь Антония в трагедии Шекспира «Юлий Цезарь» // Язык и стиль английского художественного текста. – Л., 1977. – С. 30-40.
28. Ганц Н.В. Язык и время: Минимальные двусоставные предложения в драмах Шекспира // Жизнь и слово. – Л., 1994. – С. 94-103.
29. Ганц Н.В., Кузнецова Л.Б. Функционально-стилистические характеристики минимальных двусоставных предложений с подлежащим it в диалогах пьес Шекспира // Анализ стилей зарубежной художественной и научной литературы. – Л., 1989. – Вып 6. – С. 11-114.
30. Гольская Л.Я. К вопросу о некоторых особенностях организации текста (На материале первой сцены трагедии В. Шекспира «Ромео и Джульетта») // Проблемы лингвистического анализа текста. – Иркутск, 1980. – С. 101-111.
31. Гольская Л. Я. Ритмика повествования в трагедии . Шекспира «Ромео и Джульетта» // Лингвистический анализ текста. – Иркутск, 1995. – С. 110-115.
32. Гёте И.В. Об искусстве и литературе. Москва, «Художественная литература», 1980 й. С. 36-42.
33. Долимов Ш.З. Таржима санъати ва муаммолари. Тошкент: 2009, 57-60 бб.
34. Дроздова А.Б. Некоторые структурно-стилистические особенности монологов Ричарде в «Ричарде III» Шекспира. – Анализ стилей зарубежной художественной и научной литературы. – Л., 1998. – Вып 10. – С. 42-50.

35. Исаак Паси. Литературно-философские этюды. М, 1974 й. С. 71-79.
36. Комарова В.П. Метафоры и аллегории в произведениях Шекспира. – Л.: Изд-во ЛГУ, 1989. – 201с.
37. Кулиев А.К. К вопросу о качественной характеристике действия / На материале языка произведений Шекспира / Сборник научных трудов / Моск. пед. инт. иностр. языков. – М., 1994. – Вып. 229. – С. 183-199.
38. Клюканов И.Э.. Основные модели перевода. Калинин, 1988 й. С. 36-55.
39. Кристофер Кодуэлл. Иллюзия и действительность. Изд-во «Прогресс», 1969 й. С. 22-28.
40. Копанев П.И. Теория и практика письменного перевода, М., «Высшая школа». 1986 й. С. 56-59.
41. Копанев П.И. Вопросы истории и теории художественного перевода, Изд-во БГУ им. В.И.Ленина, Минск, 1972 й. С. 16-21.
42. Любимов Николай. Несгораемые слова. М., «Художественная литература», 1988 й. С. 23-44.
43. Левый Иржи. Искусство перевода. Издательство «Прогресс», М., 1974 С. 82-91.
44. Эткинд Е. Поэзия и перевод. Советский писатель. Москва-Ленинград, 1963 й. С. 20-25.
45. Мовчан Павло. Хвалоканону. Москва, Советский писатель, 1990 й. С. 11-36
46. Мастерство перевода, М., Советский писатель, 1971 й. С. 65-66.
47. Мотылева Т. Переоды, критика, влияние. М., Советский писатель, 1978 й. С. 46-67.
48. Мастерство перевода, Советский писатель, М., 1963 й. Сборник статей. С. 11-14.
49. Мастерство перевода, Советский писатель, М., 1977 й. С. 8-10.

50. Мезенин С.М. Образность в драме Шекспира «Генрих VIII» // Вопросы теории английского языка. – М., 1995. – Вып.2. – С. 53-63.
51. Мезенин С.М. Образные средства в комедии Шекспира «Два веронца» // Проблемы языкознания и теории английского языка. – М., 1998. – Вып. 10. – С. 16-27.
52. Мезенин С.М. Стилистическая функция личных имен в драматических произведениях Шекспира // Вопросы теории английского языка. – М., 1995. – Вып.8. – С. 39-52.
53. Мезенин С.М. Метафоризация, деметафоризация и реметафоризация в драматических произведениях Шекспира // Проблемы языкознания и теории английского языка. – М., 1996. – Вып.8. – С. 88-94.
54. Мезенин С.М. Образные средства в языке Шекспира: Автореф. дис....д-ра филол. наук / АН. Ин-т языкознания. – М., 1986. – 30с.
55. Мезенин С.М. Игра словом в «Гамлете» Шекспира // Филологические науки. – М., 1990. - №4. – С. 40-47.
56. Морозов М.М. Язык и стиль Шекспира. Избранные статьи и переводы. – М.: ХЛ, 1984. – 480с.
57. Парфенов А.Т. Марло, Шекспир, Джонсон как современники // Филологические науки. – М., 1975. - №3. – С. 88-96.
58. Пустовойт П.Г. Слово, стиль, образ. Изд-во «Правещение», М., 1965 й. 62с.
59. Потебня А.А. Теоретическая поэтика. М., «Высшая школа», 1990 й. С. 76-82.
60. Роселье В. Сколько весит слово. М., Советский писатель, 1984 й. С. 98-102.
61. Саломов Ғ. Тил ва таржима. “Фан” нашриёти, Тошкент, 1966 й. 41-45 бб.
62. Саломов Ғ. “Таржима назарияси асослари”, Тошкент, “Ўқитувчи” нашриёти, 1983 й. 72-80 бб.

63. Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. “Ўқитувчи” нашриёти, 1978 й. 46-50 б.
64. Саломов. Ғ. Тил ва таржима. Тошкент, 1966, 292-бет.
65. Саидов С. Давр тақозоси. «Таржима санъати». Мақолалар тўплами, 3-китоб, Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976, 205 бет.
66. С. Айний. Эсдаликлар. I—II қисм. Асарлар, 8 томлик, 5-том, Тошкент, 1965, 204—205-бетлар (Барча ўзбекча мисоллар шу китобдан олинган).
67. С. Айни. Бухара, Собр. соч. в 4-томах, том 3, стр. 200. (Барча русча мисоллар шу китобдан олинди).
68. С. Айний. Эсдаликлар. Асарлар, саккиз томлик, 5-том, 174-бет.
69. С. Айни. Воспоминания, перевод с таджикского Аннм Розенфельд. Изд. Академии наук СССР, М—Л., 1960.
70. С. Айний. Эсдаликлар. I—II қисм. Асарлар, 8 томлик, 5-том, Тошкент, 1965, 204—205-бетлар (Барча ўзбекча мисоллар шу китобдан олинган).
71. С. Айни. Бухара, Собр. соч. в 4-томах, том 3, стр. 200. (Барча русча мисоллар шу китобдан олинди).
72. С. Айний. Эсдаликлар. Асарлар, саккиз томлик, 5-том, 174-бет.
73. С. Айни. Воспоминания, перевод с таджикского Айны Розенфельд. Изд. Академии наук, М—Л., 1960г. С. 124-138.
74. Самуэл Маршак. Поэзия перевода. «Литературная газета», 31 мая 1962 г. 42с.
75. Сулаймонова Ф.Шекспир Ўзбекистонда. Т., “Фан” нашриёти, 1978 й. 36-92 бб.
76. Султонова Д.А., Халимова Ф.Р. Шеър ва таржима. Самарқанд, 2009 й. 28-32 бб.
77. Свиридова Л.Ф. Шекспиризм в современном английском языке // «Ученые записки», (I МГПИИЯ), т.51. – М., 1969. – С. 173-189.

78. Сидоренко Т.К. Префиксальный элемент SUPER – в произведениях Шекспира // Вопросы английской лексикологии и лексикографии. – Пятигорск, 1990. – С. 87-91.
79. Таржима санъати. Мақолалар тўплами. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1976 й. 210-212 бб.
80. Таржима санъати. Мақолалар тўплами. Т., Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1980 й. 172-177 бб.
81. Таржима санъати. Мақолалар тўплами. Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1973 й. 146-152 бб.
82. Таржима санъати. Т., Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985 й. 165-167 бб.
83. Таржима мактаби. 2009 йил 11-сон 157 – 160 бет
84. Фёдоров А. Искусство перевода и жизнь литературы. Советский писатель, Ленинградское отделение, 1983 й. 98с.
85. Хумбольт В. Тилларнинг адабиётга таъсири ва маънавий такомил масалалари / Рус тилидан Ибодулла Мирзаев таржимаси // Филология.5. – Самарканд: СамГУ, 2003. – 3-8 б.
86. Художественный перевод сборник статей. Проблемы и суждения. Изд-во «Известия», М., 1985 й. С. 12-18.
87. Ғ.Ғулом. Асарлар. Тўққизинчи том. Таржималар. Тошкент: 1977 й. 392 б.
88. Ғайбуллоҳ ас-Салом. Жаҳонгашта Нейматулло Отажонов. “Бобурнома”, Т., 1996 й. 46-48 бб.
89. Ғ. Ғулом. Асарлар. Ун томлик. 9-томда. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977, 223—240-бетлар.
90. Шиллер Ф. Макр ва муҳаббат. Яшин ва Маъруф таржимаси. Тошкент, Нафис адабиёт ва Давлат нашриёти, 1939. (Лотин алифбосида.)
91. Ш и л л е р Ф р и д р и х. Вильгельм Телль. Драма в пяти действиях. Перевод Н. Славятинского М.—Л., Государственное Изд-во детской литературы Наркомпроса РСФСР, 1946

92. Эткинд Е. Русские поэты переводчики от Треднаковского до Пушкина. Изд-во «Наука», Ленинградское отделение, Ленинград, 1973 й. С. 93-99.

93. «Ёш куч», 1939 йил, 2-сон, 15—19-бет, лотин алифбосида.

94. «Шарқ юлдузи», 1976 йил, 10-сон, 238—240-бетлар.

95. «Шарқ юлдузи», 1970 йил, Э-сон, 93—169-бетлар.

96. Чуйко В.В., Шекспир, СПб, изд-во суворина, 1889, стр.35

97. Ўзбекситонда бадий таржима тарихи, Тошкент, “Фан” нашриёти, 1985 й. 36-бет.

98. Ўзбекситонда таржимачилик . Т., “Фан” нашриёти, 1978 й. 45-71 б.

99. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 18-сон Т-“Адолат” 1988. 4 бет.

Ўзбекситонда бадий таржима тарихи

100. Barnhart C. The Barnhart Dictionary of new English since 1963. – New York, 1973. – 512 p.

101. Collins Cobuild English Dictionary. – London: Harpes Collins Publishers, 1995. – 1951 p.

102. Collins Dictionary of English Language. – London; Glasgoe, 1999. – 1690 p.

103. Dictionary of Contemporary English. – Editor-in-Chief Procter P. – London: Papermark, 1998. – XXXIX, 1303 p

104. Hornby A.S. Oxford student’s dictionary of Content English. – Oxford: Oxford University press, 1984. – 769 p.

105. Kay V., Stevens P. Beyond the Dictionary English (A Handbook of Colloquial Usage). – London, 1974. – 598 p.

106. Longman Dictionary of Contemporary English. – London: Longman, 1997. – 1229 p.

107. Longman Dictionary of English Idioms. – London: Longman, 1989. – 387 p. (LDEI)

108. Oxford Dictionary of Current Idiomatic English. – Vol. 1/ Cowie A.P., Mackin R. – Oxford: Oxford University Press, 1993. – LXXXI, 396 p. (CM)

109. Oxford Dictionary of Current Idiomatic English. – Vol. 2/ Cowie A.P. e.a. – Oxford: Oxford University Press, 1994. – 685 p.

110. Oxford Word power Dictionary. – London: Oxford University Press, 1993. – 746 p.

111. The Oxford English Dictionary of The English Language / Ed. by James A.Y. Murray. – Oxford: Oxford at the Clarendon Press, 1993. – 1405 p. (OED)

112. The Random House Dictionary of the English Language. – New York, 1990. – 1104 p. (RHD)

Қўшимча адабиётлар:

113. Abbot E.A. Shakespearean Grammar. – London, 1884. – 540 p.

114. Adams B.B. Orsino and the spirit of love. Text, syntax and sense in “Twelfth Night” // Shakespeare quart. – Washington, 1988. – Vol.29, №1. – P. 52-59.

115. Ashley L.R.N. Proper names and proper pronunciation in Shakespeare’s plays // Names. – New York, 1997. – Vol.35, №3/4. – p. 174-205.

116. Berry R. The Shakespearean metaphor: Studies in language and form. – London; Basinstoke: Macmillan, 1998. – XI, 128p.

117. Bettinger P. Shakespeare’s use of the term ‘people’. A suggestion for an entry of the lemma “people” in a new Shakespeare dictionary // Zeitschrift fuer Anglistik und Amerikanistik. – Leipzig, 1986, - Jg. 24, H.4. – S. 339-343.

118. Bevington D. Action is eloquence: Shakespeare’s language of gesture. – Harward, 1996. – 448p.

119. Blake N.F. [Recensio]: “Salmon V., Burness E. A reader in the language of Shakespearean drama. – Philadelphia, 1987. – XXII, 523p.” // Jb. / Dt. Shakespeare – Ges. West. – Bochum, 1989. – S. 372-374.

120. Blake N.F. The language of Shakespeare. – Basingstoke; London: Macmillan, 1993. – X, 154p. (The language of lit.)
121. Burelbach F.M. Names of supporting characters in “Hamlet”, “King Lear”, and “Macbeth” // Names. – New York, 1997. – Vol. 35, № ¾. – P. 127-138.
122. Burton D.M. Shakespeare’s Grammatical Style. A computer assisted analysis of “Richard III” and “Antony and Cleopatra”. – Austin; London, 1993. – XVIII, 364p.
123. Bushuy T.A. Poetic nutq va uning matndagi ifodasi (ijodiyot lingvopsixologiyasi) // Филология. VIII. – Самарканд: Сам ДУ, 2007. – 27-34 b.
124. Cunliffe R. A new Shakespearean dictionary. – London: Ginn, 1936. – 648 p.
125. Curren-Aquino D.T. Self-naming of Shakespeare’s early plays // Names. – New York, 1987. – Vol. 35. - № ¾. – P. 147-163.
126. Dahl, Liisa. Nominal style in Shakespearean Soliloquy with Reference to the Early English Drama, Shakespeare’s Immediate Predecessors and his Contemporaries. (“Annales Universitatis Turkuensis”, Series B, Tom 112). – Turku: Turun Yliopisto, 1969. – 270 S.
127. Dent R.W. Shakespeare’s proverbial language. – Berkeley; Los Angeles; London, 1991. – XXVIII, 289 p.
128. Elam K. Shakespeare’s Universe of discourse. Language games in the comedies. – Cambridge etc.: Cambridge univ. Press, 1994. – XI, 339 p.
129. Gordon G. Shakespearean Comedy // Conversational English / By Ball W. J. – London, 2002. – P. 143-161.
130. Green G. “But words are words”. Shakespeare’s sense of language in “Othello” // Etudes anglaises. – Paris, 1991. – A. 34, № 3. – P. 270-281.
131. Gurr A. ‘You’ and ‘thou’ in Shakespeare’s sonnets // Essays in criticism. – Oxford, 1992. – Vol. 32, № 1. – P. 9-25.

132. Hunter G.K. [Rec.]: "Dent R.W. Shakespeare's proverbial language. – Berkely; Los Angeles; London, 1991. – XXVIII, 289 p." // *Mod.lang.rev.* – London, 1995 – Vol. 80, pt 1. – P. 118-119.
133. Jacobs R. [Recensio]: "Bevington D. Action is eloquence: Shakespeare's language of gesture. – Harward, 1996" // *English.* – London, 1996. – Vol. 35, № 152. – P. 164-173.
134. Koekeritz H. Shakespeare's Pronunciation. Yale, 1953. – 348 p.
135. Kopytko R. The impersonal use of verbs in William Shakespeare's plays // *Studia anglica posnaniensia.* – Posnan, 1998. – Vol. 21. – P. 41-51.
136. Kopytko R. Control theory and the language of Willaim Shakespeare's plays // *Kwart. Neofilol.* – Warszawa, 1999. – R. 36, z. 1. – P. 25-34.
137. Mahood M.M. Shakespeare's Wordplay. – London, 1995. – 341 p.
138. McGuire Ph. C. Speechless dialect: Shakespeare's open silences. – Berkeley, 1995. – XXVIII, 191 p.
139. Mukherjee S.K. Shakespeare's language in our borrowings from him // *Bull. of the Ramakrishna mission Inst. of Culture.* – Calcutta, 1989. – Vol. 40, № 11. – P. 266-273.
140. Nero R. Shakespeare's other language. – New York; London: Methuen, 1997. – VI, 170 p.
141. Sorvali Irma. Original texts and their translations // *Psycholinguistics on the threshold of the year 2000.* – Proceedings of the 5th international Congress of the International Society of Applied Psycholinguistics. – Proto, 1999. – P. 607-609.
142. Spurgeon C.F.E. Shakespeare's Imagery and what it tells us. – Cambridge, 1995. – 448 p.
143. Thompson A., Thompson J.O. Shakespeare: meaning and metaphor. – Brighton: Harvester press, 1997. – XI, 228 p.
144. Webster's New World Thesaurus. – New York: The New American Library, 1995. – 1678 p.

145. Weseen Maurice H. A Dictionary of American Slang. – London, 1967. – 543 p.
146. Shakespeare W. All's Well that Ends Well // The Complete Works of William Shakespeare. – New York: The University Society, 1899. – P. 711-819.
147. Shakespeare W. Antony and Cleopatra // The Works of Shakespeare. – Vol. 1. – M., 1937. – P. 305-412.
148. Shakespeare W. As You Like It // The Work of Shakespeare. – Vol. III. – M., 1938. – P. 215-378.
149. Shakespeare W. Catiline. – London; Harmondsworth: Penguin Books, 1999. – 310 p.
150. Shakespeare W. Coriolanus // The Complete Works of William Shakespeare. – New York: The University Society, 1899. – P. 820-1090.
151. Shakespeare W. Cymbeline // The Works of Shakespeare // The Complete Works of William Shakespeare. – New York: The University Society, 1899. – P. 20-210.
152. Shakespeare W. Henry the Eighth // The Complete Works of William Shakespeare. – New York: The University Society, 1899. – P.345-384.
153. Shakespeare W Julius Caesar, London: Triad Panther Books, 1992. – 384 p.
154. Shakespeare W. King Henry IV // The Works of Shakespeare in 4 Volumes. – Moscow, 1937. – IV, P. 6-192.
155. Shakespeare W. King Henry IV // The Works of William Shakespeare in 4 Volumes. – Moscow, 1937. – IV, P. 4-114.
156. Shakespeare W. King Lear // The Complete Works of William Shakespeare. – New York: The University Society, 1899. – P. 500-710.
157. Shakespeare W. King Richard II. – London: Penguin Books, 1987. – 284 p.
158. Shakespeare W. Macbeth. – London: Faber and Faber, 1998. – 188 p.
159. Shakespeare W. Measure for Measure // The Complete Works of William Shakespeare. – New York: The University Society, 1899. – P. 211-344.

160. Shakespeare W. *Much Ado About Nothing* // *The Works of Shakespeare*. – M., 1937. – Vol. II. – P. 193-324.
161. Shakespeare W. *Othello*, London: Pan Books, 1994. – 289 p.
162. Shakespeare W. *Pericles* // W. Shakespeare. – Vol. VII. – Leipzig, 1865. – P. 10-178.
163. Shakespeare W. *Romeo and Juliet*. – London: Constable, 1994. – 194 p.
164. Shakespeare W. *The Taming of the Shrew*. – London: Heinrman. 1988. – 278p.
165. Shakespeare W. *The First Collected Edition of the Dramatic Works. Facsimils of the First Folio (16230)*. – London, 1866. – 464 p.
166. Shakespeare W. *The First Part of Henry the Fourth* // *The Works of Shakespeare in 4 Volumes*. – M., 1937. – Vol. II. – P. 325-428.
167. Shakespeare W. *The Life and Death of King John* // *The Works of Shakespeare in 4 Volumes*. – Moscow, 1937. – I, P. 10-198.
168. Shakespeare W. *The Life of King Henry V* // *The Works of Shakespeare in 4 Volumes*. – Moscow, 1937. – III, P. 8-214.
169. Shakespeare W. *The Merchant of Venice*. – Boston – New York – London: Ginn and Company, 1994. – 348 p.
170. Shakespeare W. *The Merry Wives of Windsor* // *The Works of Shakespeare*. – M., 1937. – Vol. I. – P. 199-304.
171. Shakespeare W. *The Second Part of Henry the Fourth. A New Variorum edition*. – Philadelphia – London, 1990. – 488 p.
172. Shakespeare W. *The Tempest*. – Philadelphia – London, 1992. -306 p.
173. Shakespeare W. *The Tragedy of King Richard II* // *The Works of Shakespeare in 4 Volumes*. – Moscow, 1937. – IV, P. 116-280.
174. Shakespeare W. *The Tragical Historie of Hamlet. The Second Quarto (1604)*. – Ed. F.J. Furnival. – London, 1988. – 398 p.
175. Shakespeare W. *The Winter's Tale* // *The Works of Shakespeare in 4 Volumes*. – M., 1938. – Vol. IV. – P. 281-399.

176. Shakespeare W. Timon of Athens. – London: Pan, 1988. – 328 p.

177. Shakespeare W. Troilus and Cressida // Boston – New York – London: Ginn and Company, 1998. – 290 p.

178. The Complete Works of William Shakespeare. – New York: The University Society, 1899. – 3004 p.

179. The Work of Shakespeare. – M., 1937-1938. – Vol. I-IV.

Интернет саҳифалар

1. www.google.uz

2. www.ziyonet.uz

3. www.yandex.ru

4. www.rambler.ru

5. www.google.ru